

МАЖБУРИЙ НУСХА

Мансур ИНЪОМ

# НАЖОТ ЧОРБОҒИ

(Қиссалар)

«Наманган» нашриёти  
2013 йил.

УЎК: 821.512.133-3

ББК: 84 (5 Ўзб) 7

Узб. араб.

И - 52

Мансур Инъом. (Мансур Иномхонов). Нажот чорбоғи. Қиссалар ва илмий-бадий мақолалар.

Ёзувчи Мансур Инъомнинг «Нажот чорбоғи» киссасида Бобур Мирзонинг тақдир тақозоси билан Чустнинг Карнон қишлоғига келиши ва унинг бу жойлардаги қадамжолари халқ ўртасида сақланиб келаётган ривоятлар асосида ҳикоя қилинади.

Ушбу китобдан ўрин олган «Қасд» киссасида уруш туфайли Ватанидан жудо бўлган инсонлар тақдири ҳамда жиноят йўлига кирган бир гуруҳ қабиҳ одамларнинг қилмиши, энди дунёга келиб ота-она меҳрига зор бўлган гўдакнинг аччиқ қисмати қаламга олинган.

Масъул муҳаррир:

Саидбек Ҳасанов,  
филология фанлари  
доктори, профессор.  
Бобуршунос олим.

НО 41438  
2  
Мансур Инъом (М. Иномхонов).

«Нажот чорбоғи». (Қиссалар)

«Наманган» нашриёти – 2013. – 128 б.

ISBN -978-9943-4057-4-5

1121-3586.75-1577452

2013

ИИ  
Alisher Navoiy (8,0 - (05)

nomidagi

© «Наманган» нашриёти – 2013 йил

2013/91

A

6775

O'zbekiston MK

«Бобур дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган, у санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди...».

«Бобур энг донишманд ва дилбар шахслардан бири эди. Унда мазҳабий таассубдан, қолоқлик ва қисқа фикрликдан асар ҳам йўқ эди. У бошқа ҳокимлар каби вайрон қилиш, хароб қилиш йўлидан бормади. Бобур санъат ва адабиётни қўллаб-қувватлаган кишилардандир.»

«Бобур жасур киши эди. У ўз замондошларига араб алифбоси ўрнига янги алифбони ҳам тақдим этди. Унинг бу ихтироси ўрта аср шароитида тараққиёт йўлида қўйилган илдам ва шижоатона қадам ҳисобланмоғи керак.»

Жавоҳарлаъл НЕРУ,  
Ҳиндистоннинг буюк давлат арбоби.

«Шарқдаги Уйғониш даврининг энг атоқли ва маданий арбобларидан бири».

С.П. ТОЛСТОВ.

«Ўз даврининг императори» .

Ф.ЭНГЕЛЬС.

*Ҳар вақтеки кўргайсен менинг сўзимни,  
Сўзимни ўқиб соғингайсен ўзимни.*

Бобур.

## МУҚАДДИМА

Неча асрларга гувоҳ бўлган азим Сирдарё ҳамон осуда оқмоқда. Қоялар бағридан отилиб чиққан бир гала кабутарлар дарё устида чарх ура бошлади. Улар ўз ошенини қидиргандай, аждодларини қўмсагандай Ахсикент харобалари томон интиларди.

Кабутарлар харобалардан кўнгил узиб кетолмас, тинмай қанот қоқиб парвоз қиларди. Бир жуфт кабутар галасидан ажралиб, ерга қўнди. Бу беозор кушлар тумшуқларини хароба тупроғига суркаб муроди ҳосил бўлгандек яна кўкка кўтарилди, галасига қўшилди. Улар нимадандир умидларини узолмагандек салобатли қоялар томон учиб кетди.

Кабутарларни аждодларининг ёди бу харобага чорлабди. Биз инсонларничи? Ким чақиряпти бу ерга? Ахсикент харобаларини титкилаб нима топдик ўзи? Бойликми? Йўқ, йўқ, бизни бу ерга Умар Шайх Мирзонинг руҳи даъват этмаяптимикан! Балки Бобур Мирзонинг беғубор ўтган болалик йилларимикан?

Дарё ва харобалар узра ҳозиргина парвоз қилган кабутарлар нега Ахсикент қўрғони устида интиқлик билан қанот қоқди? Балки улар Умар Шайх Мирзонинг, Бобур Мирзо ҳавас билан термулган ўша кабутарларнинг авлодларидир. Ана шу ўй-хаёллар мени узоқ мозийга етаклади...

## КАРНОН ЧОРБОҒИ

Шомга яқин изғирин бошланди. Шамол қор учқунларини учириб келиб отга урар, бу эса унинг юришини қийинлаштирарди. Орқадан 30-40 чоғли ёғий икки кундан буён таъқиб этар, бу фақат отнигина эмас, Бобур Мирзонинг ҳам тинка-мадорини қуритган эди. У от устида зўрға ўтирар, совуқдан киприкларида қиров қотиб қолган, бутун борлиғи қақшаб оғрирди. Бир томондан эса икки кундан буён туз тотмагани кўнглини оздирарди.

Сайхонлик тобора юқори томон кўтарилар, катта-катта харсанг тошлар узоқдан савлат тўкиб, кўнгилга ғашлик соларди. Жонивор от гоҳ тойғониб, гоҳ қоқилиб мункисада соҳибини авайлаб, олдинга интиларди.

Энди Аҳси қўрғонининг баланд қалъалари ҳам кўзга кўринмас, ҳаммаси қоронғулик қаърига сингиб кетган...

Бобур Мирзо кечаги жангдан қандай омон чиқиб кетганини эслаб, ўйининг охирига етолмасди. Одамлар бунча ҳам маккор, бир-бирига хиёнаткор бўлмаса! Аҳси ҳокими Шайх Боязид қалъани топшираман, деб Бобур Мирзони шаҳарга таклиф этиб, наҳот шу кўргуликларни бошига солса! У бунда Шайх Боязиднинг акаси Аҳмад Танбалнинг ҳам қўли борлигини азалдан кўнгли сезганди. Бобур ёғийларнинг қўйган бу тузоғига илинмай деб ҳар иккисининг таклифини рад этиб, зудлик билан жангга кирди. Ғанимнинг икки мингдан ортиқ қўшинига қарши унинг икки юз нафар аскар и жанг қилишига тўғри келди.

Кўргулик эканда, жангда неча-неча олишувлар-

дан омон олиб чиққан тулпори яраланиб, отсиз қолса-я! Дарвоқе, шунда кимдир унга от жilовини тутқазган эди. Ким экан ўша садоқатли жангчиси? Ҳа, Султон Муҳаммад Вайс ўз отини берганди, унинг тақдири не кечдийкин!

Оғир ва тенгсиз жангда мағлуб бўлган Бобур Мирзо бор-йўғи саккиз нафар йигити билан Сангсой ўзани бўйлаб шимол томон чекинишга мажбур бўлди. Унинг хаёлини содиқ дўсти Хонқулнинг хиридоқ овози бузди. «Икки отни бу орадан олиб, илдам юринг, шояд чиқа олгайсиз». Хонқулнинг бу сўзлари уни хаёллар гирдобидан олиб чиқиб, ўзига келтирди.

Дўстни ташлаб кетиш! Бу номардлик, дўстга нисбатан хоинлик эмасми, деган фикр чарх урди унинг хаёлларида.

Ғанимларнинг от туёқлари тапир-тупури жуда яқиндан эшитилмоқда эди. Ҳа демай, ўзлари ҳам кўринди. Улар 20-25 чоғли отлиқлар эди. Бобур Мирзонинг тулпори олдинга интилар, навкарлар қандай қилиб бўлмасин унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ўз жонларини фидо қилишга тайёр эдилар. Таъқиб этувчиларнинг овозлари ҳам эшитилмай қолди. Таъқибдан қутулган Бобур Мирзо от жilовини кўйиб юбориб, кимсасиз дашту-биёбонда ўз ихтиёрини тулпорига топшириб кўйиб, мудраб борарди.

От ўз-ўзидан тўхтаб қолди. Бобур Мирзо оёқлари билан қорнига ниқтаса-да жойидан жilмади. Шунда йўл бўйида чўнқайиб турган қорани кўрди ва ғанимлардан бўлса керак деган гумонга бориб, қиличини дарҳол яланғочлади. Зулумотда икки кўзи ялт этганидан унинг бўри эканини билди-ю «қоч

жонивор, учрашган жойимизни қара, ўзим ҳам сендек очдурмен» деди ва дарҳол эгардан тушиб отини етаклади. Тарашадек қотиб қолган оёқларига жон кирди. Бўри ҳам ўзини четга олди.

Йўл тобора баланд тепалик томон олиб борарди. Ҳатто от ҳам ҳолдан тойиб юролмай қолди. Бобур Мирзо отни қолдириб, ўзи юқорига ўрлади. У оёғини зўрға судраб босар, йўли ҳеч кўпаймас эди. Изғирин бўлишига қарамасдан пешонасидан оққан тер кўзини ачиштирарди. Енги билан юз-кўзини артди. Томоғи қуруқшаб сув ичкиси келди. Кафтига бир сиқим қор олиб орзига солди. Қор бир зумда эриб, ич-ичидан келаётгани чанқоқлик тафтини босди. Яна олдинга интилди. Бу сафар оёғи тойилиб, юз тубан қорга йиқилди. Шу аҳволда қанча ётганини ҳам сезмади. Юзига муздек қор ботғач, ўзига келди. Тепасида оти бошини эгганича мўлтираб қараб турарди. У зўрға ўрнидан турди. Отни етаклаб яна тепалик томон юра бошлади. От ҳам энди соҳибининг шаштини қайтаргиси келмагандек битта-битта босиб унга эргашди. Пастдан кимдир чақиргандек бўлди. Шундагина икки отлиқ ўзини таъқиб қилиб келаётганини кўрди. Қиличини шайлаб сўнгги ҳаёт-мамот жангини бошлашга шайланди. Шунда у ганим деб гумон қилганлардан бири Қуръони Каримни тилга олиб, уларни авф этишини сўраб, содиқ дўст бўлиб қолишга сўз берди. «Майли, - деди Бобур Мирзо, - эгилган бошни қилич кесмағай».

Улар учовлон баланд-баланд тепаликлар бағрига тобора кириб боришарди. Туя ўрқачини эслатувчи тепаликлар бир-бирига жудаям ўхшар, йўлнинг на боши, на охири кўринарди. Бобур отнинг

жиловини тортди. Атрофга назар солди. Қаерда эканлигини, қайси жойга келиб қолганликларини аниқлашга уринди.

«Э-ҳа, бу Сарсончап тепаликлари-ку», деди у ўз-ўзига шивирлаб. Бу ерларга отаси Умар Шайх билан ов қилгани келиб турарди. Болалик хотиралари ёдига тушди. Эсида, қалин қамишзор ва юлғунзор ичидан қочиб чиққан қуённи ўн чоғли отлиқлар қувиб етишолмади. Улар отган найзаларига парво қилмаган қуён Сарсончап тепаликларига кириб, кўздан ғойиб бўлди. Шунда Умар Шайх Мирзо отлиқ йигитларни тепаликларга боришдан тўхтатди.

- Бас, Сарсончапда<sup>1</sup> адашиб қоласизлар. Бир-бирига ўхшаш тепаликлар бағрига кирган одам қайтиш йўлини билмай чалғиб қолади. Афтидан Сарсончап тўғрисидаги ривоятни эшитмаган кўри-насизлар, - деди Умар Шайх Мирзо дам навкарларига, дам сўнгсиз тепаликларга нигоҳ ташларкан. - Айтишларича бир бойнинг беҳисоб мол-мулки бўлиб, унинг қўлида кўп одам хизматда бўлар экан. Бой ниҳоятда хасислигидан иложи бўлса хизматкорларига ҳақини ҳам бергиси келмас экан. Шунда улардан Ўсар ва Ўктам исмли йигитлар кўпчилик ўртасида ҳақларини талаб қилишибди. Бу эса бойнинг иззат-нафсига тегибди. Қандай бўлмасин улардан қутулиш йўлини ўйлаган бой Сарсончап тепаликларига жўнатмоқчи бўлиб айтибди. «Агар Сарсончапнинг неча дарвозаси борлиғни аниқлаб келсанглар, ҳар иккалангизга 12 тангадан тилло ва бошдан-оёқ сарпо кийдираман, ишлаган ҳақла-

---

1. (Чустдаги Машҳад қишлоғининг чап томонидаги тепаликлар-Сарсончап тепаликларидир).

рингизни ҳам бераман» дебди. Чунки Сарсончапта сон-саноқсиз тепаликлар бўлиб, неча йўли ва дав-розаси борлигини ҳали ҳеч ким билмас, у ерда адашиб кетиш ҳеч гап эмас экан. Икки йигит бир қопга озиқлик жойлаб, Сарсончап томон равона бўлишибди. Улар кун ботар пайтда кўзланган ман-зилга етиб келишибди. Йўлда ҳориб-толиққан йигитлар бир оз дам олишгач, тепаликлардан бири устига чиқиб йўлни аниқламоқчи бўлибдилар. Гоҳ у, гоҳ бу тепалик устига бир неча бор чиқиб тушишибди-ю, ҳеч нарсани аниқлай олишмабди. Борлиқни қоронғулик қоплай бошлабди. Улар кат-та дўнгликнинг устида қопнинг берк томонини ҳам йиртиб, оёқларини суқишиб ётишибди. Туни билан уйқулари келмабди. Даштда турли ваҳший ҳайвонларнинг улиши, чигирткаларнинг чирилла-шидан безовталанишибди. Шунда осмондан бир қора шарпа уларнинг устида пайдо бўлибди-ю ваҳимали овозда дебди:-

*Сарсончап ҳафт ҳазору,  
Ҳафт дарвоза дораду,  
Лек надидам одами ду калларо.*

(Мазмуни: Сарсончапта етти минг етти дарвоза бору, лекин икки бошли одам борлигини кўрмаган эдим).

Ўсар билан Ўктам, ниҳоят, Сарсончапнинг неча дарвозаси борлигини шундан билиб олишибди-ю, эртасига бойга келиб ундан талаб қилинган сарпо ва ишлаган ҳақларини олишибди.

Бобур Мирзо отасидан эшитган бу ривоятни унутмаган эди. У ҳамроҳларига қараб «Келган

йўлимиздан қайтмасак, адашиб сарсон бўламиз» деди. Борлиққа қоронғулик чўка бошлади. Кун бўйи учовлон йўл қидириб, ҳориб чарчашган эди.

Шунда Бобур Мирзо ҳамроҳларига: - Дара яқинидаги кенг катта йўлни нишонга олиб, ўшанга бошланглар, - деди. Улар бироз юришгач, йўл бир сувсиз сойга келиб қўшилди. Шунда у шерикларига - кенг йўл бу эмаску, - деди.

- У йўл ҳали олдинда - деб жавоб беришди. Ярим тунда улар сувли сойга етишди. Энди Банда Али.

- Фофил қолибсиз, кенг йўли кейинда қолибди. Шунда Бобур Мирзо деди:

- Бас?

- Не қилмоқ керак?

- Олдимизда Гова йўли яқин. Ўша йўл билан Фарқатга борса бўлади, - дедилар ва йўл бошладилар. Узоқдан милт-милт этган ёруғлик кўринди. Кўнгилларида умид шуъласи учқунлагандек бўлди. Ўша томон от солдилар. Тонг отай деганда Говасой ирмоғи бўйлаб бир қишлоққа яқинлашишди.

- Бу ерда, адашмасам булоқ бор эди, бир қултумдан сув ичайлик, - деди Бобур Мирзонинг ҳамроҳларидан бири. Улар отдан тушиб сой бўйлаб юқорига кўтарилишлари билан чак-чак этиб томаётган сув томчиларининг овози эшитилди

- Сумбул булоққа<sup>2</sup> келибмиз-ку, - деди Бобур Мирзо. - Бу шифобахш гиёҳдан сизиб тушаётган сув ниҳоятда тотли ва шифобахш.

---

*2. Олмосга кетишда чап томонга кетган йўл бор. У сизни Машҳад қишлоғига олиб боради. Шундоққина сой бўйида булоқ бор. Сумбул булоқда ҳозир ҳам илгари қандай бўлса, шундай сув томчилаб туради. Фор ҳам сақланиб қолган. Чилонжйдазор эса Машҳад билан Янгибод қишлоқларининг ўртасида жойлашган.*

Бобур Мирзо яратганга шукроналар айтиб, тўйиб-тўйиб сувдан ичди, юз-қўлларини ювди. Ўнг томондаги азим чинор пастидаги ғорга кирди, бирига чирмашиб кетган сумбулнинг тонг шуъласидаги ёғдусида товланишини кузатди. У табиатнинг бундай мўъжизаси олдида ҳайратланиб узоқ туриб қолди. Бу табаррук гўша Абдурахмон Ибн Авф қадамжолари эди. Бобур Мирзо бу зот ҳақларидаги ривоятни эслади. Айтишларича, Ибн Авф асли хуросонлик бўлиб, Самарқанднинг Катгақурғонида қирқ йил одил подшолик қилганлар. Сўнгра Ангорда, кейин Ахси ва Сафедбулон қишлоқларида яшаган. У киши Карнон қишлоғига айна ҳамал оий кирган кезларда келганлар. Шунда йўл четида қўш ҳайдаётган деҳқонга кўзи тушади. Абдурахмон Ибн Авф йигитдан қишлоқдан нон олиб келиб беришини сўрайдилар. Шунда йигит дейди:

- Бобожон, мен бойнинг қўлидаги қарол бўлсам, ишни ташлаб қандай кетаман. Сўроқсиз кетсам бошимга не савдолар тушишини ёлғиз Яратганнинг ўзи билади.

Бобо бармоғидан етти мисқол тилла қўшилган қимматбаҳо узугини олиб, йигитнинг қўлига беради ва шундай дейди: «Сен хавотир олма болам, мен қўшни ҳайдаб тураман». Йигит қишлоққа тушиб, егулик олиб келганда бобо икки таноб ернинг ҳаммасини бир текис қилиб ҳайдаб қўйганди. У йигитнинг қўлидан егуликни оларкан, узундан узун дуо қилиб йўлга равона бўлибди. Сўқмоқ йўлдан келиб Қувон<sup>3</sup> ариғи бўйида бир оз дам олиб, нонни сувга ботириб еяётганда наридан ёғий-мўғуллар кела бошлабди. Улар бобони қўлга олишга

---

3. Қувон ариқ. Қувон йўли - Машҳад қишлоғида шундай ариқ ва йўл бор.

шайланаркан, ул зот Аллоҳдан ўз паноҳига олишини, душмандан асрашини илтижо қилибдилар. Шунда дуо мустажоб бўлиб мўъжиза рўй берибди: мўйсафиднинг атрофларини қалин чилонжийдазор ўраб олибди. Душман отган найзалардан 73 таси баданларига қадалиб, ярадор бўлибдилар ва Яратганнинг марҳамати билан тирик қолибдилар. Рақиблар жийдазорга киришга ботинолмай қайтиб кетибди.

...Уйғурсойдаги қабила бошлиғининг Қизбуви деган ақлли, доно, билимдон бир қизи бор экан. У Инжил, Забур, Таврот ва Қуръондан Аллоҳ каломларини мутолаа қилган, ғойибона мусулмон бўлиб, ота-онасини ҳам Аллоҳнинг ягоналигига иймон келтиришга даъват этади. Отаси, «Акаларинг билан маслаҳатлашай» дейди. Лекин акалари унинг таклифига қаршилик қилиб, Қизбувини занжирбанда қилиб, уйга қамаб қўйишади. Дилида ҳам, тилида ҳам фақат Аллоҳнинг ягоналигини зикр этиб йиғлаётган қизнинг муножотлари Эгамнинг даргоҳида қабул бўлади. Пайғамбаримиз саллаллоҳу Алайҳиссалом қизнинг тушида «Исковут сойидан Машҳад қишлоғига бориб, Қувон йўлидан кун чиқар томондаги чилонжийдазорга борасан. У ерда ярадор бўлиб Абдурахмон Ибн Авф ётибдилар. У кишининг ҳаётини сенга топширдик» дейдилар. Қиз тушида башорат қилинган жойга боришга жазм қиларкан, занжирлар ўз-ўзидан ечилиб, уй эшиги очилди. Қизбуви жийдазорга келганда ярадор аҳволда ётган Абдурахмон Ибн Авфни кўради. «Мени Машҳад қишлоғига олиб борасан» дейдилар ул зот. Қизбуви у кишини қўлтиқларидан олиб, айтган жойларига олиб боради.

Айни баҳор чоғи бўлгани учун бу гўшада гуллар очилган, булбуллар сайрарди.

- Мени шу ерга қўйгин-да қиблага қараб тургин, Яратгандан сўрайин, бизга паноҳ берсин, - дейдилар ул зот. Илтижо ижобат бўлади. Ер титраб, юр пайдо бўлади. Қизбуви бобони кўтариб юрга олиб кирди, яраларини сувда ювди. «Танамнинг етмиш уч жойидаги яраларимдан Сумбулгиёҳлар қилғил» деб нола қиладилар Ибн Авф. Тангри Таолонинг қудрати билан сумбул гиёҳларининг танаси ул зотнинг қонларидан, барги эса жаннат майсаларининг япроғидан вужудга келади, деган ривоят ҳамон машҳадликлар орасида юради.

Бобур Мирзо шулар ҳақида ўйларкан танасидаги яраларни сумбул томчилари билан ювди. Аллоҳ таолодан шифо тилади.

- Ҳазратим, тонг оқариб қолди, йўлни давом эттирсак. Бу қишлоққа тўхтамасак. Бунда Аҳмад Танбалнинг одамлари бўлиши эҳтимоли бор, - деди ҳамроҳи. Улар Ғовасой бўйлаб йўлга тушишди. Шунда Бобур Мирзо сув қирғоғидаги катта тошни кўриб от жиловини тортиди:

- Оҳ қани энди ҳозир имкониятим бўлганида эди, бу тошга албатта бир байт шеър битган бўлардим, - деди у ҳайрон бўлиб унга тикилиб турган ҳамроҳларига. Ҳар иккиси эса ҳеч нарсани англамай бир-бирларига елка қисишди.

Яна улар йўлда давом этишар экан, Бобур Мирзога поччаси Муҳаммад Ҳусайн мирзо подшоҳлик қилаётган Ўратепа шаҳрига борган кунлари ёдига тушди. Бу шаҳарга холаси Хўб Нигор хонимни кўргани борганди ва бир неча кун меҳмон бўлганди. Уларнинг ўғли Муҳаммад Ҳайдар Мирзо унда

ёш бола эди. Унинг зийраклигини, сўзга чечанлигини кўриб Бобур Мирзо «худо хоҳласа яхши шоир ёки олим бўлади» деб ният қилганди. Раҳматли холаси Хўб Нигор хонимни бевақт вафотидан сўнг ёш Муҳаммад Ҳайдар Мирзони ҳоли не кечдийкин. Ўтган йили айни ёз ойларида яна Ўратепага борганди. Шайбонийхонни шаҳарга келиши ҳақидаги хабардан сўнг Бобур Мирзо Масчонинг қуйи кенти Оббурдонга кетишга мажбур бўлди. Бу қишлоқда Бобур Мирзо бир неча ой бўлиб унинг этак томонидаги сўлим чашманинг ёқасида ва бошидаги тошларга уч байт ғазални ўйиб ёздирди.

*Шунидамки, Жамшеди Фаррухсиришт,  
Ба сарчашмае бар санге навишт:  
«Бар ин чашма чун мо бaсе дам заданд,  
Бирафтанд то чашм барҳам заданд.  
Гирифтем олам бо мардию зўр,  
Ва лекин набурдем бо худ ба гўр.*

Мазмуни:

*Эшитганим борки, Жамшиддек номдор,  
Бошбулоқ тошига ёздирди ёдгор:  
Бу булоқ бошига кўплар етдилар,  
Кўз юмиб очганга йитиб кетдилар.  
Мардлигу зўрлик-ла оламни олдик,  
Лекин қабристонга қуруқ йўл солдик.*

Қўҳистонда тошга ёзиб қолдириш одат тусига кириб қолганди. Шунинг учун Ҳисордан шоир Мулло Ҳижрий уни йўқлаб келганида ҳам тошга ўйиб байт ёздирганди:

*Такаллуф ҳар неча суратда бўлса  
андин ортуқсен,  
Сени жон дерлар, аммо бетакаллуф  
жондин ортуқсен.*

- Ҳазратим қишлоқ кўриняпти, - деди ҳамроҳлардан бири. Шундагина Бобур Мирзо хаёллар оғушидан ўзига келиб теварак-атрофга назар солди. Соё бўйлаб юришиб бир қишлоққа яқинлашдилар. Бобур Мирзо ҳамроҳларидан Алини қишлоққа егулик топиб, атроф душмандан холилигини билиш учун юборди. Ўзлари йўл четидаги тепаликка чиқиб, Алининг келишини кутишди. Орадан ҳеч вақт ўтмасдан қишлоқдан хабар келтирди, тинчлик экан! У уч дона оппоқ ҳақиқдек нон олиб келди. Уч кундан буён туз тотмаган Бобур Мирзога нон бағоят хуш ёқди шекилли, Алидан қишлоқнинг номини сўради.

- Карнон.

- Карнон, ҳа... Карнон эмас, бу қишлоқнинг номи Кони нон экан.

Бобур Мирзо нондан бир бўлагини синдириб, қолганини қўйнига солди. Уни кўриб шериклари ҳам шундай қилишди.

- Отларимизни ҳам соё бўйига боғлайлик, - деди ҳамроҳларига Бобур Мирзо. Улар отларини жиповлаб келишгач, яна дўнглик устига чиқиб қоровуллик қила бошлашди.

Тушга яқин йўлдан отлиқлар кўринди. Аҳмад Қовчун тўрт нафар отлиқлар билан Ғовадан Аҳсига бораётган экан. Бобур уни ёнига чақириб отини сўрасаммикан деб хаёл қилди. Чунки, ўзининг оти ниҳоятда ҳориган эди. У билан узоққа бориб бўл-

масди. Аҳмад Қовчунга ишониб бўлармикин? Яна у ўз фикридан қайтди. Агар илдамроқ от бўлганида балки кечасиёқ Хўжанд сойини кечиб, шаҳарга етиб борармиди? Кеч бўлганда Ғова йўли томондан бир отлиқ кўринди. Бу Ғова улуғи Қодирберди экан. Дарровда уни ёнига чорлади.

- Биз сизнинг ёрдамингизга муҳтожмиз, - деди Бобур Мирзо Қодирбердига. - Албатта, бу яхшилингиз, худо хоҳласа ортиғи билан қайтарилади. Ҳозир бизга арғамчи, ўроқ, болта, сув кечмоқ ускунаси, от бўғзи ва егулик, агар иложи бўлса от ҳам келтирсангиз. Намози хуфтонгача шу ерга бирор кишидан бўлсада, юборишга Қодирберди ваъда берди.

Бироқ, уни кутиш насиб этмади. Чунки қуёш ботиб атрофни қоронғулик эгалламоқда эди. Қишлоқдан тезроқ бошпана топишмаса бўлмасди. Шунинг учун Бобур Мирзо ҳамроҳларига - Қодирбердига одам юборинглар, шу ерга келсин, энди юринглар йигитлар, қишлоқда бир оз мизғиб, куч тўпламасак бўлмайди.

Улар қишлоқнинг этак томонидан Карнон чорбоғига тушиб, шу ерда тунайдиган бўлишди. Икки-уч кунлик таъқибдан Бобур Мирзо жуда толиққани учун тезда уйқу элитди.

Уни тириклайин тутиб берсалар катта мукофот олишларини ўйлаган икки шериги алақачон Аҳмад Танбалга «Бобур қўлимизда, ҳадяни ҳозирлайверинг» деб чопар юборганларини ҳали у билмасди.

У беозоргина ухлар, тақдир бошига не савдолар солишидан беҳабар, ширин туш оғушида ётарди.


...Ташқарида қор ёғар эди. Борлиқ оппоқ қор пардасига бурканган, бир гала қушлар осмону фалакни тўлдириб чорбоғ устидан жануб томон учиб ўтдилар. Аста-секин ёғаётган қор энди лайлак қорга айланган эди...

## НАЖОТ ЧОРБОФИ

Атрофни оппоқ қор қоплаган. Туни билан ёққан қор тонгда тинди. Қандайдир нохушликни сезгандай бир гала қушлар безовталаниб оппоқ қор қўйнида мудраб ётган чорбоғ устидан чуғурлашиб, тартибсиз чарх ура бошлади. Чорбоғдаги ўрик, олма дарахтларининг шохлари қорни кўтаролмай қуйига эгилган. Суви тип-тиниқ ариқчанинг қир-фоқларини ялтироқ юпқа муз қоплаган.

...Бу ердан қишлоқ худди кафтдагидек кўринар, ҳар-ҳар жойда мўрилардан чиқаётган тутун осмону фалакка ўрлайди. Карнонликлар ёзда чорбоғларга енгил-елпи кўчиб келишиб, мева, сабзавот ва полизларини йиғиштиргач, кеч кузда яна қишлоққа қайтишарди. Шунинг учун ҳам бу гўша ҳозир осойишта бўлиб, сокинлик ҳукм сурарди.

Қишда шунчалик фусункор, ёзда қандай жилваланаркин бу боғлар? Бобур Мирзонинг ёдига Ахча қишлоғига борганида кўрган ўрикзорлар тушди. Ўшанда навкарлари билан мириқиб ов қилган, кўнгил чигалини ёзган эди. Ўн чоғли суворийларнинг қийқиришлари, отларнинг дупуридан безовта бўлган қушлар «пир» этиб осмонга кўтарилиб, қуён, юмронқозик, каламушлар эса овчилар олдига тушиб қоча бошлади. Буни кўрган йигитлар завқланиб, уларнинг орқасидан от солишди. Бобур Мирзо ҳам навкарлари билан қўшилиб, бир оз бўлсада ташвишларини унутганди. Негаки, тинимсиз тожу тахт учун бўлган урушлар Бобурни беҳад фам-андухларга кўмиб ташлаганидан, жонига теккан эди. Отлар қора терга ботиб кетди.



лар отга дам бериш учун шикорни тўхтатдилар. Бобур Мирзо тулпорини ўз майлига қўйиб берди. От сўқмоқ йўлдан бир оз юқорига, сўнгра қибла томонга қараб юра бошлади. Унга икки навкар ҳам эргашди. Тепаликни айланиб ўтишлари билан қий-вос гуллаган, оппоқ гуллари ерга пояндоздек тўшалган ўрикзор бошланди. Бобур Мирзо отдан тушиб жиловни ҳамроҳига қолдирди. Ўрик навдаларидаги гулларга суқланиб боқди. Боғ этагидаги кўримсизгина чайла олдидаги ўчоқдан бурқсиб тутун чиқарди. Бир қучоқ шох ўтин орқалаган боғбон ўтинни ўчоқ бошида қолдириб, Бобур Мирзога пешвоз чиқи.

- Келинг меҳмон, кулбаи вайронамизга марҳамат қилсинлар, -деди оппоқ соқоли кўксини қоплаган қария, уни чайлага таклиф этаркан, -қумғон ҳам қайнаб қолди, ҳозир дамлайман.

Бобур Мирзо ов қилиб толиққанидан ортиқча илтифотни кутиб ўтирмади, чайлага кирди. Тўнини ечиб ўтирди, бир оздан сўнг эти жунжикиб, тўнини елкасига ташлаб ўралиб олди. Хув нарида ўриклар учуда ҳозиргина улар ов қилган икки қирлик ораси кўзга чалинарди. Баҳор таровати билан безанган ўрикларга нигоҳ ташларкан, босиб-босиб иссиқ чойдан ҳўлади. Чанқоғи ёзилиб, бутун вужудини энгил илиқлик қоплади.

- Туршакдан олинг меҳмон, жуда хушхўр, -деди боғбон.

Бобур Мирзо бир дона ўрикдан олиб оғзига соларкан юзида табассум пайдо бўлди.

- Бай-бай мунча ширин, -деди у қарияга юзла-ниб.

- Ўзимизнинг боғдан, қандақдан, -деди боғбон ғурурланиб боққа ишора қиларкан. Бобур Мирзонинг ич-ичидан боғбонга ҳаваси келди. Қани энди унга ўхшаб ёлғиз ўзи шу дашту биёбонларда яшаса, ҳаммасига рози эди. Бобур Мирзо дастурхонга фотиҳа тортиб ўрнидан турди. Шунда унииг нигоҳи ўчоқ орқасидаги кўринишидан анчадан буён ишлатилмаётган омовга тушди.

Ўтган баҳорда Ўратепа яқинидаги бир воқеа сира эсидан чиқмайди. Энди ўриқлар куртак ёзаётган пайт, кенг далада деҳқон йигит қўш хайдарди. Елкасига эса уч-тўрт ёшлардаги қизчасини миндириб олган. Аёл эса қўшнинг олдидаги хўкизни етаклаб олган. Деҳқон йигит баралла овозини қўйиб қўшиқ айтарди:

*Хўп ҳайда, хўп ҳайда,  
Қалқон қулоғим ҳайда.  
Темир туёғим ҳайда,  
Остингда босган донни  
Оёғинг қилсин майда...  
Майда қилгин кўройин,  
Шохингга гул улойин  
Сенга келган балони  
Товдан тошга журайин  
Майда, ҳо майда.*

Эр-хотин қўш хўкиз, деганлари бежиз эмас экан. Бобур Мирзонинг кўзи қизчага тушди-ю, вужудини маъюслик қоплади. Ҳозир қизи тирик бўлганида деҳқон йигитдек эркалата олармиди.

Хогини Ойшабегимнинг тақдири нима кечдийкин, қачонгача сарсон-саргардонликда умр кечираркин? Лоақал ўз яқинларининг ҳолидан хабардор бўлмасанг. Бобур Мирзонинг қўш олдидан узоқ туриб қолганини кўрган боғбон бир оз хижолат чекди-ю сўз бошлади:

- Э, нимасини айтасиз, бор-йўғи пешонамда битта-ю битта ҳўкизим бор эди, - деди афсусланиб, - ўша билан ер ҳайдардим. Шу ҳам Бобур подшомизга керак бўлибди. Ўтган кузақда навқарлари келиб олиб кетишди. Бобур Мирзо ич-ичидан зил кетди, нимадир бўғзига тиқилди. Наҳотки, шунча йилдан буён бирорта инсонга ёмонликни раво кўрмаса-ю, доимо таъна-тоши эшитиб яшаса, бу қайси гуноҳлари учун экан!

-Йўғ-е, унақа эмасдур, - деди Бобур Мирзо.

-Ҳа, ўғлим, ишонаверинг, -деб қисқа қилди боғбон.

Бобур Мирзони яна гашлик чулғаб олди. Бу албатта, Аҳмад Танбал ва унинг укаси Шайх Боязид, Халил, Қамбар Али каби тили бошқа-ю, дили бошқа кимсаларнинг иши эди. Уларнинг халққа озор етказиб, турли номаъқулчиликлар қилиши, Бобур Мирзонинг тузини еб тузлиғига тупураётган яқинларининг душман Шайбонийхон билан оғизбурун ўпишиб, маломат тошини ёғдираётгани кўнглидан кечди.

Бундан икки йил бурун ҳам бобо мероси Самарқандни Шайбонийхондан тортиб олганида, «ундан яна мағлубиятга учрайман», деб ўйламаганди. У 1501 йилнинг кўкламида шаҳарни ташлаб чиқишга мажбур бўлди.

Ёш истеъдодли темурзоданинг енгилиши навкарларининг озлигидан, ўз ичидагиларнинг хиёнаткорлигидан, одамлар жанг қилиш ўрнига бир-бирларининг отларини тортиб олишларидан парокандалик вужудга келди. Ўшанда Бобурнинг Тошкентга - она томонидан бобоси бўлган Юнусхон хузурига бориши ҳам наф бермади. Ундан умиди катта эди. Лоақал, Фарқат, ё Хўжанд, ё бўлмаса Ўратепани берар деган ниятда эди. Афсуски, унинг барча умидлари чиппакка чиқди. У ўз кишиларининг лоқайдлиги, бепарволиги, сарсонликда ўтган кунларини эслаб ушбу сатрларни битганди:

*Жонимдин ўзга ёру вафодор топмадим.  
Кўнглумдин ўзга махрами асрор топмадим...  
Бобур ўзингни ўргата-кўр, ёрсизки мен,  
Истаб жаҳонни, мунча қилиб, ёр топмадим.*

Бобур Мирзо дард, алам билан битилган бу мисраларни овоз чиқариб айтиб юборганини ўзи ҳам сезмади. Боғбон эса ҳайрон бўлганича унга тикилиб қолди.

Бобур Мирзо навқарига отни олиб кел деб ишора қилди. От жilовини «Йўқ» дейишига қарамасдан боғбонга тутқазди. Ўзи сўқмоқ бўйлаб пастга қараб йўл олди. Унинг орқасидан отларни етаклаб олган навқарлари ҳам эргашди.

От жilовини ушлаганича боғбон ҳамон жойида қотиб турар, тулпор эса, мени қўйиб юбор, дегандек бирдек бошини силкитарди. У бирдан хушёр тортди.

- Э-ҳе, ҳазратимни ўзлари экан-ку, деб шоҳ Бобурнинг орқасидан талпинди. - Кечиринг мендек нодонни, шоҳим, - деб тиз чўқди боғбон.

У чорбоғни айланиб ана шулар ҳақида ўйларкан, кўнгил ғашлигини ёзаман деб ўйлаганиди, аммо бўлмади. Бу пайт Аҳмад Танбалнинг одами Юсуф доруға тўрт навқари билан келиб Бобурни банди қилиб Аҳсига етказиш тадоригини кўрарди. Бу ишлар жуда сир тутилса-да, Бобур қандайдир кўнгилсизлик бўлишини сезиб турарди...

Бирдан кўнгли беҳузурланди, боши айланди-ю, кўзи тингандек бўлди. Олма дарахтига суяниб, нафасини ростлади. Бу ҳолат Аҳмад Танбал билан бўлган жангдан қолган асорат эди. Бобурнинг қўшинлари хуфтон намозидан сўнг Ҳоқон ариғидан ўтиб, Работ Рузақ қишлоғи<sup>4</sup> ёнида тўхташди. Тонг отиши олдидан ҳаммани уйқу элитди. Рақибларнинг Андижондан чекинаётганидан хабардор бўлса-да, нимагадир тажрибасизлик қилиб қўриқчи ажратмади. Ғафлат уйқуси енгилишига сабаб бўлди. Жангда рақиб Аҳмад Танбал билан якка-якка олишди ва ўнг биқинидан жароҳатланди. Сўнг орқага, Ўш томон чекинишга мажбур бўлди. Ўша пайтдаги муолажа яхши бўлмаганлиги сабабидан тез-тез боши айланиб турадиган бўлиб қолганди. Ҳозир унинг азобини тортмоқда эди.

Бобур Мирзо пешин намози сўнгида саждага бош қўйди, дуолар ўқиб мудраб кетди. Туш кўрди. Тушида Хўжа Аҳрор набираси Хожа Ёқуб яйдоқ от минган ҳолда тепасида турганмиш, ортида бир неча отлиқ навқарлари ҳам бормиш. Хожа Ёқуб Бобурга «Ғам емангиз. Хожа Аҳрор мени сизга йибордилар, дедиларким, биз аларға истионат тегуруб, подшоҳлиқ маснадиға ўлтурғизуббиз. Ҳар ерда мушқил иш

---

4. Работ Рузақ ҳозирги... Рузақ қишлоғи.

тушса, бизни назарига келтуруб ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурбиз. Ҳоло ушбу соат фатҳ нусрат сизнинг соридур.

Бош кўтаринг, уйғонинг!

Бобур Мирзо шашт билан бошини кўтарганда унга йўлда ҳамроҳ бўлиб қўшилган Юсуф доруға шериклари билан сирли шивирлашаётгани куло-рига чалиниб қолди. Вазиятни тўғри англаган Бобур Мирзо баҳодирона ҳаракат билан қиличини ялон-ғочлади ва деди: «Ниятингиз энди менга аён. Сиз-лар бу йўсундук сўзлайдурсиз, аммо кўрайинким, қайсингиз менинг қошимга кела олурсиз?»

У сўзини тутатмаган ҳам эди, содиқ навкарлари-дан Қутлуғ Муҳаммад Барлос, Бобои Парғорий, яна йигирма чоғли отлиқ навкарлари боғ эшигини бу-зиб кирдилар. Уни тирик кўришиб, кўзларида ёш халқаланди. Ҳаммалари бирданига унинг оёқлари остига ўзларини ташладилар.

Бобур Мирзо Юсуф доруғани ҳамда шеригини дарҳол тутиб боғлашни буюрди. Унинг «Бу ерни қандай топиб келдингизлар» сўроғига Қутлуғ Му-ҳаммад Барлос тушида кўрганини айтди. Унга «Хўжа Аҳрор Бобур Карнон қишлоғи чорбоғида, тезда олиб келинг, унга тахт мунтазир» дебмиш. Улар уч кун деганда бу манзилга етиб келибдилар.

Чорбоғ билан хайрлашиш онлари етди. Қишлоқ-дан чиқаверишда Бобур Мирзо отининг бошини буриб, бу гўшага сўнги бор нигоҳ ташладн. Беҳи-соб дарахтлар қўйнига кўмилган чорбоғни аниқ кўзи илғамди. Улар Андижонга қараб от солдилар.

## АНДИЖОН САРИ

Қор тинган бўлсада, ҳали унинг изғирин совуғи кетмаганди. Бир тўда отлиқлар икки кундан буён тинмай олға интилишарди. Шамолга қарама-қарши чопаётган отларнинг овзидан чиқаётган оппоқ буғ осмонга кўтариларди. Бир мўлжал йўлни босиб ўтган йўловчилар отлар жilовини қўйиб юборишди.

Ўзлари эса теварак-атрофни синчковлик билан кузатиб боришарди. Эгасининг мақсадини тушунгандек отлар ҳам аҳён-аҳёнда бир пишқириб йўргаларди. Йўл бўйидаги дарахтлар, қир-адирликлар оппоқ қорга бурканган. Борлиқ табиат худди уйқуга чўмгандек. Бу сокинликни йўл бошлаб бораётган Бобои Парғорийнинг дўриллоқ овози бузди. У оти жilовини тортиб:

- Ҳазратим Косонга бурилмасдан йўлни қир оралаб солсакмикин? Билиб бўладими, фанимларга дуч келиб, ўзимизга ортиқча муаммо туғдириб не қилурмиз, - деди.

- Гапингизда жон бор, келган йўлингизга бошланг, Андижонда хондадам боришимизга маҳтал турибдилар. Қани илдамроқ бўлайлик, манзил узоқ, - деди Бобур Мирзо тулпорига қамчи босиб. Шериклари унинг орқасидан эргашишди.

Хайрият, намози пешиндан кейин бир қўйни сўйиб гўштини кабоб қилишгани, бўлмаса қаҳратон қишнинг бу совуғига чидаб бўлармиди? Бобур Мирзо ҳам икки кун туз тотимаганидан, тинкамадори қуриганди.

Қорни очлигидан тўйиб таомланди. Кабоб ҳам жуда хушхўр бўлганди-да. Қани эди унинг устидан

аччиқ чой бўлганида... майли худо хоҳласа чойни Андижонда ичармиз, - деб кўнглидан ўтказди Бобур Мирзо.

Бироз совуқ туриб қор учқунлай бошлади. Отликлар эса бунга эътибор қилмасдан бир маромда йўл босишарди. Бобур Мирзонинг хаёлида ана шундай қаҳратон қиш кунларининг бирида содир этилган воқеалар жонланди. Аҳмад Танбал ғанимлигини қилиб, қандай бўлмасин Бобур Мирзога талофат етказиш мақсадида мўғул хонига чопар юборди. Орадан кўп ўтмай Султон Маҳмудхон қўшин юбориб Косон шаҳрини қамал қилди. Андижонга қайтган Бобур Мирзо зудлик билан бор одамани олиб Ахсига йўлга чиқди.

Ҳаво ниҳоятда совуқ эди. Ўшанда совуқдан тупурсангиз ерга етмасдан музларди. Ер музлагани учун от араваси билан тойғониб йўлдан чиқиб кетар, ҳарчанд уринмасин от уни жойидан қўзғата олмасди. Шунда аскарлар ёрдамга келиб аравани итаришиб йўлга равона қилишарди. Унинг устига навкарларнинг усти юпун, баъзиларининг оёғидаги чориғи эскириб йиртилиб кетганди. Бошларидаги қулоқчинига қараб ҳам бўлмасди. Ўшанда қиш қилғилигини қилганди. Бир қанча йигитларнинг қулоғини, бурнини, оёқ-қўлларини совуқ урганди. Аскарларини аҳволини кўриб Бобур Мирзо қаттиқ эзилганди. Бироқ, чорасиз эди у.

Улар туну-кун тинимсиз йўл босиб Ахсига кириб келишганди. Бобур Мирзо қўшинни озиқ-овқат, кийим-кечак ва қурол-аслаҳа билан таъминлади. Қалъага ўзига яқин кишиси бўлган Ерақ тоғайини вақтинча бошлиқ этиб тайинлаб сўнг Косон томон йўлга чиққанди. Бобур Мирзонинг

келаётганидан хабардор бўлган мўғуллар урушга кирмасданоқ шаҳарни ташлаб чекиндилар. Мўғулларга ёрдам бериш мақсадида Косонга яқинлашиб қолган Аҳмад Танбал одамлари бундан хабар топиб Новканд мавзеида чодир тикдилар. Қоронғу тушиб қолгани учун томонлар уруш очмади. Бундан фойдаланган Аҳмад Танбал кечасиёқ орқасига қараб қочиб қолди. Эрталаб Аҳмад Танбални қўлдан чиқаргани учун Бобур Мирзо жуда-жуда афсусланиб деганди:

*Корхоро бавақт боят жуст,  
Кори бе вақт суст бошад суст*

(Мазмуни: ишлар ўз вақтида бажарилиши керак: вақтида бажарилмаган иш суст бўлади, суст).

Эртаси куни ғанимларни узоқ қидиришди. Бироқ топа олишмади. Ўша воқеадан сўнг Бобур Мирзо йигитлари билан Наманган яқинида тўхтаб, қирқ кун қиш тугадини шу ерда кутганди. Бобур Мирзо яқинлари ўртасида яна баъзи келишмовчиликлар чиқди. Энг ишонган бекларидан бири Саид Юсуф сотқинлик қилиб анча аскарлари билан ғанимлар томонига ўтиб кетганди. Уларни Аҳмад Танбалга қўшилиб кетишининг олдини оламан деб ўшанда Бишхорон қишлоғига Бобур Мирзо бекорга бормаганди. Бироқ қишлоқ аллақочан ғанимларнинг қўлига ўтганди.

Ахсида Боязид билан бўлган жангда Бобур Мирзо кам сонли аскарларини Ахсининг катта кўчаларига тақсимлаб, уларни ҳал қилувчи жангга тайёрлаганди. Шаҳарнинг бир томонини ҳимоя қилишни

укаси Жаҳонгир Мирзога топширганди. Боязидга ёрдамга етиб келган Аҳмад Танбалнинг отлиқ аскарлари туйқисдан ҳужум бошлаб, Бобур йигитларини тор кўчаларга суриб чиқарди. Шунда Бобур Мирзо душмандан ҳайиқмасдан кам сонли йигити билан майдонга от солиб кирди. Ғанимлар бундай ҳужумни кутмаганди, чўчиб ҳар томонга қоча бошлади. Бундан фойдаланган Бобур Мирзо шаҳар дарвозасига зудлик билан ҳужумга ўтиб уни эгаллади. Ҳар дақиқа ғанимат бўлиб турган бўлсада укаси Жаҳонгир Мирзони ташлаб кетолмади. Уни топиш учун одам юборди. Шунда андак кутиб қолишга мажбур бўлди. Укаси топилмади, уни қаёққадир чекингани ҳақида хабар келтиришди.

Ҳужумни тўхтатиб, уни кутиб қолиши Бобур Мирзога қимматга тушди. Душман уни тириклайин қўлга олиш мақсадида қуршаб кела бошлади. Энди ё таслим бўлиши, ёки чекиниши, ё қуршовни ёриб ўтиши керак эди. Бобур Мирзо учинчи йўлни танлади. У бир нечта йигити билан қийқириқлар остида қуршовни ёриб ўтиб, душмандан қутилиб кетганди. Ўша жангда укаси учун ўз жонидан ҳам кечганди. Бугун Жаҳонгир Мирзо унинг ғанимлари билан бирга. Ўз жигаридан вафо кўрмади. Қолганлардан нимани ҳам кутиш мумкин.

Отлиқлар ҳамон жадаллик билан манзиллари томон ошиқишарди. Отлар туёқларидан отилиб чиқаётган қор учқунлари атрофга бодироқдай сочиларди. Қорга қўшилиб шамол ҳам кучайди. Аччиқ изғирин шамол қорни гоҳ учириб узоқ-узоқларга элтар, гоҳ масхара қилгандек уни отлиқлар устига олиб келиб сочарди. Отлар ҳам, эгаларининг устлари ҳам оппоқ қорга беланган эди. Йўл бўйидаги

дарахтлар ҳам шамол зарбидан бир томонга эгилиб зўрға яна қаддини ростларди. Тасодифан йўлдан чиқиб қолган бир тулки отлиқлар билан баҳслашаётгандек бир қанча масофага югуриб бориб, сўнгра ўзини четга олди. Отлиқлар ҳам унга эътибор қаратишмади. Уларнинг ҳали манзили узоқ, бунинг устига ҳар қадамда Бобур Мирзони Аҳмад Танбалнинг одамлари қидириб юришгани аниқ. Балки улар ҳозир Бобур Мирзони излаб Карнонга боришган бўлса ҳам ажаб эмас. Бобур Мирзога атрофи боғ-роғларга ўралган тинч, осойишта, ҳавоси тоза бу маскан ёқиб қолганди. Фанимлар таъқибидан жон сақлаб қишлоқнинг бир чеккасидаги холис ҳовлида ҳамроҳлари олиб келган эски пўстинга ўралиб, бир коса тариқ шовлани паққос тушириб, иссиққина чойдан ичгандан сўнг андаккина дам олганди...

Отлиқлар ҳамон қир оралаб баланд-паст дўнгликларни ортда қолдириб, сўқмоқ йўлдан тобора пастга текислик томон эниб боришарди.

Йўлдаги кўприкнинг бир томони ўпирилиб кетганидан ўтиш хатарли эди. Отларни сув юзини юпқа муз қоплаган кечувга солишди. Сойдан ўтишлари билан кенг далага чиқишди. Узоқдан қишлоқдаги дарахтлар, уйларни мўрисидан чиқаётган қоп-қора тутунлар кўзга ташланди. Отлиқлар қишлоқ четидаги ёлғиз оёқ йўлга от жilовини буришди. Бобур Мирзо бузилган кўприкка қайта нигоҳ ташлар экан, бундан бир неча йиллар бурун бўлиб ўтган воқеаларни эслаб мийиғида жилмайиб қўйди.

Ўшанда отаси Умар Шайх ўлимидан сўнг подшоҳлик тахтига ўтирган ёш Бобурнинг бошига оғир кунлар тушганди. Амакиси, тоғалари, қариндошлари бири-Андижонни, бири-Қувани, яна бири-Ахсини эгаллаш мақсадида ҳужум уюштиришди. Ёш Бобуршоҳ масалани тинч йўл билан ҳал қилиш мақсадида Хожа Мавлонони қози ва Узун Ҳасанни амакисига элчи қилиб юборар экан, қуйидаги мазмунда хат ёзиб берди.

«Бу вилоятда мулозимлардин бир кишини худ қўюлғисидур. Мен ҳам мулозим ва фарзанд, агар бу хизматни менга уҳда қилсалар, яхшироқ ва осонроқ файсал топқусидур». Лекин Бобурнинг таклифини улар инobatга олмади, Султон Аҳмад Қувадан Андижонга ҳужум бошлади. Бироқ жангга киришда Катта Қорасув кўпригида тасодиф юз бериб, қулаб тушди. Султон Аҳмаднинг бир қанча жангчилари ва отлари ҳалок бўлди. Ўшанда у Самарқандга қайтиб кетишга мажбур бўлганди. Бу Бобур Мирзонинг биринчи ғалабаси эди.

Бобур Мирзо тўсатдан оти жиловини тортди. Жонивор ҳам эгасининг раъйини қайтаргиси келмагандек, ёлини бир-икки силкитиб пишқирганича тўхтади. Бобур Мирзо бир муддат ўтган кунлар оғушида Ахси томонга термулиб қолди.

- Кечиринг, сизни зиёрат қила олмадим, - деди шивирлаб отаси Умар Шайх Мирзони эсларкан. - Эртага тақдиримнинг нима бўлишини ўзим ҳам билмайман. Қачонгача тоғаларимга қараб мутелиқда яшайман. Кўз ўнгимда она-юртим Фарғонани ғанимлар харобага айлантириб, халқимни талаб ўзларини қул қилишса-ю мен эса чорасиз турсам. Наҳот ўз юртимда тўққиз йил подшоҳлик

қилиб, бир кун ҳам рўшнолик кўрмасам, фақат уруш, тахт талашишларни, яқинларимни сотқинликларини кўрдим. Ахир қачон боболаримдек ўз юртимни обод қиламан, қачон халқимни тинч-тотув яшашига имкон яратаман. Айтинг отажон, қачон!

Фарғонани ташлаб бошқа юртларда ўз тақдиримни синасамми? Бунга сиз нима дейсиз ота?

Ҳамроҳлари отлари жilовини тортиб, ҳайрон бўлганларича Бобур Мирзога тикилиб туришарди. Бобур Мирзо навкарларини маҳтал қилиб қўйганини сезиб «Чўх жонвор» деб қамчини сил-китди. От ҳам шуни кутиб тургандек илдам олдинга ташланди. Атрофга аста-секин тун қора чодирини ёймоқда эди.

## СЎНГГИ СЎЗ

Уч ҳикоядан иборат қиссага шу ерда нуқта қўйдим. Шоҳ ва шоир Бобур ҳақида кўплаб илмий мақолалар, бадий асарлар ёзилган. Бундан уч-тўрт йил бурун «Бобурнинг кабутарлари» деган ҳикоя ёзган эдим. Аслида ушбу ҳикояни ёзишимга ундаган инсон қадрдон дўстим Абдулазиз Баҳодиров бўлади. У бир неча йил собиқ «Ўзбекистон» колхозида раис муовини ва раис бўлиб ишлаган. Ўшанда «Ўзбекистон» колхозини билан қўшни Тўрақўрғон туманидаги Резаксой массивига йўли тушган дўстим Бобуршоҳ кабутарлари ҳақида эшитиб қолади. Шундан сўнг орадан бир ҳафта ўтгач мени ўша жойга таклиф этди. Биргаликда кабутарларнинг учишини томоша қилдик. Ҳар иккимизни ҳам уларнинг Ахсикент томон интилиши ҳайратга солди.

- Бу қушлар Умар Шайх Мирзо ва Бобуршоҳдан ёдгорлик, сиз ижодкорсиз, бу мўъжизали кабу-тарлар ҳақида бирон нарса ёзинг, - деди Абдула-зиз ҳаяжон билан ҳавода чарх уриб учаётган кабутарларга ишора қилиб. Шу сабаб бўлди-ю, Бобурнинг ҳаётига бўлган қизиқишим янада орт-ди. 1999 йили «Бобурнинг кабутарлари» номли қисса битдим. Мана орадан бир неча йил ўтгач бу қиссага яна мурожаат қилиб уни қайта ишладим. Филология фанлари доктори, фольклоршунос олим марҳум Малик Муродов раҳбарлигида юртимиз бўйлаб «Бобур юрган йўллардан юриб» илмий экспедицияси ташкил этилди. Ушбу экспедиция-да иштирок этишим шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодини, ҳаётининг ўрганилма-ган қирраларини, у ҳақдаги халқимиз орасида сақланиб келаётган ривоятларни топишга имкон яратди. Юртимиз бўйлаб Бобуршоҳ қадамжола-рида бўлиб олам-олам таассуротлар билан қайт-дим. «Бобурнома»да унинг Карнон қишлоғида фанимлардан паноҳ топиб, атиги бир кеча-кундуз бўлгани ҳақида маълумот берилган. Мен ҳам Бо-бур Мирзонинг ана шу сарсон-саргардонликда юрган йўлларини ўрганиб, унинг қадами теккан жойлардаги ривоятлар асосида ушбу қиссани битдим. Уни ўқиб, мулоҳаза қилиш ва баҳо бериш сиз китобхонлар ҳукмига ҳавола. Ушбу қисса сизнинг қалбингизда озгина бўлса-да илликлик уйғотса ўзимни беҳад бахтли ҳис этган бўлардим.

- Муаллиф.  
Чуст, 2012 йил.

## КЎҲНА ҚЎРҒОННИНГ СИРИ

Сирдарё устига қурилган кўприқдан Аҳси қишлоғига ўтсангиз, ўлмас қояларга кўзингиз тушади. Беихтиёр ўтмишни, IX-XVI асрларда водийда энг йирик шаҳарлардан бири бўлган машҳур Аҳси қўрғони, Умар Шайх даври, Бобур Мирзонинг ёшлик йилларини ўйлаб кетасиз.

Ахсикент ўз даврида гуллаб-яшнаган шаҳар бўлган. Машҳур олим ва сайёҳ Ёқут Ҳамавий (1179-1229 й.й.) ўз асарида ўлкамиз шаҳар ва қишлоқлари ҳақида ажойиб маълумотлар берган. У ўзининг «Шаҳарларни тасвирловчи китоб» (Муъжам ал-булдон)ида шундай деб ёзади: «Ахсикат - Фарғона томонда бир катта шаҳар бўлиб, «Сайхун» (Сирдарё) ёқасидаги текис ерга жойлашган. Дарёнинг шимолий томонидаги тоғлар билан Ахсикат орасидаги масофа бир фарсах (бир фарсах 6-8 км.га тенг). Унинг 3 фарсахга яқин қўрғони ва атрофида одам яшайдиган жойлари бор. Ахсикат ички шаҳарни 4 та дарвозаси бўлиб, унинг иморатлари лойдан ясалган. (Дарвозалар «Мардикуш», Косон, Масжиди Жомеъ ва Регхона деб аталган).

Шаҳар ичида ва қўрғон атрофларида оқар сувлар ва катта ҳовузлар бор. Қўрғонда бир-бирига туташган боғлар бир фарсах узунликдаги тинимсиз оқади-ган ариқлар бор. Бу ер Мовароуннаҳрда энг хушманзара жойлардан бири», - деб маълумот беради.

Машҳур олим ва шоир, ҳамда саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарида Аҳси қўрғонига шундай таъриф берилади: «Сайхун (Сирдарё) дарёсининг шимоли тарафидаги қасабалар (шаҳарлар)дин бири Ахсидур. Китобларда Ахсикат битирлар... нечунким, Асириддин шоирни

Асириддин Ахсикатий дерлар. Фарғонада Анди-  
жондин сўнгра мундин улуғроқ қасаба йўқтир. Ан-  
дижондин фарб сори тўққиз йиғоч йўлдир. Умар-  
шайх Мирзо муни пойтахт қилиб эди. Сайхун дарё-  
си қўрғоннинг остидан оқар. Қўрғон баланд жар  
устида воқеъ бўлибдур. Хандақнинг ўрнига амийқ  
жарлардур. Умаршайх Мирзоким, муни пойтахт  
қилди, бир-икки марта ташқарироқдин яна жарлар  
солди. Фарғонада мунча берк қўрғон йўқдур. Ма-  
ҳаллоти қўрғондин бир шаръий йироқроқ тушубтур.  
«Дех кужову дарахтон кужо» (Қишлоқ қайдаю  
дарахтлар қайда) масалини голибо Ахси учун айтиб-  
турлар».

Шунингдек Ахсикент улкан мудофаа истехкоми-  
га эга бўлиб, иморатлари пахса ва хом гиштдан,  
аксарият иморатлар ва иншоотлар пишган гиштдан  
баланд ҳамда муҳташам ва мустаҳкам этиб қурил-  
ган. Ахсикент нафақат Фарғона водийсидан, балки  
олис ўлкалардан таклиф этилган қўли гул усталар  
томонидан бунёд этилган. Уч қисмдан иборат Ахси-  
кент мўъжазгина шаҳар бўлган.

Ахсикент уч қисм - Арки аъло (ўрда), Шаҳристон  
(ички шаҳар) ва Работ (ташқи шаҳар) дан иборат  
бўлган бўлиб, уларнинг ҳар қайсиси уч томондан  
деворлар билан ўралган. Жанубдан Сирдарё оқиб  
ўтади. Хўш, бу масканларда кимлар яшаган-у нима-  
лар ўрин олган эди? X аср манбаларида қайд этили-  
шича, қўрғоннинг Сирдарёга яқин жойида Арк  
жойлашган.

Арқда амирларнинг саройи, қамоқхона, хазина ва  
умуман маъмурий девон каби бинолар жойлашган.  
Умар Шайх ва Бобур Мирзонинг қароргоҳи ҳисоб-  
ланган Шаҳристонда жомеъ масжиди, ички бозор,  
аҳоли яшайдиган маҳаллалар бўлиб, уларда турли

шаҳарлардан келган савдогарлар билан алоқалар яхши йўлга қўйилган эди. Атрофи пишиқ ғишт билан ўралган. Унинг жанубий томонидан Сирдарё кесиб ўтади. Шаҳристоннинг шарқий қисмида 10 та минора бўлиб, улар бир-биридан 20-30 метр узоқликда жойлашган. Шимолий томонида 2 та ва ғарбий қисмида эса 3 та минора бўлиб, ҳозиргача сақланиб қолган. Шаҳристон ҳовузларини бир неча ариқ сувга тўлдирарди.

Работда эса ҳунармандлар маҳалласи бўлиб, улар яратган турли буюмлар ўзининг бежиримлиги билан шуҳрат қозонганди. Ахсикентликлар ишлаб чиқарган рангли шишалар, дид билан тайёрланган қимматбаҳо зебу зийнатлар, олтин ва кумуш узуклар, билакузуклар, маржонлар, тилақошлар ва нақш бериб ясалган турли сопол буюмларнинг таърифи етти иқлимда машҳур бўлган.

Археолог - тадқиқотчилар томонидан олиб берилган қазилмалар натижасида топилган талайгина ёдномалар ичида мелоддан аввалги ва мелоднинг XIII асрларига қадар бўлган даврларга мансуб табиат манзаралари, ҳайвонот олами ва бошқа турли жонзотларнинг тасвири ҳамда ложувард тусда сир берилган кулолчилик буюмлари зийнати ҳар жиҳатдан инсонни диққат-эътиборини жалб этади.

Кўҳна Ахсикент топилмалари ичида қўшқулоқ кўзасимон идиш (мелоднинг III асрига мансуб), зангори тусда сир берилиб, сайқаланган гулдон (X асрга оид), ҳаттот томонидан «Шу лаган эгасига оқ йўл, шодлик, сиҳат-саломатлик тилайман», «Бойликка интилишдан воз кечмоқлик сасдатдир», - деган ёзувлар битилган лаган ва косса каби ноёб топилмалар, кўза, ганч, қинли биллурий сиёҳдон, хум ва бошқа кулолчилик буюмлари кўҳна Фарғона

кулолчилик санъатининг энг ёрқин намуналаридандир. Ўша пайтда ўта нафис этиб тўқилган газмолнинг жуда пишиғидан тортиб, юпқасигача бўлган ҳар хил турларига хорижий ўлкаларда қизиқиш катта бўлган.

Ахсикентликлар металллардан турли хил ҳарбий ва меҳнат қуроли ясаш, мисгарлик, кандакорлик, аравасозлик, гилам тўқиш, наMAT босиш, дегрезлик, бўз шойи тўқиш, дастгоҳлари заргарлик, бинокорлик ва бошқа ишлар учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни ясаш билан шуғулланганлар. Ҳаттоки, «Дамашқ қиличлари» деб дунёга донғи кетган қиличлар мана шу Ахсикент усталари томонидан ясалганини олимларимиз эътироф этмоқдалар.

Қули гул ахсикентлик ҳунармандлар турли бўёқлар тайёрлашда ҳам машҳур уста бўлганликларига шубҳа йўқ. Зероки, улар турли рангдаги кесак ва минералларни майдалаб, махсус элаклардан ўтказиб, сўнгра уларга ёпишқоқлик берувчи суюқликлар - асал, мум, тухумнинг оқи, дарахт елими, қуш ёғи ва бошқаларни қўшиб, турли бўёқлар тайёрланганлар. Шу каби сунъий бўёқлар ҳам тайёрланган. Ўтга, сувга чидамли, сифатли ва нозик бўёқларга ҳатто хорижий мамлакатларда ҳам талаб кучли бўлган. Бундай елим бўёқларга Эрон, Хитой, Туркия, Ҳиндистон, Россия, Испания каби мамлакатлар доимий мижоз бўлгани бежиз эмас, албатта.

Инсоният моддий маданиятининг бебаҳо обидалари сифатида бугунги Тошкент, С.Петербург, Киев ва ҳатто Париж, Лондон, Вена, Нью-Йорк каби ғарб мамлакатларида тарих ва санъат музейларидан жой олган ноёб топишмалар орасида Ахсикент сирли сопол буюмларининг борлиги билан кўнглимиз фахрифтхорга тўлади.

Дарҳақиқат, Ахсикент ер ости биносини очиш вақтида сирли сопол идиш парчалари, қимматбаҳо тошлардан ясалган мунчоқ, маржонлар ва катталиги мошдек 16 қиррали ёқут кўз ҳамда гулдор тугмалар билан бирга танга, чақалар ҳам топилди. Бундан ташқари дегрезлик ва шишасозлик корхоналарининг ўрни аниқланди. Бу ердан 16 хил рангдаги турли шиша буюм бўлаклари ва идишлар қазиб олинди.

Бундай нафис ва нодир топилмалар ҳақиқатдан ҳам ўтган замонларда Ахсикент обод ҳунармандлар шаҳри бўлганлигига шубҳа қолдирмайди. Ахсикент ёши ҳамда аҳамияти жиҳатидан Фарғона Афросиёби эканлигига тўла ишонч туғдиради.

Шу ўринда Ахси, Ахсикат, Ахсикент деб юритилаётган бу қадимги шаҳарнинг номланиши ҳақида тўхалиб ўтишни лозим деб топдик. «Эронда бир неча йил подшоҳлик қилган Ануширвон (532-579) мамлакатда адолат ўрнатганлиги учун уни «Ануширвони Одил» деб юритишган. Фарғонани Ануширвон бунёд қилган. У бу ерга ҳар бир хонадондан биттадан кишини кўчирган. Шу муносабат билан Фарғона номи «Азҳархона» (ҳар бир хонадондан) деб аталиб кетган деган ривоят бор. Бошқа ривоятда эса Ануширвони Одил даврида кўчириб келтирилган кишилардан бирини исми Ахзи бўлиб, кейинчалик унинг номи билан аталиб Ахсикат бўлиб кетган, дейилади. «Кент» сўзидан Ахсикент-Ахсининг юрти (шаҳар) деган маъно келиб чиқади, деб ёзади тарих фанлари номзоди марҳум Йўлчи Қосимов «Қадимги Фарғона сирлари» номли китобида.

Мелоддан аввалги II асрда Фарғона аҳолиси нафақат ўзининг ҳунармандчилиги билан, балки чор-

вачиликда, пахта, йўнғичқа, буғдой, шоли, узум етиштиришда тенгсиз соҳибкор бўлган. Хитойликлар узумчиликни дастлаб ана шу фарғоналиклардан ўрганишган деб ёзади В.В.Бартольд. Ўша даврларда Ўрта Осиёга сафар қилган Хитой сайёҳи Чжан Чян Фарғонада махсус отлар боқилгани, қайсики хитойликлар бу отларни «Муқаддас тулпор» деб билганлари ҳақида маълумот берадилар. Ҳатто улар отта сифинганлари, ҳайкаллар ўрнатганлари, мадҳияларда куйлаганлари ҳақида ёзади. Чян мелоддан аввалги 126-йили Фарғонадан ватанига мазкур отлар ва беда уруғини олиб борган биринчи киши саналади. У ўз эсдаликларида шундай ёзади:

«Даваннинг (Фарғонани хитойликлар шундай атаганлар) ҳавоси ғоят мусаффо, зилол сувлари доимо шарқираб оқиб туради. Тоғ ён бағирларидаги яйловларда тоғ отлари ирғишлаб юради. Йўқ, уларни тоғ отлари дейиш камлик қилади. Улар чиндан ҳам само отлари бўлиб, териси ҳам ўзгача - қизил, худди қон рангидадир. Бу отлар чунонам абжир, хипча, оёқлари узун, қўлтиқлари тагида кўз илғамас қанотлари бор. Уларга минган чавандоз ҳар қандай едирим ёвни осонликча қувиб етади. Ҳар қандай учқур ёвдан ҳам шундай қочиб қутила олади».

Ахсикент шундай ажойиб бир шаҳар эдики, унда нақшинкор жомеъ масжиди қад ростлаб турар, сопол қувурлар орқали сув келтирилган ҳаммоми жуда таърифли эди. Азим Сирдарё унинг ўнг томонидан оқиб ўтган. Бундай гўзал, хушхаво шаҳарнинг «харидор»и кўплигидан, уни эгаллаш учун тез-тез ўзаро жангу жадаллар бўлиб турган.

Тожу тахт талашиб, тинимсиз олиб борилган курашлар XVI асрга келиб шаҳарни харобага айлантирди. Ўша даврда кўркам ва обод шаҳарлар

бир неча бор таланди ва ёндирилди. Мўғуллар ўлкамизга бостириб кириб, боғу бўстонларимиз ёв отининг туёқлари остида топталди. Қанча қийинчиликлар эвазига бунёд этилган маданият обидалари, бетакрор санъат дурдоналари вайрон этилиб култепаларга айлантирилди. Барча ўлкалар бирдай таланди, бирдай ёндирилди. Минг афсуслар бўлсин... Ахсикент шаҳри ҳам бу фожеалардан четда қолмади.

Айтишларича, душманлар Ахсикентга жуда кўп ҳужум қилишган. Бироқ, шаҳарни қўлга киритолмаганлар. Мустаҳкам қўрғонга киролмагандан кейин улар шаҳарга кириладиган ер ости сув йўлини қидиришади. Ниҳоят, уни шаҳар четида яшайдиган бир аёл ёрдамида топишади. Хиёнат оқибатида сир сақланаётган ер ости сув йўлининг юқори қисмидан душман сомон оқизган. Кўп ўтмай сув тўхтаган, шаҳар сувсиз қолган. Душман шаҳарни осонгина эгаллаган. Ахсикентнинг харобага айланиши ана шундай бошланган, деб тахмин қилинади.

Бу, албатта, ривоят. Душман томонидан бир неча бор таланган, тож-тахт учун курашлардан омон қолган Ахсикент 1620 йилда рўй берган ва фавқулодда кучли зилзила оқибатида ҳалокатга учраган. Темурийлар асос солган Ахсикентдаги зилзила ҳақида косонсойлик машҳур географ ва табиатшунос олим Сайид Муҳаммад Тоҳир ибн Абдулқосим 1640 йилда ёзган «Минтақалар ажойиботлари» номи асарида шундай ёзади: «Сирдарёдан чайқалиб чиққан сув дарё четидаги далани босиб кетди. Ҳамма жойни балиқлар босиб қирилиб кетди. Катта дарахтлар илдизи билан ерга тушди, иморатлар қаттиқ ва тез-тез зилзиладан вайрон бўлиб, кўп одамлар йиқилган иморатлар остида қолиб ҳалок бўлди. Кўп одамнинг оёқ қўли синди. Ҳайвонлар

қўрқинчдан далаларга қараб қочди. Олти ойгача зилзила шундай бўлиб турди. Биринчи куни зилзила 70 мартагача силкиниб турди. Энг қаттиқ зилзила Ахси қўрғонининг ичида бўлиб, атроф қишлоқларда унча қаттиқ бўлмади. Шаҳарда бир фарсах (ўн етти чақирим) ерда ҳеч қандай товуш эшитилмади». Ана шу зилзиладан сўнг Ахси қалъа шаҳри қайта тикланмади».

Йиллар ўтгани сайин барча воқеалар тарих қатидан жой олаверади. Бутунги Ахси қўрғонининг харобалари ҳам ўтмишдан садо бериб турибди.

Йўлингиз тушган бўлса, Ахси қишлоғи билан Чуст туманидаги Резаксой қишлоғининг ўртасида мўъжазгина бир боғ бор. Унга кираверишдаги ҳовуз лабида мажнунтол новдалари эгилиб, сувнинг юзини силаб туради. Биз ҳам бир неча йил аввал шу ерда бўлдик.

-Келинлар, йигитлар, хуш кўрдик, - деди олтимиш ёшлар чамасидаги истараси иссиқ киши бизни қарши олиб. - Менинг отим Ўсарбой, илгари бу боққа Бозорбой ота қарардилар. Ҳозир Резаксойда яшайдилар. Бай-бай, иссиқда қолибсизлар, қани, ҳув шийпонга ўтинлар, бир пиёла чой ичайлик. Мен ҳозир...

Боғ оралаб шийпон томон ўтарканмиз, ундаги ҳар хил мевали дарахтларга суқланиб қарадик. Бир қаторда қип-қизил олмалар шохини кўтаролмай эгилиб ётар, иккинчи томонда шафтолилар...

Шийпонча дарё суви ювиб, жарлик бўлиб қолган дўнглик устига қурилган экан. Пастда тўлганиб азим Сирдарё оқади. Дарёдан енгилгина шабада эсиб, қалбингизга ҳузур бағишлайди. Ҳадемай, Ўсарбой ака қўлида чойнак билан келди. Нафас ростлаган-дек бўлдик.

- Энди юринглар, бир томоша қилиб кетинглар. Илтимос, йўлда овоз чиқармай секин юрасизлар.

Бир-биримизга маъноли қараб, пастга томон юра бошладик. Икки қоя орасига тушиб, осмонга тикилдик: ўркач-ўркач оппоқ булутлар кўкда сузиб юрибди. Ўсарбой ака тўхтанглар, дегандек қўлини кўтарди. Мен ҳамроҳим Абдулазизни огоҳлантирдим. Ўсарбой ака қўлини ҳавога кўтариб қарсак чалиб «Ҳо-ҳо-ҳо-ҳооо», - деб овоз чиқарди. Шу пайт бирдан қоялар бағридан патир-путур қилиб юзлаб кабутарлар осмону фалакка кўтарилди. Биз ҳайрон бўлганимизча осмон тўла кабутарларнинг учишини томоша қилардик.

Хаёлимга тилдан-тилга кўчиб келаётган ривоят келди. Бобур Мирзо ёшлигидан ўта зийрак бола бўлган экан. Кунлардан бир кун Умар Шайх сарой аъёнлари билан Аҳсидаги қасрда ўтирган экан, бир кабутар учиб келиб, айвон пештоқига қўнибди-да, «ғули-ғули-ғу-ли» қилаверибди. Умар Шайх аъёнларидан: «Кабутар не дейдур?» - деб сўрабди. Анчадан буён уруш кўрмай, қиличлари қонсираб қолган аъёнлар: «Олий ҳазрат, кабутар қиличларни қиндан суғурмоқ керак, дейдур», - деб жавоб беришибди.

Гапга қўшилмай бир чеккада жим ўтирган Бобур Мирзо: «Йўқ, кабутар ундай демайдур. Бобо қовун сайлига чақирибдур. Жонивор хушхабарни келтирибдур», - дебди. Кабутарни тутиб келиб, оёғидаги мис ҳалқани олиб қарашса, ичидан бир хат чиқибди. Хатда: «Олий ҳазрат, қовун айни пишди. Келиб қўл уриб берсалар», - деб ёзилган экан. Бобур Мирзонинг гапи тўғри чиққанидан ҳайратга тушган Умар Шайх ўғлидан: «Бунчалик топқирлигингга боис недур?» - деб сўрабди.

«Ота, - дебди Бобур, - бу кабутарга эътибор қилмадингиз. Ўтган йили қовун сайли хушхабарини худди ана шу жонивор хабар қилгон эрди, каминанинг кўзи кабутарнинг ўнг қанотидаги қора холга тушган заҳоти уни танидим ва шу сўзни тахмин этдим», - деб жавоб берибди.

Ёш Мирзонинг ҳушёрлиги, топқирлигига қойил қолган Умар Шайх аъёнларига қараб: «Қилични эмас, ақл-идрокни ишга солмоқ лозимдир. Хабар қилинлар, барча қовун сайлига отлансин!» - деб фармойиш берибди.

Мен ана шуларни ўйларканман, кабутарларга нигоҳ ташладим. Улар бир-бирларидан чиройли қанот қоқиб, гоҳ пастга, гоҳ юқорига қараб чарх уриб, устимиздан айланиб учишарди.

- Бобурнинг кабутарлари, - деди Ўсарбой ака.

- Йўғ-е.

-Ҳа, ажабланманг, ука, бу ўша Бобур Мирзонинг кабутарлари. Ҳеч ким уларга озор бермайди. Айтишларича, Бобурнинг отаси Умар Шайхнинг кабутарлари бўлгон экан. Уйлари, кабутархонаси шундоққина дарё бўйидаги жарлик устида бўлгани учун қулаб тушган экан. Кейин кабутарлар шу ерга келиб макон қуришган. Ўшандан буён шу ерда яшайди... Бу беозор қушлар бизга ўша йиллардан ёдгорлик, уни авайлаб-асраб, Бобурнинг кабутарлари, деб юритишимиз боиси ҳам ана шунда! Қалъага тез-тез бориб туришади.

Биз Ўсарбой ака билан илиққина хайрлашдик. Хаёлимда «Бобурнома»да келтирилган қуйидаги сатрлар жонланди: «Ахси кўрғони балаң жар устида воқеъ бўлубтур, иморатлар жар ёқасида эрди... Ушбу тарихда душанба куни Рамазон ойининг тўртида Умар Шайх Мирзо кабутар ва кабутархона била учиб, шунқор бўлди...»

Ҳозир ўзимиз келган томонга қарадим. Энди кабутарлар инларига кириб кетишган. Бир жуфт кабутар эса осмону фалақда чарх уриб бир айланиб Ахсикент харобалари томон учиб кетди. Учавер Бобур Мирзонинг кабутарлари! Меҳр-мурувватли посбонларинг, меҳридарё одамлар бор! Сизларга эса раҳмат одамлар, дегим келди.

Яна кўҳна Ахсикент харобаларига тикиламан. Нима бўлганда ҳам қадим Афросиёбга тенгдош бўлган бу кўҳна шаҳар харобаларини ўрганиш, тилсимларини ечиш ҳали поёнига етганича йўқ. Тупроқ остида қанчадан-қанча сир-синоат яшири-ниб ётганикин?

Буни ўрганмоқ, ёш авлоднинг қалбига етказмоқ, туғилиб ўсган юртга муҳаббатни юз чандон ошир-моқ улуғ савобли ишдир.

Мустақиллик туфайли ҳақиқий қадриятлари-мизни топмоқдамиз, тарихимизни ўрганишга ки-ришдик. Шундай экан, хоҳ мактабда, хоҳ олий ўқув юртида бўлсин, буюк аждодларимизнинг ҳаёт йўли, ўлкамизнинг ўтмишини ёшларга ўргатиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Шу ўринда бир мулоҳазани ўртага ташламоқчи-миз. Ахсикент харобалари археологлар томонидан қазиб ўрганилганига кўп йиллар бўлди. Ноёб тари-хий топилмалар қўлга киритилди. Лекин бу муҳим ёдгорлик қачонгача харобага айланган ҳолда ётар-кин?

Мустақиллик яратган имкониятдан фойдаланиб, бу муқаддас жойни ободонлаштириш, кўкаламзор-лаштириш, унинг атрофида боғ-роғлар ташкил этиш, нафақат мамлакатимиз одамлари, балки хорижлик сайёҳлар келадиган ажойиб зиёратгоҳга айланти-риш олдимизда турган маънавий вазифа ва муқад-дас бурчдир.

## АФСОНАДА БОРДИР ҲАҚИКАТ

Аждодларимизнинг туркум ривоят ва афсоналари сингдирилган ғоялар ва тасаввурлар соддалигига қарамай, чуқур мазмунга эгадир. Уларда эзгулик билан ёвузлик, адолат билан разолат, нур билан зулмат ўртасидаги кураш ҳамда бу курашда эзгулик ва инсонийликнинг тантаналари очиб берилган. Гўё улардан бутунги кун нафаси уфуриб тургандек. Шоҳ ва шоир Бобур Мирзо ҳақидаги ривоят ҳамда афсоналар ҳанузгача одамлар орасида оғиздан-оғизга кўчиб сақланиб келганлиги, айниқса, муҳимдир. Уларни тўплаш мақсадида бир гуруҳ олимлар «Бобур Мирзо юрган йўллардан юриб» илмий экспедициясини тузиб, республикамизнинг қатор туман, шаҳар ҳамда вилоятларига ташриф буюрдилар. Шоирнинг қадамжоларини зиёрат қилиб, у тўғрисидаги афсона ва ривоятлар, достонлар ва маталларни ўргандилар. Шунингдек, Бобур Мирзо номи билан боғлиқ бўлган жуғрофий ҳудудлар-сойлар, зовурлар, сардобалар, қир-адирлар, йўллар ва тепаликларни бориб кўрдилар.

Сафарни Бобур Мирзо яшаб подшоҳлик қилган Аҳси қўрғонини зиёрат қилишдан бошладик. Шундан сўнг Санг сойи орқали Чуст туманидаги Карнон қишлоғига йўл олдик. Ёдингизда бўлса, «Бобурнома»да ёзилганидек, «Шоҳ» Боязид Бобур Мирзони Аҳсига чақириб (Аҳмад Танбал билан келишиб), шаҳарни бераман деб уни банди қилмоқчи бўлади. Шунда у Санг сойига қочиб қутилади. Йўлда икки киши унга ҳамроҳ бўлади. Улар асли Аҳмад Танбалнинг айғоқчилари эди. Уларнинг мақсади, қандай қилиб бўлмасин, Бобур Мирзони қўлга олиб, уни Аҳмад Танбалга етказиш эди. Бобур не-не

машаққатлар билан Санг сойи орқали Карнон қишлоғига келиб, чорбоғда бир кеча тунаб қолади.

Бобур Мирзони энг содиқ навкарларидан Қутлуф Муҳаммад Барлос, Бобои Парғорий, яна йигирма чоғли отлиқ навкарлари Карнон боғига кириб, уни тирик кўришиб, кўзларида ёш ҳалқаланди. Ҳаммалари бирданига унинг оёқлари остига ўзларини ташладилар.

Улар Бобурни Андижонга олиб бориб, тахтга ўтирғизишади. Аммо ёш Бобурнинг подшоҳлиги узоққа чўзилмади. Андижонда тўрт ой турди, холос. Чунки унинг ғаними Шайбонийхон Фарғона юртига бостириб келмоқда эди.

Тошкент яқинида бўлиб ўтган жангда мўғул хонлари Шайбоний қўшинлари томонидан бутунлайин тор - мор келтирилди. Бобур бу бесаранжом ойларни тоғалари Султон Маҳмуд ва Султон Аҳмадга тобеъликда яшади. Фарғона мулки ғанимлар ўртасида талаш бўлаётганидан афсусланиб сиқилди, ўз бахтини бошқа жойлардан қидиришга аҳд қилди.

Биз экспедиция аъзолари билан Поп туманида, Қўқон, Тошкент, Китоб, Шаҳрисабз, Қарши шаҳарларида, Ғузор ва Деҳқонобод туманларида бўлдик. Қарши шаҳрида бўлганимизда шу ерлик бир гуруҳ олимлар билан учрашиб суҳбатлашдик.

Бобурнинг қадамжоларини зиёрат қилиб, халқ орасида у тўғридаги афсона ва ривоятлар йиғаетганимизни сўзлаб бердик.

Улар мақсадимизни эшитиб бу жуда ҳам хайрли иш эканлигини, марҳум Қодир бахши Раҳимов томонидан яратилган Бобур Мирзо ҳақидаги «Ойчинор» номли дoston борлигини, ҳозирда унинг ўғли Қаҳҳор бахши Раҳимов томонидан куйланиб келаётганини айтишди. Биз машҳур бахши яшаган

Деҳқонобод туманига Қаҳҳор бахшини қидириб йўлга тушдик.

Машинадан биз туманнинг паст-баланд ерларини, туя ўрқачидек қир-адирларни, кўм-кўк майсалар қоплаган яйловларини, табиат манзараларини томоша қилиб кетдик.

Бепоеъ ерларни, қир-адирларни кўрар эканмиз, Бобуршоҳ оч-наҳор, сувсиз, кимсасиз дашту-биёбонда душман таъқибидан қочиб оғир кунларни бошидан кечирганини юрак-юрагимиздан ҳис этдик.

У сарсон-саргардонликларни бошидан кечириб, ўз одамларининг сотқинлигига қарамасдан ўзга юртларга кетиши, оз миқдордаги аскарлар билан ғалаба қозониб подшоҳлик қилиши кишини ҳайратга солади.

Қуруқтов ясси тоғларидаги «Бобур тахти», «Бобур энган» жойларни кўздан кечирдик. Деҳқонобод туманида яшовчи Абдуқаюм Беккамовнинг айтишича, узоқдан келаётган душманни кўриб туриш учун Бобур Мирзо энг баланд тепаликка жойлашган. Ўша ер «Бобур тахти» дейилади. Тепаликлардан пастга тушиладиган жойлар, яъни ёнбағирликлар эса «Бобур энган» деган ном билан юритилади. Қадимий Ипак йўли Оқработ қишлоғи орқали ўтади. Қишлоқ шундай Оқтош тоғи этакларида жойлашган. Тоғ ён бағридаги арчалар кўм-кўк бўлиб яшнаб, табиатга чирой бахш этиб турибди.

Оқтошнинг энг тепа қисмига чиқиб қарасангиз, бепоеъ ерларни кўрасиз. Шайбонийхоннинг одамлари келиб таъқиб этгунича Бобуршоҳ шу ерда минг гектардан ортиқ ерни навкарлари билан қўшда ҳайдаб, буғдой экади. Катта ҳосил кўтаради. Ҳозир ўша жой «Бобурнинг ери», ёнидаги тош билан

ўралган жойлар «Бобурнинг қўрғони» деб юритилади. (Илгари бу ерда катта қўрғон бўлиб, Бобуршоҳ вақтинча шу ерда яшаган). Бу ерлар боғроғларга айланган. Унда олма, шафтоли, беҳи ва нок каби мевали дарахтлар барқ уриб, яшнаб ётибди. Бу жойда ҳам Бобур Мирзо муқим яшолмаган. Душманларнинг тинимсиз таъқиби оқибатида Ойша дараси орқали Афғонистонга ўтиб кетган. Бобур Мирзо қаерда бўлмасин, хайрли ишларни амалга ошириб, халқ ўртасида обрў-этибор қозонди. Ушбу юртда унинг изи муҳрланиб қолган. Ундан қурдирган қўрғони, тахти, очган ери, яратган боғ-роғлари, халқ ўртасида қилган яхшиликлари қолди. Бу ерда ким билан суҳбатлашманг, «Хў ана шу қирда Бобур бобомиз от чопиб, аскарлари билан машқ қилган эканлар», - дейишади. Хаяжонланиб кетасан.

Шу ўринда фольклоршунос олим (марҳум) Малик ака Муродовнинг Бобур Мирзо ҳақидаги ҳикоялари ёдимга тушади.

«Бобур лақаби» номли афсонада эса, Бобуршоҳнинг довураклиги, мардлиги, ёшлигидан кўрқмас бўлиб улғайганлиги, унга «Бобур», яъни «йўлбарс» лақаби қандай қилиб берилганлиги ҳикоя қилинади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг отаси Умар-Шайх бўш вақтларини шикор билан ўтказар, ҳар гал овга чиққанида ўғлини ҳам бирга ола кетар эди. Бир куни шикор авжига чиққанда ёш Заҳириддин чангалзорда адашиб қолибди. Лекин кўрқувга тушмабди. Кун ботишда кимсасиз бир ғорни кўриб қолибди. «Шу ерга кириб ётаман, тонг отгач, албатта, чиқиб отамни топаман», деб ғорга кирибди. Ярим кечага борганда, киши қулоғини қоматга келтирувчи даҳшатли ўкириш овози эшитилибди.

Шундаям ваҳимага тушмабди, нима бўлишини кутиб, қимир этмай ўтирибди. Ҳалиги овоз ғорга тобора яқинлашиб келаверибди. Қараса, оғзида каттакон ўлжани тишлаб олган бир она йўлбарс ғорга қараб келаётган эмиш. Бола «бу ёғи нима бўлар экан?», деб жим тураверибди. Йўлбарс ҳайбат билан кириб келибди. Шу пайт йўлбарсваччалар бир-бирларини қувлашиб, шундоққина Заҳириддиннинг ёнидан ўтиб, онасига ёпиша кетибди. Она йўлбарс болаларини искабди, эркалатибди, келтирилган ўлжани уларнинг олдига ташлаб, овқатлантирибди. Шундай қилиб, Заҳириддин эрта-лабгача мижжа қоқмабди. Тонг отибди. Она йўлбарс ўлжа ахтариб ғордан чиқиб кетибди. Заҳириддин Муҳаммад бир пас индамай турибдида, таваккал қилиб йўлбарсваччалар ёнига борибди. Йўлбарсваччалар болани ёқтирмай қарши олишибди. Бола қўрқмабди. Улар билан ўйнашиб, тезда апоқ-чапоқ бўлиб олибди.

Эндиги гапни Умар Шайхдан эшитинг. Шикорга берилиб кетган ҳукмдор олдинига ўғлининг йўқолганини пайқамабди. Кеч бўлиб, карнай-сурнай тортилиб, шикор тўхтагач, Заҳириддин Муҳаммаднинг йўқлиги билиниб қолибди. Бунга эшитиб Умар Шайх роса қайғурибди, фарёд кўтарибди. Машъалалар ёқиб, чангалзорни қадамма-қадам қараб чиқишни буюрибди. «Болам топилмаса, ҳаммангнинг каллангни танангдан жудо қиламан», дебди.

Бир пайт Умар Шайхнинг кўзи йўлбарс изидаги қонга тушиб қолибди. «Боламни йўлбарс олиб қочибди», деб ўйлаб ҳушидан кетиб, отидан йиқилибди. Умар Шайх ўзига келиб, йўлбарс изидан боришни буюрибди. Овчилар изма-из боришиб, чангалзор четидаги бир ғор олдидан чиқиб қолишибди. Ғорга кириб қарашса, бир бола икки йўл-

барсвачча билан ўмбалоқ ошиб ўйнашаётган эмиш. Ўглини соғ-саломат кўриб, Умар Шайхнинг юраги ёрилаёзиди.

Овчилар йўлбарснинг болалари ва Заҳриддин Муҳаммадни олиб саройга қайтишибди. Бу воқеа тезда бутун шаҳарга тарқабди «Ҳазрати олийларининг ўғиллари йўлбарс билан олишиб, уни енгибди», деган хабарни етти ёшдан етмиш ёшгача барча эшитибди. Ҳамма ҳайратдан ёқасини ушлабди.

Шундан кейин боланинг асл исми Заҳриддин Муҳаммад ёнига Бобур яъни йўлбарс лақабини қўшиб айтадиган бўлибдилар. Бобур жамики махлуқ, ҳатто ваҳший ҳайвонлар шоҳи йўлбарсдан ҳам кўрқмайдиган ботир ва довжорак киши бўлиб етишибди.

«Боғи Бобурий» афсонаси она юртга чексиз меҳр-муҳаббатнинг ифодасидир. Бобур Мирзо Ҳиндистонда подшоҳлик қилган даврда мендан ёдгорлик қолсин деб, мамлакатнинг кўркам жойига бир боғ барпо этдирибди.

Дунёдаги бу энг катта боққа турли юртлардан ниҳоллар, мевали дарахт ва гуллар борки, ҳаммасидан олиб келиб кўкартирибди. Халқ дунёга донғи кетган бу боққа «Боғи Бобурий» деб ном қўйдирибди.

«Боғи Бобурий»нинг бир чеккаси резавор экан. Унда пиёз, сабзи, бодринг, тарвуз битибди. Бобуршоҳ қовунни яхши кўрар экан, аммо боғида ҳандалак билан қовун бўлмабди. Бобуршоҳ бир йил қовун эктирибди, битмабди, иккинчи, учинчи йил ҳам эктирибди, барибир, қовун битмабди.

Бобуршоҳ бўлса, қовун топишни талаб қилаверибди. Уч кундан кейин Бобуршоҳ бир неча кунга овга кетибди. Шу пайт боғбонларнинг бошлиғи ҳам ўн бир кишини ёнига олиб, «қаердасан Фарғона», деб йўлга тушибди. Карвон йўл юриб, йўл юрса ҳам

мўл юриб, ўн кун деганда Фарғонанинг Намонгон шаҳрига етиб келибди. От-араваларга қовун ортиб, тез изига қайтиб, Ҳиндистонга етиб келибди. Шу орада овдан қайтган Бобуршоҳ боғбонларнинг Фарғонага бориб келганини билмай қолибди. Бобуршоҳ боғбондан қовун йўқлатибди. Қовунни олиб келишибди. Бобуршоҳ қовунни ҳидлаб кўриб: «қаерда битган» деб сўрабди. Боғбон: «Боғи Бобурий»да битган», - деб жавоб берибди. «Йўқ, ҳиди бошқача бундай ҳидли қовун бу ерларда битмайди. Фақат бир ўлкада етишади, холос. Сен мени алдаяпсан», - дебди Бобуршоҳ. «Алдаган бўлсам билганингизни қилинг, шоҳим. Бу қовун «Боғи Бобурийда битган», - сўздан қайтмабди боғбон. Бобуршоҳ қовунни ҳидлай-ҳидлай, бўйига маст бўлиб, уни тиликламоқчи бўлибди. Қовун пичоқ тегар-тегмас тарсиллаб ёрилиб кетибди.

Бобуршоҳ боғбонга қараб:

- Ёлғон гапирибсан, қовунни қаердан келтирганингни очиқ айтасан. Пичоқ тегар-тегмас ёрилиб кетадиган қовун фақат мен биладиган ўлкадагина битади. Сен менинг саволимга ҳам тўғри жавоб бермадинг. Қаҳрим қаттиқлигидан кўрқмайсанми? - дебди.

Шоир ва фозил Бобуршоҳни алдаб бўлмаслигини билган деҳқон ростини атишга мажбур бўлибди.

- Фарғонанинг Намонгон шаҳридан келтирдик, - дебди боғбон кўзига жиққа ёш олиб. - Ростини айтдингиз шоҳим, бунақа қовун, сиз айтганингиздек фақат ўша ёқларда битади. Намонгон шакарпалаги дегани шу...

- Раҳматли отамнинг боғидаги полизда шунақа шакарпалак кўп бўларди. Узоқ Ҳинд юртида туриб, ўз шаҳрим шакарпалаги билан сийлаганинг учун гуноҳкор бўлмай, инъом-эҳсонларга лойиқсан, - деб

Бобуршоҳ боғбонга раҳматлар айтиб, бир сизра сарпо бердирибди-да қуйидаги рубоийни ўқибди:

*Толе йўқи жонимга балолиғ бўлди,  
Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди.  
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,  
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди!*

Мана шундай «Ғазал ва қилич», «Бўтакўз билан Бобур» каби кўплаб афсона ва ривоятларда ҳам ибрат тўла маъно мужассамланган.

Шуни айтиш мумкинки, Бобур Мирзо тўғрисида яратилган ва бизгача етиб келган ривоят, эртак, дoston ва афсоналар халқимиз маданий меросининг ёрқин намуналаридир. Уларда халқимиз қалбидаги эзгу орзу-умидлар, армонлар, қувончлар, ташвишлар, эҳтирослар ва ғам-қайғулар васф этилган. Шу боис улар мангу ҳаёт булоғи сифатида ҳеч қачон ўз ҳаётбахшлигини йўқотмайди ва даврлар оша яшайверади.

Бобуршоҳ ҳақидаги бундай афсона ва ривоятларни ўз вақтида ёзиб, бизга мерос қилиб қолдирган фольклоршунос олим, марҳум Малик Муродовнинг хизматлари таҳсинга лойиқдир.

Ҳиндистонда ҳам ўз она юртининг меваларини соғинган Бобуршоҳнинг қовун эктиргани айни ҳақиқатдир. Шунинг учун ҳам у «Бобурнома» да шундай таърифлайди: «Қовуни яхши бўлур. Бир навъ қовундирким, «Мир Темурий» дерлар, андоқ қовун маълум эмаским, оламда бўлғай. Бухоро қовуни машҳурдир. Самарқандни олган маҳалда Ахсиндин, Бухородин бир қовун келтириб, бир мажлисда кестурдум, Ахси қовунининг ҳеч нисбати йўқ эрди. Ову қуши бисёр яхши бўлур, Сайхун дарёсининг

Ахси тарафи даштдур. Оқ кийики бисёр бўлур».

Ким билади дейсиз, балки Андижонни нашвати-сини соғиниб, Ҳиндистонда ҳам «Боғи Бобурий», «Боғи сарой», Қандаҳордаги «Чеҳл зина» ва «Чорбоғ», каби ўнлаб боғларни яратгандир.

Ҳа, Бобур Мирзо ўз она юртини қўмсаб, Ватан соғинчига тўймасдан яшади.

Бобуршоҳнинг ўз одамлари, вазирлари ва аскарлари сотқинлик қилиши унга бир жойда муқим яшаб, юртни обод қилишга имкон бермади. Оқибатда Бобур Мирзо Афғонистонга кетишга мажбур бўлган.

Бир неча йил бу юртда подшоҳлик қилиб, сўнгра Ҳиндистонни қўлга киритади. Бежиз Ҳинд олими Муни Лаъл қуйидаги сатрларни келтирмагандир: «Бобур қирқ саккиз ёшда вафот этди. У ҳамма нарсага жасорат ва ҳалоллик билан эришди. Мағлубиятлари устига буюк ғалабалар иморатини қура олди. Ёшлигида кўрган омадсизликлари ўрнига кейинчалик унга улуғ омадлар ёр бўлди. Ниҳоят, у Ҳиндистон тарихида илгари ҳеч кўрилмаган буюк салтанатга асос солди».

Бобур ва Бобурийлар сулоласи Ҳиндистонда 332 йил ҳукмронлик қилиб, унинг гуллаб-яшнашига ўз ҳиссасини қўшди. У бошқа юртларга кетиб қолмаганда, эҳтимол бутун бутун дунёда муҳаббат рамзига айланган Тожмаҳал мажмуаси ва улкан обидалар, ҳаммани ўзига мафтун этган боғлар жаннатмакон юртимизда қурилиб, Бобур Мирзо бобомиздан ёдгорлик сифатида қад ростлаб турармиди.

Эҳтимол, тақдир азалда унинг пешонасига ўзга юртларда подшоҳлик қилиш битилган бўлса не ажаб...

## АФФОН РИВОЯТИ

1901 йилнинг апрелида Осиёнинг ҳар чорақда чиқадиған газетасида 2 та мақола чоп этилган.

У ердаги воқеалар ҳаммаси Юсуфзай номи билан боғлиқдир. Иккинчи мақолада Аффон қабилаларини қудрати, таърифиди, уларнинг саркардаларидан бири, ёш тахт эгаси Улуғбек Мирзо Қобулийга (Бобурнинг амакиси) Малик шоҳ, Сулаймоннинг меҳрибонлиғи ҳақида ёзилган.

Кунларнинг бирида қабиланинг донишмандларидан бири Шайх Усмон ёш Мирзони Сулаймоннинг тиззасида ўтирганини кўради. Шунда Шайх Усмон Сулаймонга боланинг кўзлари Язидникига ўхшашлиғини ва кейинчалик бу бола уни ва оиласи мол дунёсидан маҳрум қилиши мумкинлиғи ҳақида огоҳлантиради. Малик шоҳ Сулаймонни гапига эътибор бермади. Мирзо улғайгач, ўз қизини унга турмушга берди. Кейинчалик Мирзо Юсуфзайни Қобулга таклиф этади ва хиёнаткорона равишда Сулаймонни ва унинг 700 давомчисини Қобул ёнидаги Сиёҳсанг деган жойда ўлдирди. Тарихий манбааларда бу воқеа 1770 (1134) йил бўлиб ўтганлиғи тўғрисида ёзилган. Бу ерни «қийнаб ўлдирилганлар қабристони» деб аташган. Уларнинг қабрлари қадранган ва бунга айниқса Шайх Усмон катта эътибор берган. Шоҳ Сулаймон Малик Тожиддиннинг 7 ўғлидан энг каттаси эди. Иккинчи ўғли Султон шоҳ-Малик Аҳмаднинг отаси эди. Улардан бири жияни Аҳмадни ҳаётидан узоқлаштиришга муваффақ бўлди.

Улуғбек 865-907 йилларда подшоҳлик қилиб вафот этади ва Бобур ўз куёвини ва издоши Муқимни

(Аргун) урушда енгади. Шу пайтда Юсуфзай Пешоварга жўнаб кетади. Бобур Қобулни бошқаришга келганда аввалига очикчасига Юсуфзай дўстлигини қабул қилади. Лекин кейинчалик Юсуфзайнинг душманларидан бири Дилазак 70 000 шоҳруҳи (пул бирлиги) эвазига душманлар ёрдамида орага совуқлик туширади. Юсуфзайнинг тарихчиси айтишича, Бобур Малик Аҳмадни ўлдиришга қарор қилади ва уни олдига таклиф қилиб хат юборади. Аҳмад бу таклифни қабул қилади ва созанда сифатида машҳур бўлган 4 акаси билан йўлга чиқади. Шу пайт Дилазак Бобурга Аҳмадни келиши билан гапиртирмай қатл этишни таклиф қилади. Агар Бобур Аҳмадга гапиришга рухсат берса подшоҳ уни кечирishi мумкинлигини айтади. Аҳмад Қобулга келгач, Бобурнинг мақсади уни ўлдириш эканлигини билиб олади. Ҳамроҳлари бошларидаги саллаларини бир-бирларига боғлаб қалъа деворидан ошиб Аҳмадни қочириб юборишни таклиф қиладилар. Лекин у бу таклифни рад қилади ва тақдирга тик боришга қарор қилади. У созандаларидан бири билан қолиб, қолганларига шаҳар ичида яширинишга буйруқ беради. Эртасига эрталаб шаҳарда жуда катта йиғин бўлади. Бобур тахтда ўтиради. Аҳмад подшоҳни олдига бориб икки букилиб салом беради. Шунда у Бобур қўлида уни ўлдиришга тайёр турган ўқ ёйни кўради. Ўлдиришга шай турган подшоҳни кўрган Аҳмад камзулини тутмаларини ечиб подшоҳ олдида тик туради. Бобур ҳайратланиб ёйини бўшаштиради ва Аҳмадни нега бундай қилганини сўрайди. Аҳмад подшоҳдан савол бермаслигини айтади. Лекин подшоҳ бир неча бор нега шундай қилганини

сабабини сўрайди. Шунда Аҳмад Бобурни кўп ажойиб хислатларини тилга олиб, уни кўкларга кўтариб мақтайди ва буни шундай деб изоҳлайди. «Менинг камзулим қалин матоҳдан тикилган, сиз отган ўқ уни тешиб ўта олмаслиги мумкин. Агар халойиқ сизни менга камондан ўқ отганингизни кўриб турса, камзулим мени ҳимоя қилиб қолиб ва мен ўлмай қолсам, унда сизнинг обруйингизга пу-тур етарди. Шундай шармандагарчиликнинг олди-ни олиб, мен камзулим тугмаларини (олдини) ечиб ташладим» дейди.

Шунда Бобур жавобга қойил қолиб ўқ-ёйни су-риб қўйди ва қуйидаги саволларни Аҳмадга берди:

- Бухлул Луди қандай одам?
- Отлар ҳадя этувчи, - деб жавоб берди Аҳмад.
- Унинг ўғли Искандар-чи?
- Туя ҳадя этувчи одам, - деди Аҳмад.
- Унда Бобур қандай одам? - деб сўради подшоҳ.
- У - деди Аҳмад - бош ҳадя этувчи одам.
- Унда - дебди Бобур мулоимлик билан, - мен бошларингни ўзларингга қайтараман.

Шундан сўнг подшоҳ тахтдан тушиб Аҳмадни кўли-дан ушлаб қўшни хонага олиб кирди. Бобур билан Аҳмадзай пиёладан шароб ичдилар, шароб таъсирида Бобурнинг кайфияти кўтарилди ва ўйинга тушади. Шунда Аҳмаднинг созандаси мусиқа чала бошла-ди. Форс тилини яхши биладиган Аҳмад кўшиқ айта бошлади. Сўнг Аҳмад уч маротаба Бобурнинг кўл-ларини олтин тангалар билан тўлдирди. Бобур олтин тангаларни боши узра сочди. Сўнг у тўнини ечиб Аҳмадга кийгизди. Аҳмад ўз навбатида тўнини ечиб созанда Адуга тақдим этди. Ўзи подшоҳ берган тўнни кийди.

Аҳмад ўз қабиласига соғ-омон етиб келди. Бобур иккинчи маротаба Аҳмадни Қобулга таклиф қилди. Лекин Аҳмад бу таклифни қабул қилмайди. Ўрнига акаси Шоҳ Мансурни юборади. Бобур бундан хафа бўлади. Қабилага қайтгач Мансур тоғлар томонга кўчишни ва кучли қўшин тузишни укаси Аҳмадзайга маслаҳат беради. Улар шундай ҳам қилдилар. Худди башорат қилгандай Бобур уларнинг юртига катта қўшин билан бостириб келди. Уларнинг ерларини вайрон қилиб кулини кўкка совурди. Лекин қўрғонга киролмади ва зарар етказа олмади.

Шундан сўнг Бобур қаландарлар кийимини кийиб бир неча дўстлари билан Махура қирликларига, қалъа жойлашган жойга боради. У подшоҳ қароргоҳидан бир неча кунлик масофа эди. У ерда Ййди Қурбон ҳайити бўлаётган эди.

Махура тоғи орқасида Мансур саройида жуда катта йиғин бўлаётган эди. Ҳозиргача бу жой Шоҳ Мансурни тахти деб аталади. Бобур уйни орқа томонига ўтди ва оломон орасига кирди, у ердан саройда бўлаётган воқеаларни кузатиб турди. У хизматкорларга саройни айланиб чиқишни ва Мансур шоҳни қизи бор-йўқлигини аниқлашни буюрди. Шу пайт Мансур шоҳ қизи Мусаммат биби Муборака бошқа қизлар билан соябон остида ўтирар эди. Шунда унинг кўзи қаландарларга тушди ва хизматкорларнинг биридан қаландарлар учун икки нон орасига пиширилган гўшт бериб юборди. Бобур буним ким юборди деб сўраганда хизматкор буним Мансуршоҳнинг қизи Биби Муборака юборди деб жавоб қилади. У сени рўпарангда соябон остида ўтирибди деб айтади. Шундан сўнг Бобур

хизматкордан Биби Мубораканинг феъл атвори тўғрисида, бирон кимга унаштирилганми йўқми деб суриштиради. Хизматкор унга қиз ўта камтар, назокатли, художуй ва меҳрибон ва ҳеч кимга унаштирилмаганлигини айтади. Шунда Бобур дўстларидан ажралиб қиз юборган гўштларини икки харсанг тош орасига яшириб қўяди. Шундан сўнг у қароргоҳига қайтиб келди. У қўрғонни ололмаслигига кўзи етди. У Қобулга шундай қайтиб бориш шармандалик бўлади деб тушунди. Ундан ташқари у севги оловида ёнаётган эди. Сўнг у Малик Аҳмадга нома ёзди. У хатида шоҳ Сулаймон ўғли Шоҳ Мансурнинг қизига уйланиш истаги борлигини билдирди. Юсуфзай қизларини Улуғбекка берганда жуда кўп кўнгилсизликлар бўлгани учун уларга бизни берадиган қизимиз йўқ деб жавоб қайтарди.

Шундан сўнг Бобур илтифотли хат ёзиб, у Мансур шоҳ саройига боргани ва унинг қизи Биби Муборака унга нон бергани ва агар ишонмаса улар уй орқасидаги икки харсанг тош орасида турган унга аталган нонни кўришлари мумкинлигини ёзади.

Улар бориб ҳақиқатда нонни кўрадилар. Аҳмад билан Мансур бир-бири билан ҳали ҳам тескари эдилар, лекин қабиладошлари агар Бобурга Мансур шоҳ қизини бермаса, уруш бошланиши мумкин. Қабила тинчлиги учун қизни Бобурга турмушга бериш кераклигини айтадилар ва бу иш амалга ошади. Шундан сўнг тўй тараддуди бошланиб кетади.

Совға саломлар, қилич ҳам жўнатилди. Улар Тханага - Махура орқали Чақдора дарёсини кесиб ўтдилар. Тор йўл билан икки қир ўртаси орқали

Талаш қишлоққа келганда подшоҳ одамлари уларни кутиб олдилар. Бир кеча Чақдора бўлгач Маликлар Махура Сангурдаги уйларига қайтди. Мансурнинг уй ишларига бош-қош бўладиган Руна исмли канизаги бор эди. У бошқа канизак ва хизматкорлари билан келин бўлмиш Биби Муборакани олиб подшо саройига келади. Келинчак барча илтифотлар билан сарой марказига ўрнатилган катта соябон тагига жойлаштирилди. Ўша кеча ва эртасига зобитларнинг хотинлари келинни кўргани келдилар, лекин у уларга эътибор бермади. Шунда улар унинг ҳусни ҳақиқатда бетакрор эканлигига тан бердилар, лекин нима учун келин уларга меҳрибонлик кўрсатмагани ва гапирмаганига ҳайрон эдилар.

Биби Муборака ўз хизматкорларига подшоҳ пайдо бўлиши билан уни огоҳлантиришни тайинлаб қўйди, зеро у подшоҳни Малик Аҳмад кўрсатмалари билан кутиб олиши керак эди. Тунда Бобур Мирзо намоздан қайтаётиб Биби Муборака ҳузурига йўл олди. Шунда у подшоҳни кўриб қўлларини кўксига қўйиб эгилиб салом берди.

Подшоҳ ўтиргач, «ўтиринг» Афғон қизи - деди. Келин эгилиб яна «салом» қилди. Лекин ўтирмади. Иккинчи маротаба «ўтиринг Афғон қизи» деган мурожаатга у бир оз яқин келди ва тик тураверди. Сўнг подшоҳ ўрнидан туриб унинг юзини беркитиб турган тўрни очди. Унинг юзларида гўзаллик тимсолини кўрди. У бундай гўзалликдан ҳайратда эди ва яна ўтиришга таклиф этди. Келинчак яна эгилиб «салом» қилди ва шундай деди: «Меңда сизга бир илтимосим бор. Агар рухсат берсангиз, мен уни сизга айтсам». Подшоҳ меҳрибонлик билан унга

«гапиринг» деди. Икки қўли билан у кўйлаги ёқасини ушлаб шундай деди: «Бутун Юсуфзай қабиласи учун мен сиздан кечирим сўрайман». Шунда подшоҳ: «Мен Юсуфзайни барча кирдикорларини сенинг гувоҳлигингда кечираман ва ҳамма айбини сени чиройингга алмаштираман. Бундан буёғига мен Юсуфзайга ёмон кўз билан қарамайман» дейди. Келинчак яна икки букилиб «салом» қилди. Сўнг подшоҳ уни қўлидан ушлаб ўрнидан турди. Шунда Биби Муборака ўрнидан дарров туриб подшоҳни оёқ кийимларини тўғрилаб қўйди. Подшоҳ уларни кийиб шундай деди: «Мен қабилангга ва сенга қойил қолдим» ва сен учун яна бир бор кечирдим. Кейин у жилмайиб, биз биламиз Малик Аҳмад сени шундай муомала қилишга ўргатган, деди. Шундан сўнг у намоз ўқиш учун намозхонлар олдига йўл олди. Биби эса ўз ҳарамиди қолди ва бир неча кундан сўнг қароргоҳ Диарундан Бажаур ва Танки орқали Қобулга келди. Биби Муборака «Бахтли хоним» одатда Гулбадан бегим томонидан кўп тилга олинади. Унда фарзанд бўлмаган, улар жуда бахтли ҳаёт кечирган. Тарихчилар айтишича, Акбарнинг ҳукмронлиги бошланганда у вафот этади. Унинг акаси Миржамол Бобур ва Хумоюн, Акбар байроғи остида бўлади.



*Муаллиф Мансур Инъом Самарқанд шаҳрида (2000 йил) ўтказилган «Бобур ва бобурийларнинг жаҳон цивилизациясини ривожлантиришдаги мавқеи» мавзундаги халқаро илмий конференцияда иштирок этди.*

*Суратда: (чапданг ўнгга) Мансур Инъом хориждан келган меҳмонлар билан.*



*Муаллиф Мансур Инъом жиянлари, қизлари, онаси ва қариндошлари билан «Истиқлол» саройининг концерт залида.*



*Суратда: «Бир ўлкаки...» кўрсатувининг бошловчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фарҳод Бобожонов, адиб Мансур Инъом ва кўрсатув режисёри Жўрабек Ҳамроев.*



*Мансур Инъом дўстлар даврасида.*

*«Ким меҳрибонлик қилмас эркан  
меҳрибонлик кўрмагайдир».*

Ҳадис.

## Қасд

(Воқеий қисса)

Эрталаб ёғиб ўтган майин ёмғирдан сўнг эсган шаббада ўт-ўланларнинг ҳидини олиб келди. Баҳор ҳавоси бирам ёқимли. Дехқонлар ер чопиб, ариқ тозалаб экин экиш ҳаракатига тушишган.

Шундай кунларнинг бирида «Эски молхона биносидан янги туғилган чақалоқ топилибди, онаси ташлаб кетганмиш», деган хабар бир зумда қишлоққа тарқалди. Дўппидеккина қишлоқда яшовчилар бир-бирларини жуда яхши билишарди. Ҳамма ҳайрон. Дастлаб одамлар шаҳардан кимдир келиб чақалоқни ташлаб кетган бўлса керак, деб ўйлашганди. Кейин... кейин эса унинг онаси кимлигини билишгач, ҳайратдан ёқа ушлашди.



Эрталаб дала ҳовлисида ишлаб турган Ўқтамалининг қулоғига гўдак йиғиси чалинди. У

«Оббо онаси тушмағур, боласига қарашга вақт тополмадимикин», - деган хаёлга борди. Бирдан хушёр тортди, чунки овоз эски молхона томонидан эшитилаётган эди. Бир неча йиллардан буён бу ерда мол боқилмасди. Шу сабабдан беркитиб ташланганди.

Уйда ўзидан бошқа ҳеч ким йўқлиги учун югуриб ён қўшниси Тоҳиржонникига чиқди. Хайрият, эр-хотин уйда экан. Уччовлари бир бўлиб, молхонанинг девори йиқилган жойидан ичкарига киришди. Тўпланган гўнгнинг устида бир парча матога ўралган чақалоқ биғиллаб, йиғлаб ётарди. Ақидахон дарров қўлига болани олди. Аччиғидан қарғанди.

- Қайси уйгинанг куйгур, ўзи дунёга келтирган фарзандини ташлаб кетганкин?

- Эй онаси, ҳали бир кун қилган ишига шундай пушаймон бўладики, асти қўяверинг, - дея хотинини юпатди Тоҳиржон.

Ақидахон гўдакни йўргагидан очар экан, «Вой қаранглар-а, ўғил, ўғил экан», - деди ҳовлиқиб.

- Йўғе, мен уч-тўртта қиз туғиб, маломатга қолган аёл эридан яшириб ташлаб кетган бўлса керак, деб ўйлабман, - деди, боядан буён бир чеккада ҳайрон бўлиб турган Ўктамали.

- Қачон туғилгани номаълум, тезроқ касалхонага олиб борайлик, ишқилиб болага бирор зарар етмаган бўлсин-да, - деди Тоҳиржон. Ҳаммалари хушёр тортишиб шифохонага шошилишди. Бу ҳақда тегишли идораларга хабар ҳам етказилди. Қидирув ишлари ҳам бошланди.



Ўша кунлари шу қишлоқда яшовчи Асрор-жонларнинг оиласида бесарамжонлик ҳукм сурарди. Гарчи у хотини Холиниссо билан севишиб турмуш қурган бўлса-да, кейинги пайтларда тез-тез жанжаллашиб қоларди. Ик-каласи ҳам мактабда ўқитувчи, маҳаллада ҳам, ишхонада ҳам хурматлари яхши эди. Гоҳида Асроржоннинг улфатлари билан ўтириб ичиб келиши уйда жанжал чиқишига сабаб бўларди. Бунинг боиси бор эди. Улар қаторасига уч фарзандлик бўлишди. Аксига олгандек учаласи ҳам қиз эди. Асроржон бунга гўё ўзи айбдор-дек, дўстлари даврасида қимтиниб ўтирар, улар ўғиллари ҳақида гапиришганида ичидан зил кетар, улфатчиликда ўртоқларининг кайфи ошиб «Қачон ўғиллик бўласан», деб сўрашларидан хижолат тортиб, асаби бузиларди. Шунда бу дунёга сизмай кетар, аламини ичкиликдан олиб, уйга келгач, хотинига захрини сочарди.

Қишлоқдаги эски молхонадан чақалоқ топилганлиги ҳақидаги хабарни Холиниссо ҳам эшитганди.

Ой-куни яқин бўлгани учун бир оз хавотирга тушди. «Бу сафаргиси ишқилиб ўғил туғилсин», дея Яратгандан тинмай сўрарди. «Мен ўғил фарзандга зорман, қайсидир кўрнамак туғиб ташлаб кетса», - дея пичирлади кўзига ёш келиб. Холиниссонини кўзи ёрадиган дамлар яқинлашгани сари тушкунликка тушарди, ич-ичи қоронғу эди.

Орадан йигирма кун ўтгач, Холиниссо туғруқхонада ёнидаги аёлдан фарзанди яна қизлигини билди-ю, ҳушидан кетди. Ўзига келганда тепасида жилмайиб турган доя хотинни кўрди.

- Нима бўлди, қизим, битта эмас, иккита фарзандли бўлдингиз, кейингиси ўғил, - деди. Буни эшитган Холиниссо ҳангу манг бўлиб қолди. Наҳот шу гап рост бўлса? Оҳ, бу дамни қанчалик орзиқиб кутганди. Бир зумда эрини хурсанд қилгиси келарди. Бунинг учун эса у ҳамма нарсага тайёр эди.

Аввал йўргакланган қизини олиб киришди. У қўлларига олиб бағрига босди, юм-юм йиғлади.

«Сенинг дунёга келишингни истамаган онангни кечир, қизалоғим, мендан хафа бўлма. Сени ҳеч кимдан кам қилмасдан ўстираман. Ҳатто отанг биздан воз кечган тақдирда ҳам сени дейман болам», - деди-ю гўдакнинг бир парча юзига юзини босди.

Ҳамшира қизни олиб кетди. Бир оздан сўнг қайтиб келиб иккинчи болани қўлига тутқазди. Авайлаб бағрига оларкан, унга тикилди. Гўдакнинг пешонаси кенг, юзи лўппи, лаблари хиёл кулгандек, бинойидек бола эди.

Чақалоқ худди эри Асроржонга қуйиб қўйгандек ўхшарди. Айниқса қош кўзлари... Холиниссо порасидага бир оз тикилиб тургач, чўчиб тушди. Оналик ҳиссиётида ички қарама-қаршилик бир-бири билан олишарди. Эрим «Хотиним ўғил туғмади, қани бегона аёл билан бирга бўлайчи, зора ўғиллик бўлсам деган ният билан, менга хиёнат қилдимикин?».

«Нималар деяпман ўзимдан ўзим. Унда унинг онаси ким бўлдикин? Фарзанди дунёга келганда фалокат юз бердимикан?» деган саволлар уни қийнади.

Қўшни маҳаллалик Маратбек Эргашевлар оиласи қўни-қўшнилари назарида тинч-тотув яшаётгандек туюлса-да, аслида ундай эмасди. Савриниссо Маратбекка турмушга чиққанида эндигина 18 ёшга тўлган қиз эди. Тўрт-беш йил ичида улар уч нафар фарзандли бўлишди. Шунда ҳам эр-хотиннинг мурасиси яхши бўлиб кетмади. Арзимаган оиладаги жанжаллар туфайли Савриниссо тез-тез уйларига кетиб қолар эди.

Дам олиш куни синфдош дўсти Маратбекни қидириб келди.

- Мен излаб келмасам, сен сира йўқламайсан ҳам, - деди ўртоғидан ўпкаланиб.

- Хафа бўлганингча бор, қурилишда иш кўпайиб қолди. Ўз оёғинг билан келиб қолибсан. Бир отамлашамиз, -деб дўстини ичкарига таклиф қилган эди, у кўнмади.

- Яхшиси сен кийиниб чиқа қол, устозимиз Пўлат акани тунов куни гузарда машина туртиб юборибди. Касалхонада эканлар, бирров хабар олайлик, деб келгандим, -деди Тоживой.

- Йўғ-е, ўзлари тузук эканларми, ишқилиб?

- Худога шукур, аҳволлари унчалик ёмон эмас.

Маратбек шошилиб уйга кирди-ю, янги кўйлагини кийиб, ўзини тош ойнага солаётган хотинига кўзи тушди.

- Тинчликми, яна кўчангиз борми? - деди.

- Ҳа, Ҳакима холам гап бераётган экан. Шунга бораман, - деди хотини бепарво.

- Синфдошлар, оилавий, маҳалла, аммалар гапида қатнашяпсиз, энди холангизники ҳам борми? Тўхтатинг. Ундан кўра болаларга қаранг. Тезроқ кийимларимни беринг, кўчада синфдошим қараб турибди, - деди Маратбек жаҳл билан.

- Ана жоймонда, бемалол олиб кийинг, - деди хотин ҳам аччиқ қилиб. Аксига олиб кўйлаги дазмол қилинмаган экан. Бир зумда Маратбекнинг фиғони фалакка чиқди:

- Наҳот, куни билан уйда ўтириб, битта кўйлагимга дазмол босмасанг, хайф сенга. Онасининг сўзлари ёдига тушган хотинининг «Сизни шунча қилсам ҳам, ёқангиз оқармайди», дейиши ёнмай турган оловга сув пуркагандай бўлди.

Маратбек қўлидаги кўйлагини ҳовлига ир-фитди-да кўчага отилди. Дўстининг аҳволини кўрган Тоживой бирор сўз демади. Маратбек уйдаги можарони ҳамроҳига билдирмаслик учун ич-ичидан келаётган жаҳлни босишга ҳаракат қилар эди. Ахир, яна нима қилиб берсин хотинига? У қурилишда уста бўлиб ишлар, бўш қолди дегунча қўни-қўшнилари-нинг уйини ё таъмирлар, ё қуриб берар эди. Яхшигина топарман-тутарман эди. Ҳамкасблари уни ҳам Россияга ишлашга бир неча марта даъват этишди. Лекин Маратбек, «ҳаракат қилган одамга, шу ерда ҳам иш бор», деб боришга рози бўлмади. Худога шукур, оиласини тебра-

тиб турибди. Қўшнилардан сира ҳам кам жойи йўқ. Ўзи ҳунарманд эмасми, уйини ҳам бинойидек тиклаб олди. Хотинининг ҳеч нарсадан камчилиги йўқ. Савриниссонинг эса унга бўлган бугунгидек эътиборсизлигини сира кечиролмасди.

Маратбек жаҳл билан чиқиб кетгач, Савриниссо унинг орқасидан вайсаганича қоларкан, «битта кўйлаги дазмол қилинмаганига, шунчалик бақириш керакми, ҳали қараб турсин, - деди, - онамникига кетаман, менинг ҳам қадримни билсин».

Устозини кўриб, уйга қайтган Маратбек ҳовлида ўйнаб юрган болаларини кўриб, бироз ҳоври босилди. Хотини уйда кўринмасди. Қўни-қўшниларникига чиққан бўлса керак, деб эътибор бермади. Майли, Савриниссога ҳам қийин, бу ёқда рўзғор ташвишлари, ҳали болалари ёш... Ҳаммасининг уддасидан чиқишнинг ўзи бўладими? Кечгача уйга қайтмаган Савриниссо ни аразлаб онасиникига кетганини билган Маратбек «ҳовридан тушиб қолса, келиб қолар» деб уни йўқлаб орқасидан бормади. Бироқ Савриниссо эртасига ҳам, индинига ҳам уйга қайтмади.

Якшанба куни эди. Маратбек бозорга отланди. Аксига олгандек, машина йўқ, йўловчилар бекатда кўп эди. Қаердандир пайдо бўлган қайнонаси Ёдгора на салом, на алик бор, куёви Маратбекни ҳақорат қилишга тушди.

- Келиб-келиб сен ҳезалакка қиз бераманми, - деди қўлини пахса қилиб. Бекатда турган

йўловчилар ҳайрон бўлишиб, бир-бирларига қарашарди. Қайнонасининг чакаги сира тинадиганга ўхшамасди. Хайрият, қўшниси Акрамали ёнида эди.

- Қўйинг қўшни, ўзингизни босинг. Хотин киши оғзига келганини айтади. Сизни ҳам, қайнонагизни ҳам яхши биламиз, - деди.

- Ўша Солиной омборчини хотини-да, катта охурдан ем еганлардан. Ҳеч бўлмаса набираларини ўйласа бўлар эди.

У бир сўз демай, бекатда пайдо бўлган йўловчи машинага ўтирди-ю, жўнаб кетди. Унинг кулоқлари остида «ҳезалак» деган сўз қайта-қайта жаранглар эди.

Қайнонаси нима истайди, ўзи? Нега уни бунчалик ёмон кўради? Бирор марта қизига қўл кўтармаган бўлса. Маратбекни аввалдан қайнонаси хушламасди. Ўзига қўйса қизи Савриниссонни унга бермас эди. Қайнотаси раҳматли Каримжон устанинг қистови билан Маратбекка қизини берганди. Уста Маратбекнинг устози эди. Ёдида, энди аскарликдан қайтган Маратбек бекорчи эди. Каримжон уста уларникига уй қургани келган эди. Маратбекнинг отаси билан қалин дўст эдилар. Уларга қарашиб юрган Маратбек устага ёқиб колди. «Дўстим, ўғлингни менга шогирдликка бер, ундан зўр уста чиқади» - деб қўймади. Дадаси ҳам рози бўлди. Сўнг уста тўнғич невараси Савриниссонни бош-қош бўлиб, Маратбекка узатди. Лекин келини «бизни тенгимиз эмас», деб ҳозиргача менсимайди.

«Сен ҳезалаксан, ҳезалак»... Йигит учун энг оғир бўлган бу ҳақоратли сўз уни тинмай таъқиб этарди. Ўйлаб-ўйлаб бир режа тузди, қайнонасидан бошлаб қасд олмоқчи бўлди. Лекин уни қандай оқибатларга олиб келишини ўйлаб ҳам кўрмади.

Бир неча кун онасиникида ўтирган Савриниссо ўз уйини, фарзандларини соғина бошлади, бораи деса ғурури қўймайди. Маратбек худди унга «Нега кетдинг-у, нимага келдинг», деяётгандек туюлар эди. Бу ҳақда онасига сўз очди. «Нима қиласан, ўша гадойваччаникида, мана, еганинг олдинда, емаганинг орқанда, ўша суюкли эрингнинг ўзи ҳам келиб қолар».

Кеча қўшнилари Насибахон қатиқ сўраб чиққан эди. Қараса чап кўзининг ости кўкариб кетибди. Унга «Нима бўлди?» деган маънода савол назари билан қараган эди, келинчак ўз ичидагини ёрди. «Эй опа, эрим жуда яхшилар-у, шу ичиб олсалар урадилар. Бировга айтманг, жон опа, гулдай фарзандларимиз бор, у кишига ҳам инсоф кириб қолар», деди кўз ёшларини тиёлмай. У кетди-ю, Савриниссонинг тинчи йўқолди. Беҳол ток тагидаги сўрига ўтирди. Ўйлаб қараса, бирор марта Маратбек унга қўл кўтармабди, майли, оилада майда-чуйда жанжаллар бўлиб туради. Нега мен бу ҳақда эрта-роқ ўйламадим?. Нега мен у кишини ўз вақтида қадрига етмадим?. Онам келсалар барини айтаман.

- Энди болаларимнинг олдига қайтаман, мен-сиз уларнинг ҳоли нима кечдийкин? - деди тўйдан қайтган онасига.

- Бирор марта сени йўқлаб келмаган, ўша назари паст эрингни қўйнига бормоқчимисан. Ялиниб келиб кечирим сўрайди, шунда ҳам мен ижозат берсам борасан, - деди жаҳл билан қизига. Савриниссо нима дейишини билмасдан айвон устунига суянганича қолаверди.

Қишлоқда Савриниссоларнинг дала ҳовлиси бор, улар баҳорда кўчиб келишиб кеч кузда қайтишади. Буни Маратбек жуда яхши биларди. Қишлоқда Савриниссо билан ўғли Валижон қолганди. Август ойининг охирги кунларининг бирида Маратбек кеч-қоронғу тушган кезде Савриниссоларникига ташриф буюрди. Улар алламаҳалгача гаплашиб ўтиришди. Шу кеча Маратбек хотини билан қолди. Азонга яқин уйдан чиқиб кетди. Савриниссо эрига худони зорини қилди:

- Мени уйга олиб кетинг, - деди.

- Шошилма, сал онанг жаҳлидан тушсин, кейин гаплашамиз, -деб юпатди эри. Бундай воқеалар уч-тўрт марта такрорланди. «Ота-онам дала ҳовлидан кўчиб келишса, мен ҳам ўз уйимга қайтаман» деб кўнглига тугиб қўйди Савриниссо. Охирги кун Маратбек келганида хотини унга ҳомиладор эканлигини айтди. Шундан сўнг негадир эрининг қадами узилди.

Кунларнинг бирида Маратбек опаси Ҳалимага кўнгил ёзди. Мақсади қайнонасидан қасд олиш эканлигини опасига уқтирди.

- Бу ишни менга қўйиб бер ука, қўшни қишлоқда яшовчи узоқ қариндошимиз Набижон қассобнинг қизи Хосият эридан ажралиб келиб ўтирганига бир йилдан ошди. Унга уй-

лантириб қўяман, сенга йўқ демайди, - деди  
опаси - фақат аҳдингдан қайтмасанг бўлди.

- Гапим-гап, опа, ким «ҳезалак» эканлигини  
кўрсатиб қўймоқчиман. Орадан ҳафта ўтмас-  
дан ими-жимиди Маратбек ва Хосиятларнинг  
никоҳ тўйлари ҳам бўлиб ўтди. Ҳозирча Ма-  
ратбек уларникига келиб турадиган бўлди. Хо-  
сиятга Савриниссо билан ажрашгандан сўнг  
сени уйга олиб кетаман, деди.

Орадан тўққиз ой вақт ўтди. Қиш ўтиб баҳор  
кунлари бошланди. Яна қишлоқдагилар дала  
ҳовлига кўчиб кетишди. Бироқ Маратбек ўз  
ваъдасида турмади. Савриниссонинг қорнида-  
ги бола кундан-кунга катталашиб, ой куни  
яқинлашиб қолди. У кимга нима дейишини  
билмас, ўз ёғига ўзи қовурилди. Ҳатто она-  
сига ҳам билдиришдан қўрқарди.

Бир томонда Хосият ҳам иккиқат эди. Унинг  
кўнгли нотинч. Эртага нима бўларкин? Ишқи-  
либ Маратбек ваъдасида туриб уни уйига олиб  
кетармикан, ёки бир умр шу аҳволда ҳаёт  
кечирармикан? Ўйлаб-ўйига етаолмасди. Ўзи  
биринчи эри Турдиали билан бинойидек яша-  
ётганди. Қаердан ҳам шу Россия деганлари  
чиқди. Қўшнилари Ҳамдам уста ўша томонга  
бориб, икки йил ишлаб бир оз пул қилиб  
қайтди. Турдиали тушмагур мен ҳам бораман  
деб йўлга тушди. Шу кетганича тўрт йил деган-  
да, онаизори унинг йўлларига кўз тикиб, олам-  
дан ўтганда қайтди. Бироқ қишлоқда кўп ту-  
ролмади. Чунки Турдиали жуда ўзгарганди,  
ичкиликка ружу қўйганди, бор пулини шунга

сарфларди. Маст бўлса «Надя, жди меня» деб телефонда гапиргани-гапирган эди. Эри кетаётган кун Хосиятга «Тўрт томонинг қибла, энди қайтиб келмайман» деб уйдан чиқиб кетди. Эри билан ажрашганига бир йилдан ошганда онасининг қистови билан Маратбекка турмушга чиқди. Балки отаси тирик бўлганида бундай яширинча никоҳга рози бўлмаган бўлармиди. Кундан-кунга қорнидаги бола катта бўлиб, унинг ҳомиладорлиги билиниб қолди. Энди у кўча-кўйга чиқишга, кимларнидир назари тушишидан чўчиб турарди. Хосият нимадандир эрининг норизо эканлигин сезарди. Лекин нималигини у билмас эди.



Милиция капитани Неъмат Каримович воқеа содир бўлган жойга етиб келди. Мана ўша эски молхона биноси. Қоровулхонага киришдаги катта толнинг ярми қуриб шохлари синиб ерга эгилган. Бир пайтлар толнинг тагида супача бўларди. Унинг атрофи доимо супурилган, сув сепилган шинамгина эди. Ёнгинасидаги ариқчадан шилдираб сув оқиб турарди. Унинг қирокларига экилган райҳоннинг ҳиди гуп этиб димоққа уриларди. Толнинг сояси йўловчилар ва ишловчилар билан доимо гавжум бўларди. Қани ўша супача, қани ўша одамлар?.

Неъмат Каримович бориб толнинг тагидаги тўнгатка ўтирди. Чўнтагидан сигарета олиб тутатди. Бошидаги кепкасини олиб, оқ оралай бошлаган сочларини силаб чуқур хаёлга ботди.

- Ким чақалоқни ташлаб кетиши мумкин?

Қишлоқдаги аёллар, мактаб, коллеждаги талаба қизлар ҳам шифокорлар назоратидан ўтказилди. Ҳеч қандай натижа йўқ. Бошқа жойдан келиб ташлаб кетиши даргумон. Чунки кечаси бегона аёлни эски молхонага кириши мантиққа тўғри келмайди, жуда қўрқинчли. Бинога кириб юрган аёл гўдакни ташлаб кетган бўлса керак. Унда ким?

Бир пайтлар молхонада роса иш қайнарди. Унинг ёшлик йиллари шу ерда ўтган. Онаси фермада сут соғувчи бўлиб ишларди. Неъматжон ҳам онасига эргашиб тез-тез шу ерга келиб турарди. Неъматжон сут соғувчилардан тортиб ҳамма ишчиларни яхши танирди. Айниқса молхона қоровули Мустафо амаки билан Маша хола унга жуда меҳрибон эдилар. Мустафо амаки уни эркалаб «қарамалайим» деб чақирарди. Аввалига Неъматжон бу сўзнинг маъносига бормасдан хафа ҳам бўлиб юрди, кейин эса ўрганиб кетди. Неъматжон институтни битириш арафасида шаҳардан қишлоққа келганди. Эртаси куни уларни йўқлаб молхонага борди. Мустафо амакининг ёнида укаси Икром, Маша хола, Шодивой ака ва унинг меҳмони Исроилхўжа, Восток тоға ҳамда Шукуржон муаллим бор эдилар.

Мустафо амаки касал бўлиб тўшақда ётиб қолган экан. Маша хола уни оқ ювиб оқ таради. Аслида улар турмуш қуришмаган, ёлғизлик туфайли бир-бирларига суяниб қолишган эди. Ҳар иккаласи ҳам лаънати урушнинг сарсон-

саргардонлик азобини чекканлардан. Мустафо амаки урушнинг номини эслашни ёмон кўради. Чунки севган қизи Зулайҳо билан эрта-индин тўйлари бўлиши керак эди. Бироқ эртаси кун она юрти Байдар қишлоғидан оқ гвардиячилар билан жанг қилиш учун жўнаб кетди. Тақдирни қарангки, Мустафо амаки Қримга қайтиб келмасдан иккинчи урушга кирди. Сталинград остонасидаги жангларда офир ярадор бўлиб, уч марта жарроҳлик тифига рўпара бўлди. 1945 йил соғайиб қишлоғига қайтиб келса уларнинг уйида бошқа одамлар яшарди. Онасини, ака-укаларини қидириб, сўраб-суриштириб Ўзбекистонга келди. Охири уларни Чуқур қишлоғидан топди. Севган ёри Зулайҳо эса ҳеч қаерда йўқ эди. Кейин уни бир умр кутиб яшади.

Уруш Мустафо амакини ватанидан, севимли ёридан жудо этганди. Шунинг учун ўша кунларни хотирлаш унга жуда офир эди. Неъматжон уни йўқлаб борган куни Маша хола остонада йиғлаб ўтирарди. Тўшақда ётган Мустафо амакини ранглари бир аҳволда, зўрға гапирарди.

- Сендан илтимос, мени йўқлаб келишса, шу ерда яшаб, шу ерда қолганимни айтарсан, - деди тугилиб. Бошқа гапира олмади. Унинг ич-ичидан келаётган йиғиси юзага чиқди. Неъматжон унинг қўлини маҳкам сиқди. Бир офиз илиқ сўз айтгиси келар, бўғзига нимадир тикилгандек гапира олмасди. Мустафо амаки охири нафасигача кимнидир келишини кутди. Балки севган ёри Зулайҳонинг йўлларига интизор бўлгандир.

- Ёш бола эдим, - деб ҳикоясини бошлади Икром ака, - кўчада тенгқурларим билан ўйнаб юрардик. Бирдан тўс-тўполон бошланди. Йўлда учраган одамни аскарлар машинага мажбуран чиқариб, темир йўл вокзалига жўната бошлади. Уйга югурдим, келсам онам оқ тугунча ушлаб, мени кутиб остонада ўтирибдилар.

- Келдингми, болам, - деб бағриларига босдилар. - Тезда уй-жойимизни ташлаб кетишимиз керак экан.

- Нимага энди онажон? Ўзи қишлоғимизда фақат қариялар ва болалардан бошқа ҳеч ким йўқ-ку, - дедим.

- Гапирма, - дедилар кўзларида ёш билан. Сўнг, онам уйимизга қараб эгилганларича таъзим қилиб орқага тисарилиб ҳовлидан чиқдилар. Бизни поездга жойлаштиришди. У пишқирганича олдинга интилди. Учинчи кун деганда бир бекатда тўхтади. Ҳамма ўзини ерга ташлади. Чунки вагон ичида ўтириб бўлмасди, аллақандай қўланса ҳид анқирди. Тап-тақир ер, ҳар-ҳар жойда буталар кўзга ташланар, чўлинг на боши на охири кўринарди. Кимдир «Қозоғистоннинг чўли» деди. Ўшанда қаёққа олиб кетишаётганини билдик. Очлик ҳаммаимизни тинка-мадоримизни қуритганди. Кўп ҳамроҳларимизни шу ерда дафн этдик. Мен вагонга чиққанимда кўзларимни онамнинг қўлларидаги оқ тугунчадан узолмасдим. Хаёлимда унда ейдиган бирон нарса бордек. Онам мендан қизғонаётгандек туюларди. Ўтирганларида ҳам қўлларидан қўймас, ухлаётганларида эса бағ-

риларига босиб ётар эдилар. Кўзлари уйқуга илинганда билдирмай тугунчани олиб очдим. Қарасам не кўз билан кўрайки, ҳар куни уйда ўқиб ўтирадиган «Қуръони Карим» китоби эди.

- Мендек нодон болангизни кечиринг она, - деб уларнинг оёқлари остига бошимни қўйиб йиғлайвердим-йиғлайвердим. Онам бошимни силаб юпатдилар. Ухлаб қолибман. Мени уйғотишди. Поезд станцияда тўхтаб турарди. Бизни шу ерда туширишди. Ҳаммамизни қишлоқдаги хонадонларга бўлиб юборишди. Айни уруш йиллари бўлганлиги учун бу ердагиларнинг ҳам аҳволлари яхши эмасди. Бироқ ўзбеклар нима топишса, ўша нарсаларни дастурхонларига қўйиб биз билан баҳам кўришди. Минг раҳмат уларга, бир умр бу яхшиликларини унутмай-миз.

Ёш бўлсам ҳам қараб турмадим. Баҳор бошланиши билан темирчига шогирд бўлиб ишладим. Ўша йили урушдан ярадор бўлиб Мустафо амаким қайтди. Ёшлигимда кўрган амаким билан сочларига оқ тушганида дийдорлашдик. Кўп азоб-уқубатларни бошидан кечирганини шундай юз-кўзидан билса бўларди. Соғайиб кетгунча биз билан яшади. Мустафо амакидан бирорта ёдгорлик қолмади. Йигитлигида уйланиб фарзанди бўлишлик насиб этмади. Бечора навқирон ёшларини урушда ўтказди. Сўнгра уруш оқибатлари яшаш учун унга имкон бермади. Онамни ҳам шу ердаги қабристонга дафн этдик. Уруш одамлар қалбида офир асоратлар

қолдирди. Буни ҳеч нарса билан ювиб, кетказиб бўлмайди, - дейди Икром ака суҳбатига якун ясаб.

- Урушнинг охирги йиллари эди, - деб ҳикоясини бошлади Иброҳим ота. Фронтга бораман деб ҳарбий комиссариатга ариза бергандим. Бироқ, жўнатишмади, ёшим етмас эмиш. Узоқ Шарқда японларга қарши жангда иштирок этдим. Уруш бу сафар узоқ чўзилмади. Душман тор-мор қилинди. Ғалабадан сўнг уруш вайрон қилган шаҳарларни тиклашда қатнашдим. Ўша ерда Валя исмли аёл билан танишдим. У фронтда ҳамшира бўлиб хизмат қилганди. Оғир жанглarning бирида душман снаряди ёнгинасида портлайди. Унга осколка тегиб ярадор бўлади. Даволаниб чиққач, менга турмушга чиқди. Битта фарзандли бўлдик. Қизим Фая икки ёшга тўлганда, онаси урушда олган жароҳати туфайли вафот этди. Шундан сўнг туғилган қишлоғимга қайтадиган бўлдим. Лекин қизим Фаяни қариндош-уруғлари менга беришмади. Қишлоққа қайтиб келган пайтларим хотин вафот этган, қизим ёнимда йўқлигидан аламзада бўлиб бир оз ичиб олсам Узоқ Шарқ ҳақида тўлқинланиб русчалаб сўзлаб берардим. Ўшанга бўлса керак, ҳамқишлоқларим мени «Восток тоға» дейдиган бўлишди. Уйланиб фарзандлик бўлдим. Қизим Фая улғайиб мен ҳақимда сўраб-суриштирибди. Охири хат орқали мени топди. Ўтган йили куёвим, қизим иккита набирам билан келиб уйимизда бир ой меҳмон бўлиб кетишди. Яқинда уларга боғимдаги ўрик, ёнғоқ, бодомлардан совға қилиб жўнатдим, - дейди хурсанд бўлиб Восток тоға.

- 1937 йилда аравакашлик қилиб, поезд станциясига юк таширдим, - деб суҳбатдошининг гапини давом эттирди Шодивой ака. - Бир куни станцияга келсам тумонат одам йиғилган, ўртада бир мўйсафид киши маъруза қиляпти. Қулоқ солсам «Тожикистонда оқар сувлар, бўз ерлар кўп. Сизларга ўхшаган уста пахтакор деҳқонлар керак. Ер эгасини кутмоқда. Ажаб эмаски, ўша ерлар ҳам сизларнинг меҳнатларингиз билан гўзал Фарғона водийсидек жаннатмакон юртга айланса» деб сўзини тугатди. Шундан сўнг одамлар Тожикистонга бориш истагида рўйхатга ёзила бошлади. Мен ҳам оилам билан ўша ёққа отландим. Қишлоқдан йигирма, ўттиз хўжалик, водийдан бир эшолон бўлиб Тожикистон қайдасан деб йўлга тушдик. Уч кун деганда поезддан тушиб Вахш водийсига отараваларда етиб бордик. Бу ердаги қишлоқлар бир-биридан ўн-ўнбеш чақирим узоқда бўлиб, камсонли аҳоли чорва билан шуғулланар экан. Бизни данғиллама уйлар, карнай-сурнайлар билан кутиб олишгани йўқ. Аскарларнинг казармасига ўхшаш ёғоч тахталардан қурилган бостирмалар, ёзда ўтирадиган чайлаларга жойлашдик. Феврал ойининг охири, март ойининг бошлари эди. Ҳали ердан қор кетмаган, Афғон шамолининг изғирини суяк-суягингдан ўтиб кетарди. Ҳамма жойни қизил қиёқ, қамиш, шувоқ, юлғунлар босган, яшаш учун шароит оғир эди. Айрим одамларимиз орқаларига қайтиб ҳам кетишди. Лекин бизда ор-номус кучли экан, ўша шароитга кўникиб ишладик. Ер очдик, буғдой, пахта, қовун, тарвуз хуллас рўзф-

орбоп ҳамма нарсани экдик. Насибага яраша ҳосил кўтардик. Ёзи билан ўзимизга турар жойлар қурдик. Боғ яратдик. Хуллас, мана шундай қийинчиликларни енгиб ватан қурдик.

Йиллар ўтди. Яйдоқ даштлар, қамишзорлар ўрнида обод қишлоқлар, кўркам шаҳарлар қад кўтарди. Турли миллат вакиллари бир оила каби яшадик, қуда-қудағай бўлиб кетдик. Келинимнинг иккитаси тожик миллатидан, динимиз, урф-одатларимиз бир.

Тожикистонда бўлган нохушликлар туфайли, одамларнинг тинчи йўқолди. Фаламислар ўзбеклар билан тожиклар ўртасига нифоқ солиш учун уриниб, уларни бир-бирларига душман қилиб қўймоқчи бўлди. Бироқ муродларига етолмадилар. Шаҳар, қишлоқлар вайрон бўлди. Эгасиз ҳовлилар ҳувуллаб ётибди, ҳамма хавотирда яшади. Энди ҳаёт аста-секин изга тушмаяпти. Ҳаммаларингга раҳмат, оғир дамларда бизни иссиқ бағриларингга олганларинг учун. Эртага қайтамиз, хайрият бахтимизга сизлар бор экан. Қаторда норинг бўлса юкинг ерда қолмайди, деганлари рост экан. Президентингизга минг раҳмат. Бизга кўрсатган меҳр-муруватларини ҳеч қачон унутмаймиз, - деб Шодивой аканинг киприклари намланди.

- Оиламизнинг бошига тушган ташвишлар ҳақида мен сизларга сўзлаб бермоқчиман, - деб Шодивой аканинг меҳмони Исроилхўжа гап бошлади:

- Ҳеч ёдимдан чиқмайди. 1967 йилнинг декабрь ойида аввал қор, сўнгида тинмасдан уч-

тўрт кун ёмғир ёққанди. Янги уйимизни том шувоқ қилган бўлсак-да, ёмғир ҳар жойидан тинмай ўтиб турарди. Тандирнинг кулидан ёмғир сизаётган жойига босардик. Ҳаво жуда совуқ эди. Далада пахта қолмаган бўлса ҳам ўқувчи болалар ётоқдан қайтишмаганди. Колхоз раҳбарлари ҳар бир хонадонга хом кўсакни чувиб бериш учун тарқатиб берганди.

Ўша куни уйда биз ҳам оиламиз билан кўсак чувиб ўтирардик, отамдан қандай қилиб Тожикистонга келиб қолганимиз ҳақида сўраб қолдим. У киши бироз ўйланиб чуқур хаёлга ботиб сўнг шундай деган эдилар:

- Бобомиз Турсунхўжа кўпчиликка яхшилик қилган, шу билан бирга каттагина боғ ва ернинг ҳам эгаси бўлганлар. Бобомиз саводли киши бўлиб, қишлоқда тўй-маърака у кишисиз ўтмас экан. Октябр тўнтаришидан кейинги йилларда одамлар орасида янада хавотирли кунлар бошланади. Ўттизинчи йилларга келиб бобомизга ўхшаган мол-мулки бор, саводли оилаларни узоқ юртларга бадарға қилиш бошланади. Ана шундай таҳликали кунларнинг бирида, ярим тунда бобомизнинг катта дарвозалари тақиллайди. Уни отамиз бориб очадилар. Ўша пайтларда бобомизнинг амалдор бўлиб ишлайдиган яқин дўстларининг ўғли шошилиб, ҳовлиққанича ҳовлига киради.

- Ташқарига эҳтиёт бўлиб қаранг-чи тўрам, ҳеч ким орқамдан таъқиб этиб келмаяптими?, - дейди. Улар бироз хавотирлик билан туриб қолишади, вазият ойдинлашгач, уйга кириша-

ди. Шунда бобомизни: «амаки, тонг ёришмасдан қишлоқни тарк этинглар. Иложи бўлса узоқроқ бошқа шаҳарга жўнанглар, бўлмаса Украинага ёки Сибирга сургун бўласизлар. Рўйхатда сизлар ҳам бор, - деб огоҳлантиради. Сўнгра хайрлашиб оҳисталик билан уйдан чиқиб кетади.

Қаерга кўчилади? Биров қидириб борса топа олмайдиган жой бормикин? Ўйлаб ўтиришга вақт ҳам йўқ эди. Ҳозирча Термиз шаҳрига, ундан сўнг вазиятга қараб узоқроқ жойга кетишга отланишади. Қоронғу тунда оиламиз энгил-елпи кийимларини олиб йўлга тушади. Айтишларича, отам ва онам янги турмуш қуришган экан. Туни билан йўл босишиб темирйўл вокзалига келиб юк ташийдиган поездда Термизга жўнашади. Бу ерда ҳам аҳвол яхши эмасди. Водийдан кўчиб келган одамлар изғиб юришарди. Кўп ўтмай шаҳарда ҳам сўраб суриштириш ишлари бошланади. Бир гуруҳ водийликлар билан бизнинг оиламиз ҳам Тожикистонга жўнашади.

Дастлаб Колхозободга, сўнгра эса Шаҳритуз туманига бориб ер очишади. Ота-онамиз кўп қийинчиликлар кўришган бўлсалар ҳам, доимо уларга бир умид далда бўлар экан. Улар қандай қилиб бўлса ҳам она юртларига қайтиш орзусида яшашади. Ватан соғинчи, кўнгилларни ўртайди.

Ота-онамиз юртга кўчиб кетишга тайёргарлик кўришар экан, биз фарзандларини ҳам мусофирчиликда, қийинчиликда яшашимизни хоҳлашмасди.

- Ўқиб ҳунарли бўдиларинг, биз қила олмаган ишларни юртимизда сизлар амалга оширасизлар. Унинг гуллаб-яшнашига, албатта, ўз ҳиссаларингизни қўшасизлар, - деб уқтиришарди. Азалий орзулари рўёбга чиқиб, 1967 йилнинг март ойида Чустга кўчиб келдик. Саккиз фарзанд эдик. Ҳаммамиз ўқиб турли касб эгалари бўлдик. Озми-кўпми мустақил юртимизга хизмат қилаётганимиздан мамнунмиз. Шодивой тоға билан мусофирчиликда қўшни бўлиб яшаганмиз. Бугун у кишини юртига қайтаётганларини эшитиб хайрлашгани келгандим.

Мен ҳам Тожикистонда туғилганман. У ерда дўстларим, биродарларим, қариндош-уруғларим кўп. Нима бўлди сизларга? У ерда ҳалол, покиза, инсофли, диёнатли, олийжаноб инсонлар кўп эдику? Халқда шундай нақл бор: «Ёмонликни орқага ташла, яхшиликни олдинга суравер». Инсондан фақат яхшилик қолади. Ахир, неча асрлардан буён тожик ва ўзбек халқлари дўст-биродар, қариндош-уруғ, қуда-анда бўлиб яшаб келишган. Бундай анъанани ҳеч ким, ҳеч қачон бузишга ҳаққи йўқ. Мавлоно Чустийни шеърларидан бир шингил ўқинг эди. Шунда сўзларимга сиз ҳам амин бўласиз.

*Марҳабо дўсту биродар, меҳрибон ёру азиз,  
Қалбу жисми қош билан кўздек яқин, жоңдек лазиз,  
Бир кишидек жилвагар кўзгу аро ҳам иккимиз,  
Бир киши юрганга ўшар иккимиз қолдирган из.  
Шунчалик монанд эрурмиз, менга ростин айтингиз,  
Ажратиб бўлмас сира, тожикмисиз, ўзбекмисиз?*

- Омон-эсон бормисиз тожик, ўзбек биродарларим! Дўстларим, оға-иниларим, - деб ўз ҳикоясини яқунлади Исроилхўжа.

- Мактабни тамомлаб, маданият институтига ўқишга кирдим, - деб суҳбатга қўшилди йигирма тўртинчи ўрта мактаб ўқитувчиси, афғон урушининг қатнашчиси Шукуржон Эгамбердиев. - Шу ердан ҳарбий хизматга чақирилдим. Ашхобод артиллерия полкида курсант бўлиб сал кам олти ой ўқиб, ҳарбий мутахассисликни эгалладим. Курсантлар ичидан фақат етти киши сержант унвонини олдик. Ўзбеклардан фақат мен эдим. 1986 йил апрел ойида Ашхободдан Қобулга учдик. Учяпмизу бирга кетаётган ўртоқларимга разм соламан: Наҳотки, шу орамиздагилардан кимлардир уйига соғ қайтмайди. Афғонистон чегарасига киришимиз билан самолётимизни қўриқчи самолёт ва вертолётлар қуршовида ҳарбий аэродромга қўндиришди. Салкам икки соат ичида умуман бошқа дунёга, бошқа оламга кириб қолгандай бўлдик. Атрофимизда ҳақиқий қуролланган аскарлар, аэродром четидаги ёнган машина ва самолётларни кўриб бизни бироз қўрқув босди. Бунақасини киноларда кўрган эдик. Бу ерда ўн кун тайёргарликни ўтаганимиздан сўнг дастлаб Жалолобод шаҳрига, ундан Астробод шаҳридаги қўшинларга бориб қўшилдик. Сержант бўлганлигим учун миномёт командири этиб тайинландим. Хизматни асосан шу ерда ва атрофдаги Шахбози, Лохарсар, Маравартоғларидаги чегара постларида ўтказдим. Орада ҳарбий юриш, засада ва

разведкаларда иштирок этдим. Хизмат қилиш бу бурчимиз эди, шунинг учун хизматимиз эвазига ҳеч кимдан на унвон, на бошқа нарса кутардик. Биз уруш ичидаги оддий аскар, яъни содда қилиб айтганда уруш кўрмаган оталарнинг уруш кўрган содда болалари эдик. Шундай бўлса-да хизматим ташаккурнома, фахрий ёрлиқлар, медаллар билан тақдирланди. Лекин мен учун энг олий ҳурмат шу эдики, бир қўлда автомат, бирида гитара ушлаб дўстларимнинг кўнглига малҳам бўлишга ҳаракат қилардим. Шу сабаб мендан ўзбек, туркман, озар, қирғиз, қозоқ, грузин, арман, рус, умуман турли миллат вакиллари қўшиқ кутишар эди. Улар ҳатто «Бевафо ёрим», «Баригал» қўшиқлари сўзини тўла тушунмасалар ҳам айтиб юришар эди. Лекин бу ер ўйнаб-куладиган жой эмасди. Илгари ўзимизда кўрган қўлсиз, оёқсиз уруш ногиронлари худди мана шундай урушлар маҳсули эди. Бу жаҳаннам ичида қанча-қанча дўст топдим. Қанчасини йўқотдим.

Ўн тўққиз, йигирма ёшлик шерюрак йигитлар уруш оловида ёниб кул бўлди. Уларига «Очилмасин!» деган ёзувли темир сандиқда қайтганлар қанча.

*Атрофимиз балаңд тоғлар мисоли қопқон,  
Мард йигитлар кўкси бунда душманга қалқон.  
Баъзи дўстлар Она-юртнинг кўрмай чиройин,  
Кўз юмдилар дунёдан, дилларда армон.*

Лйшиқса, хизмат охиридаги бир воқеа ҳеч ёдимдан кетмайди. Бизнинг ўттиз кишилиқ

кичик отрядимиз Покистон, Афғонистон чега-расидаги Маравар тоғида қўриқчилик қиларди. Хизмат муддатимиз тугаган, узоғи билан икки-уч кундан кейин уйга қайтамиз. Ҳаммамиз ширин хаёллар оғушидамиз. Кимдир уйга қандай кириб боришини, кимдир хизматдан кейин қандай яшашини, яна кимдир яқинлари билан қандай учрашиш ҳақида чуқур ўйга толишган. Лекин атиги бир неча кундан кейин биз нима бўлишини билмас эдик. Тақдир чарх-палагининг тескари айланишини кутмаган эдик. Ўн биринчи ноябр куни одатдагидек кеч соат етти-ю нол-нолда бўлинма командиримиз катта лейтенат Михайлов батальон билан рация орқали алоқага чиқди. Ўқ-дори, озиқ-овқатлар ва камчиликлар ҳақида гаплашди. Юқоридагилар мени ва андижонлик Баҳромжонни эртага биринчи вертолёт билан тоғдан пастга батальонга ва у ердан уйга кетишимизни айтишди. Олдинига шундай хурсанд бўлдимки, ўзимни қўярга жой топа олмадим. Ахир, бу кунларни оз-мунча кутганмидим. Кейин кетмайман дедим, чунки хизматга бир кунда чақирилган наманганлик ўртоғим Икромжонни ташлаб кетгим келмади. Ўрнимга сурхондарёлик Абдумалик кетсин дедим, кўнишмади. Ўша кеча алламаҳалгача гаплашиб ётдик. Дўстим Чинникул яхши кўрган қизи ҳақида шундай тўлқинланиб гапирардики, мен уни ҳатто Нигора билан ёнма-ён кўриб турардим. Лекин билмас эдим, у энди ёри билан тирик учрашолмаслигини. Нега кундан буён тайёрлаётган ҳарбий

формаси эгасиз қолишини. Билмас эдим, бир чеккада суҳбатимизга қулоқ солиб Аҳрорнинг ярасига малҳам қуяётган Сулаймонни қайтиб дўстлари ярасига малҳам бўлмаслигини. Билмас эдим, тошнинг устига ўтириб олиб атрофни дурбин билан кузатаётган ўн тўққиз ёшли Қаҳрамонни бу шафқатсиз урушда кўзи очиқ кетишини...

Ўн иккинчи ноябр соат олти-ю нол-нолда батальонга биринчи вертолёт билан тушдик. Ҳамма воқеа ўша куни бошланди. Эрталаб Асадобод шаҳри ва батальон осойишта уйқуда эди. Тонгга яқин биринчи тушган снаряддан ҳамма оёққа турди. Душман бош кўтаришга имкон бермасди. Командиримиз капитан Титов Равшан иккимизни казармада қўриқчиликда қолдириб, қолган аскар ва зобитларни хавфсиз ертўлага жойлаштирди. Бу орада танкларимиз ҳам тилга кирди. Бирдан кетма-кет иккита снаряд казарма ёнида портлади. Чанг-тўзон ичида Равшан томон югурдим. Соқчи турадиган «грибок» қийшайган, нарироқда каттакон шкаф илма-тешик, Равшан эса қоққан қозиқдай жойида тик турарди. Менимча, ҳали нима бўлганини англаб етмай саросимада эди. Уни ичкарига олиб кириб «Ҳеч қаеринг оғримаяптими?», деб сўрадим. Хайрият, ҳеч нарса қилмабди. Лекин шу пайт ташқаридан кимнингдир ёрдам сўраб инграганини эшитиб ташқарига отилдим. Қарасам бир аскар тупроққа беланиб ётибди. Зудлик билан биринчи ёрдам кўрсатдим. Лекин унинг кўп жойига осколька теккан

экан. Судраб санчагта элтдим, менга Равшан ҳам ёрдамга етиб келди. Кейинги воқеалар кўз очиб юмгунча юз берди. Душман шундай аниқ нишонга олар эдики, снарядлар биз турган жойга тушарди. Икки нафар зобит ярадор бўлди, бири ҳалок бўлди.

Ҳа, бу душманнинг еттинчи ноябрга мўлжаллаган режаси бўлиб, уни ўн учинчи ноябр куни амалга оширган эди. Тинимсиз ўққа тутиш беш кун давом этди. Ўн тўртинчи ноябр куни кечагина мен тушиб келган Маравар чегара постини ўққа тутишибди. У ерда учта жангчи ҳалок бўлиб, етти киши ярадор бўлган экан. Шошиб қолдим, ким улар, ким бўлиши мумкин?, Вертолётда ярадор ва ўлганларни тоғдан олиб тушишди. Санчагта югурдим. Кирсам у ерда одам тўла, командиримиз катта зобит Михайлов бошини чангаллаб ўтирибди. У мени кўрди-ю «Сержант Эгамбердиев сенмисан, бахтинг бор экан, вақтида улгурдинг», - деб йиғлаб юборди. Бирма-бир менга дўстларим Чинниқул, Бахтиёр, Сулаймонни қандай фожиали ҳалок бўлганини алам билан айтиб берди. Икром, Абдумалик ярадор бўлибди, командирнинг ўзи ҳам контузия ҳолатида эди.

1987 йил биринчи декабрь куни Қобулдан Тошкентга юкчи самолётда икки юз эликдан ортиқ аскар ва зобитлар хизматни ўтаб қайтдик. Биздан бир неча кун илгари учган самолётни икки юз нафар одами билан уриб тушуришган экан. Биз ҳам учяпмизу, кўнгилда ҳадик, кўрқув, ҳеч ким чурқ этмайди. Ҳамма бошида-

ги мудҳиш хаёлларни қувиш билан банд. Тоғдан ошиб ўтаётганимизда мана ҳозир, мана, деб ичимиздан айтиб турибмиз, бир-биримизни қўлимизни маҳкам ушлаб олганмиз. Шу пайт бирдан... бирдан тарақлаб учувчилар хонасининг эшиги очилиб, ундан учувчи чиқди-да «она-юртимиз» - деб бақриб юборди.

Ҳа, биз Она-ватан қучоғига кирган эдик. Энди бизнинг ҳолимизни бир тасаввур қилиб кўринг-а. Кимнидир кўзида ёш, бири кулиб, бири йиғлаб бир-бирининг қучоғига отилишган. Соғ-омон жаҳаннамдан чиққани билан бир-бирларини табриклашаётган. Ҳамма ўз тилида ва дилида шукроналар айтишар эди.

*Мусофир ўлкалардан қайтиб биз келдик,  
Онажонлар бағрингизга шамолдек елдик.  
Афғон элин бир бурчида қолганда танҳо,  
Она-юрт-у ёру-дўст қадрини билдик.*

Ҳозир ҳам баъзида кўзимни чирт юмаман-у хаёлан Афғон сўқмоқлари, тоғу-тошларини кезаман. Бошимдан ўтказган воқеаларни бир-бир кўз ўнгимдан ўтказаман. Ҳақиқий қаҳрамонлар руҳи эса, ҳамон Афғон тупроғида дарбадар. Урушни кўрганлар дилида урушга нисбатан нафрат ва ғазаб. Ўғлини йўқотган қанча қанча ота-оналар тилида қарғиш ҳисси ҳукмрон. Урушнинг номи ўчсин. Осмонимиз ҳаммаша мусаффо, тиниқ ва шунга ярашган тинчлигимиз барқарор бўлсин деб, ҳикоясини яқунлаган эди Шукуржон.



Бармоғини сигарета чўғи куйдиргандагина толнинг соясида ўтирган капитан хаёл оғушидан ўзига келди. Сўнг молхонанинг ичкарасига кирди. Бинонинг эшиги, деразалари кўчириб олиб кетилган, уларнинг ўрнини ўргамчик тўрлари эгаллаган. Айрим хоналарнинг фиштлири ҳам кўчириб олинган эди. Катта бинонинг ўртасига бир уюм гўнг тўплаб қўйилган. Кимдир уни олиб кетишга чоғланган, кейин қолиб кетганга ўхшайди. Худди шу гўнг устига чақалоқ ташлаб кетилган эди. Молхонанинг чап томонидаги деворнинг бир қисми йиқилганди. Шу ердан қўшни ҳовлига чиқса бўларди.

Хўш, у кимнинг уйи бўлди? Ҳа, адашмасам, Соливой омборчиниқи. Унинг бўйга етган қизи борми? Йўқ, иккита ўғли уйланиб, янги ҳовлиларга кўчиб кетишган, қизи турмушга чиққан. Унда бу ишни ким қилиши мумкин?



Савриниссо эрини иш жойига қидириб борди, лекин топа олмади. Ўғлини отасини ёнига юборди. «Бир келиб кетсин, маслаҳатлик иш бор», деб. Бироқ Маратбекдан дарак бўлмади. Бир неча кун нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлаб бирор қарорга келолмади. Ё дала ҳовлидаги онасига хабар берсинми?.. Йўқ, бўлмайди. Агар онаси билса ҳозироқ уйдан ҳайдаб юбориши аниқ. Унда нима қилсин. Шўрлик Саври-

ниссо бирор чора топиш илинжида гоҳ уйига, гоҳ кўчага чиқар эди. Ўша кеча Савриниссо учун жуда-жуда офир кечди. Кечқурун бошланган тўлғоқ ярим тунгача давом этди. Ичкарида бу ғалвалардан беҳабар ўғли ухларди. Уни уйғотиб юбормаслик учун йўлакдаги меҳмонхонага кирди, тишини-тишига босиб келаётган офриқни енгишга ҳаракат қилди. Зўрға тўшакка бориб ётди. Ундан сўнг эса нима бўлганини сезмади. Лекин бола овозини эшитди-ю ҳушидан кетди. Шу аҳволда қанча ётганини билмади. Бир пайт ўзига келди. Бола ҳам ёнида пишиллаб ухлаб ётарди. Ўзи яшириб қўйган кўрпалар қатидан оқ матони олиб, болани ўради. Уни кўтариб ташқарига чиқди. Атроф сув сепилгандек, жим-житлик ҳукм сурарди. Яримта ой тунги зулматни шамчирокдек хира ёритиб турарди. Савриниссо бир қўли билан деворни ушлаб унга суяниб, эски молхона томон юрди. Бузилган эски бинонинг ичкарисини ойнинг шуъласи ёритиб турарди.

- Кечир болам, мен бадбахт онангни кечир. Бундай қилмоқчи эмасдим, аммо бошқа чорам йўқ, - деди кўзларида ёш билан Савриниссо. Бир уюм гўнг устига гўдакни қўйди. Қайтиб орқасига қарамади, зўрға уйига етиб келди. Кейин, кейин эса ўрнидан тура олмади. У кўп қон йўқотган эди, ранги бир аҳволда мадорсиз эди.



Капитан Неъмат Каримович дарҳол бош ши-  
фокор билан маслаҳатлашиш лозим, деган  
фикрга келди.

- Акушер-гинеколог рўйхатида турган, ҳомиладор аёллар ҳам қайта текширувдан ўтказилди. Бироқ ҳеч қандай натижа йўқ, - деди бош шифокор Абборжон Аҳмедов.

- Ўша молхона ёнида яшовчи аҳолини бошқатдан кўриб чиқинглар, - деди капитан.

- Албатта, шундай қиламиз. - Дарҳол ўша ҳудудга боғланган ходимларни бош врач ҳузурига чорлади. Керакли маслаҳатларни берди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан «тез ёрдам» машинасида Соливой омборчининг қизи касалхонага зудлик билан олиб келинди. Беморнинг аҳволи жуда оғир, кўп қон йўқотганлиги маълум бўлди. Бўлиб ўтган воқеа ойдинлашди. Савриниссо қилган гуноҳини бўйнига олди. Тергов-суриштирув ишлари бошланди, бўлиб ўтган ҳодисага аниқлиқ киритилди. Дастлаб Савриниссонини «Қайсидир бегона эркакдан болалик бўлган бўлса керак», деб ўйлашганди. Бироқ бундай бўлиб чиқмади. Эри Маратбек ҳамма айбларига иқрор бўлди.

- Қайнонамни бир оғиз «ҳезалак» деган сўзи учун шу ишга қўл урдим. Қани айтсин-чи, ким ҳезалак экан. Энди мени янги оилам бор, Савриниссонини талоқ қўйдим, - деди Маратбек. Шунча йил бирга яшаб келган уч фарзанди бор аёлининг ор-номусини, шаънини ер билан битта қилди. Бу сўзларни эшитган Савриниссо ҳушидан кетди. Уч кунлик мол-дунёсига ишонган она бир оғиз сўзи билан ўз қизини бахтиқаро қилди.



Капитан Неъмат Каримович бир оз тин олди. Уч кундан буён қилинган ҳаракат ўз самарасини берди. Бугун дам олиб эртага бошқарма бошлиғига учраб, нафақага чиқсам ҳам бўлаверади, деган хаёлга борди. Ўшанда ҳар куни Сирдарё бўйига балиқ овлагани боради. Энди хотини Санамжон ҳам хурсанд бўладиган бўлади. Охирги пайтларда сал юраги безовта бўлиб турибди, аёли ҳам шундан ташвишда.

Қўлидаги рациясидан тезда туман ички ишлар бўлимига етиб келиш ҳақидаги хабардан Неъмат Каримович ўзига келди. Тинчликмикин ишқилиб, деди хавотир олиб. Нега шахсан бошлиқнинг ўзи сўраяпти экан? У зудлик билан бошлиқнинг хонасига етиб борди.

- Ўртоқ капитан, сизни ҳудудингизда яна бир жиноят содир этилган. Бу ҳақда ҳозиргина хабар олдик, - деди милиция полковниги Турсун Бобоев. - Дарё қирғоғидан одам жасади топилган. Қидирув бўлимидагилар аллақачон ишга киришган. У жойни ҳаммадан сиз яхши биласиз. Ўзингиз бош бўлинг.

- Хўп бўлади, ўртоқ полковник, кетишга рухсат этинг.

Капитан Неъмат Каримович жиноят содир этилган жойга етиб борганда, ҳамкасблари аллақачон жасадни тез ёрдам машинасига юклаб бўлишган экан.

- Ўртоқ капитан, ўзингиз ўликни кўринг-чи, балки уни танирсиз? - деди ҳамкасбларидан

бири. У машинадаги жасад эгасини таниди. Шу қишлоқда яшовчи Туробжон исмли йигит эди. У янги қора костюм-шимда, оқ кўйлақда, ҳатто пайпоғи ҳам оқ эди. Негадир оёғида туфлиси йўқ эди.

- Лейтенант Қодиров, пойафзали кўринмайди, уни ечиб олдиларингми?

- Йўқ, атрофни ҳам қарадик, бироқ оёқ кийими топилмади.

- Сизнингча у машинада ўлдирилганми?

- Уни аввал ўлдириб сўнг бу ерга ташлаб кетишганга ўхшайди.

- Унда нега дарё қирғоғига ташлаб кетишган?

- Шошилишган бўлса керак. Акс ҳолда уни оқизиб юборишган бўларди.

- Тўғри айтасиз, ўртоқ капитан. Ё бирор киши келиб қолдимикин?

- Билмадим, жасадни тезда суд-экспертизага жўнатишлар.

Неъмат Каримовичнинг ўзи қишлоққа йўл олди. Туробжон ёмон йигитга ўхшамасди. Унинг отаси Қобулжон ака бир неча йил мактабда ўқитувчи, директор бўлган. Онаси болалар боғ-часида тарбиячи бўлиб ишлаган. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам бугунги кунда нафақада. Туробжон шаҳардаги 12-автобазада таъминотчи бўлиб ишларди. Бу ишни ким қилган бўлиши мумкин?

Ана шундай хаёллар билан бўлиб, у Туробжонникига етиб келганини ҳам билмасдан қолди. Туробжоннинг хотини Ойша бемалол қозон бошида куймаланарди. Нима бўлганини у бечо-

ра қаердан ҳам билсин, деб кўнглидан ўтказди капитан.

- Ҳо, келин, - деб овоз берди эшиқдан мўра-лаб.

- Ҳозир, мана, ҳозир кетаяпман, - деди Ойша.

- Э келинг, акамулло, қани ичкарига, опам тузукларми, - деди бошидаги рўмолини тузатиб.

- Туробжонни қидириб келгандим, - деди капитан босиқлик билан ҳеч нарсадан беҳабар-дек.

- Кечқурун сигирни соғиб сутни қозонга энди қуйиб турсам, у киши шошилиб келдилар-у «Валижон акамниқига бораман, бугун тўй базми, эрталаб ош» дедилар. Мен уйдан янги костюм-шимларини, оқ кўйлақларини олиб бердим. Дарров кийиниб чиқдилар. Сўнг «янги туфлимни ҳам олиб бер» дедилар. Жоймондан ҳали кийилмаган туфлиларини олиб чиқдим. Кийиб чиқиб кетдилар, кечқурун қайтмадилар. Эрталаб ошни ўтказиб ишга кетган бўлсалар керак, - деди гапини тугатиб.

Унга бирдан бўлиб ўтган ҳодисани айтишни лозим топмади.

- Бобой қайдалар, муаллим?

- Сартарошга кетдилар, соч-соқолларини олдириб келаман деб.

- Ҳа, айтмоқчи, эрингизни бирор киши қидириб келмадими кечқурун?

- Келди, у киши кетгандан сўнг, сутни пишириб энди косаларга қуяётган эдим кимдир чақирди. Эшикка борсам бегона одам, буларни сўради. Мен қаёққа кетганларини айтдим.

- Унинг афти-башараси қанақа эди?
- Новча бўйли, кўзлари қисик-қисик, мўйло-ви ҳам бор эди.
- Енгил машинада келдими?
- Машинасини кўрмадим, эшикни беркитганимда машинанинг овозини эшитдим.
- Эрингизнинг туфлисини ранги қанақа эди?
- деди сабри чидамай капитан.
- Саламандра, ранги тўқ сариқ эди, акамулло.
- Майли, келин, мен шошиб турибман.
- Айтингчи, акамулло, ўзлари соғми ишқилиб, - деди хавотирланган Ойша.
- Эрингизнинг бироз тоби қочган, ҳозир касалхонада.

Шу пайт маҳалла йиғини раиси Шукуржон ака билан котибаси Ҳанифа опа ҳовлига кириб келишди. Чунки капитан Неъмат Каримович бу ерга келишдан олдин маҳалла йиғинига кириб раисни воқеадан воқиф қилган эди.

Меҳмонларни кўриб Ойшахон дарров уйдан сўрига кўрпача сола бошлади. Шунда капитан уларга қараб «ётиғи билан тушунтиринглар, мени қиладиган ишим бор» деди. Неъмат Каримович Қобулжон муаллим билан учрашиш мақсадида сартарошхонага йўл олди. У ерда Қосимжон устанинг ўзи ёлғиз ўтирарди.

- Эй, Неъматжон ука, келинг, - деди ўрнидан туриб, бошқатдан оқ халатини кийишга тушди.

- Раҳмат ака, мен Қобулжон муаллимни қидириб келгандим.

- Ҳозиргина у кишини бўлган воқеадан хабардор қилишиб, касалхонага олиб кетишди.

Бечорага қариганда қийин бўлибди. Қаранг-га, кеча-кечқурун энди дўконни беркитиб турсам Туробжон билан Алижон иккаласи салом бериб ўтиб кетишди. Ҳа йигитлар десам, тўйга кетяпмиз дейишди.

- Алижон, қайси Алижон? - деди капитан.

- Автобазада ишлайдиган йигит, - деди сартарош. Неъмат Каримович туман марказидаги 12-автобазага йўл олди. Қоровулхонада ёнбошлаб олиб, чой ичаётган киши дарҳол ўрнидан туриб унга пешвоз чиқди.

- Келинг, ўртоқ начальник.

- Менга Алижон керак эди, - деди капитан.

- Эҳе қайси Алижон? Али пачақми, Али дамкратми, Али маторми, Али карбараторми, Али муаллимми, Али заправками, Али самасвалми, хуллас қайсиниси керак? Бизда лақаби билан айтилмаса ҳеч ким уларни танимайди.

- Чуқур қишлоқлик, - деди капитан ҳам ўйланиб.

- Бўлди, Али чёрнийни айтяпсиз, ҳозиргина ишга келди. Чақириб бераман.

«Али чёрний» деганлари чўяндек қоп-қора, барзанги йигит экан.

- Хўш хизмат, ўртоқ капитан, - деди сўйлоқ тишларини кўрсатиб.

- Диспетчер хонасига кирайлик, - деди капитан, йигитга синчков назар ташлаб. Олдинмакейин хонага киришди. Хонанинг ўртасида катта стол, атрофида эскириб, шалоғи чиқиб кетган иккита стул турар эди.

- Кеча-кечқурун Туробжон билан базмга бирга борганмидингиз?

- Ҳа.
- Кейин-чи, кейин нима бўлди?
- Тўй охирлай деганда уни кимдир чақириб кетди. Шундан сўнг уни кўрмадим. Тинчликми ўзи, ўртоқ капитан?
- Тинчлик эмас-да ука, уни ўлдириб кетишибди.
- Йўғ-е.
- Уни душманлари борлигини билармидингиз?
- Нималар деяпсиз, у яхши йигит эди.
- Унда ким тўйдан чақириб кетганини эслангчи?

Али чёрний бошини қашиб «бўлди, анаву Ҳасан қассобни ўғли Одил», - деди.

- Уни қаердан топсам бўлади?
- Гўшт бозоридан, иккинчи дўкон ўшаники.
- Алижон ука, сиз Толибжон билан яқинмидингиз?
- Ҳа, у киши билан ҳамма ҳам яхши эди.
- Унда бу ишни ким қилиши мумкин? Охири кунларда кимлар билан кўп гаплашарди?

Тўхтанг, ўртоқ капитан, ҳозир эсладим. Турман марказидаги меҳмонхонада турадиган иккита йигитни биламан. Бир марта мен уларни ҳатто машинада олиб бориб қўйгандим. Улар Туробжонга сотиш учун машинанинг эҳтиёт қисмларини олиб келиб туришарди.

- Яхши айтдингиз, раҳмат ука, гап орамизда қолсин. - Неъмат Каримович Алижон билан хайрлашгандан сўнг Одил қассобни қидириб гўшт дўконига борди. Молни бир сонини болта

билан майдалаётган қассоб, ким келгани билан ҳам иши йўқ. Ўзи билан ўзи овора эди. Капитан бир оз кутиб сўнг эшикни қоқди.

- Э, келинг, Неъматжон ака, - деди у, ёғлиқ кўллари сочиққа артиб, - хўш хизмат?

- Кечаси сиз ҳам Туробжон ва Алижонлар билан тўйда экансиз.

- Тўғри, қўни-қўшничилик, - деди ташвишланиб.

- Мен бу тўғрида эмас, Туробжонни ким кидириб келганлигини билмоқчиман.

- Анови новча бир бегона одам.

- Уни аввал ҳам кўрганмидингиз?

- Ҳа, икки кун бурун Тожикистонлик меҳмон йигит билан гўшт олгани келганди.

- Уларни қаердан топсам бўлади?

- Меҳмонхонада туришади. Нима бўлди, жуда сўраб қолдингиз? Сир бўлмаса менга ҳам айтинг?

- Туробжонни ўлдириб кетишибди, тўй кечаси.

- Оббо, раҳматлик яхши йигит эди. Бировга ёмонлиги йўқ эди бечорани.

Неъмат Каримович меҳмонларни сўраб суриштириб, уларнинг хоналарини аниқлади. Хонада бир йигит стулда ўтирганича телевизордан футбол томоша қилар эди. У шундай берилиб кетгандики, ҳатто капитанинг келганини пайқамади ҳам. Қачонки у йўталганида орқасига ўгирилиб қаради.

- Эй, келинг меҳмон - деди ўрнидан туриб. Капитан бориб унинг рўпарасидаги стулга ўтирди.

- Шеригингизни қидириб келгандим.  
- Қайси шеригимни, - деди у хайрон бўлиб.  
- Бору новча, кўзлари қисиқ-қисиқ, ингичка мўйлови ҳам бор, - деди капитан.

- Ҳа, асли унинг исми Раҳмон, лекин уни «Рома» деб чақиришар экан. Мен ҳам уни шу ерда танидим. У олтинчи хонада турарди.

- Туробжонни ҳам танирмидингиз? Автобазада таъминотчи бўлиб ишлайдиган.

- Ҳа, шу йигит билан биринчи куни қидириб боргандик. Уларнинг ўртасида олди-бердиси бор экан. Бир учини менга ҳам чиқаргандек бўлувди. Эҳтиёт қисмларининг пулини Туробжон бермаган экан.

- Қанақасига?

- Улар машинага акумулятор, шина, моторнинг эҳтиёт қисмларини, ҳуллас шунақанги нарсаларни олиб келиб, Туробжонга сотишга беришган. У олдингиларини пуллаб берган. Лекин улар Туробжонни «доля»сини ана-мана деб беришмаган. Кейинги олиб келинган нарсаларнинг пулини Туробжон ҳам бермаган.

- Хўш, унда бу йигит ким, алоқачими?

- Йўқ, у бу ишларни «разбор» қилгани келганман деганди.

- У ҳозир қаерда, - деди унинг гапини бўлиб капитан.

- Азонда жўнаб кетди.

- Қаерга?

- Чегарадан ўтадиган қишлоқнинг четида Шерали деган таниши бор экан. Кечаси ўтказиб юборар экан.

- Қишлоқнинг номини айтмадими?  
- Айтди, Жорқўрғонми, Жарқўтонми деди ҳар қалай.

- Романинг оёғида қанақа туфли бор эди?

- Шунга эътибор бермабман.

У хонадан чиқар экан, ўйланиб қолди. Жарқўтон қишлоғи дедими, бу ном капитан учун жуда таниш эди. «Майли, бу ҳақда кейинроқ гаплашамиз». Неъмат Каримович туман ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция полковниги Турсун Бобоев ҳузурига кириб вазиятни тусунтирди.

- Яхши, қотилнинг изига тушибсизлар, тезроқ ҳаракат қилмасак у чегарадан яширинча ўтиб кетади. Капитан, зудлик билан қидирувга йигитларни жалб қилинг, ишга киришинг. Нима ёрдам керак бўлса, дарҳол мен билан боғланинг. Фақат илтимос, ўзингизни эҳтиёт қилинг. Дўстимиз Соҳибжонни йўқотганимиз етарли, - деди капитаннинг қўлини маҳкам сиқиб.

- Хўб бўлади, ўртоқ полковник.

- Енгил машинада сержант Санжар Абдиев катта лейтенант Абдулла Икромов, лейтенант Ўткир Бозоров ва Неъмат Каримовичлар жиноятчи ортидан Жорқўтон томонга йўлга чиқишди. Полковник Турсун Бобоев бекорга Соҳибжонни тилга олмаганди. Ўша йиллари Ҳисор тоғ тизмаларига яқин қишлоқларда кўп жиноятлар содир этила бошланди. Тоғнинг паст-баландини биладиган жисмонан бақувват йигитларни ички ишлар бўлимига ишга жалб этиш ҳақида таклиф бўлганди. Ана шунда жис-

моний тарбия институтини битириб армияда хизмат қилиб қайтган зобит Соҳибжон Сатторов ишга келганди. Аввал туман марказида ҳудуд нозирига ёрдамчи бўлди, сўнг эса қидирув бўлимида фаолият юритди. Соҳибжон тоғда бўлган ўғрилиқни фош этишда фожиали ҳалок бўлди. Унинг тафсилотлари шундай бўлганди.

Тоққа яқин қишлоқларнинг бирида ҳафта ўтмасдан саккизта мол ўғирлаш содир бўлди. Қидирув бўлимида бу ишларга майор Сатторов бош этиб тайинланди. Улар дастлаб қишлоқни кўздан кечиришди. Сўнг тоққа чиқиб пастни кузатишди. Ҳў пастда катта сой, унинг қирғоқларидаги азим тераклар кўкка бўй чўзган, қийғос гуллаган олма, беҳилар кўзга ташланади. Кимдир ўчоғига ўт қалаган, шекилли, унинг тутуни осмони фалакка ўрламоқда. Қўшни хонадонларнинг биридаги ёни очик айвонда икки ҳўкиз тегирмон юргизаётган, отхонасида эса оппоқ от боғлиқ турарди.

Сержант Собиров билан қаерга пост қўйиш лозим бўлган жойларни қоғозга чизиб белгилаб олишди. Осмонда бир бургут айланиб учиб чўққи ортига ўтиб кетди. Тўсатдан «гув» этиб шамол турди, у қандай бошланган бўлса шундай тугади. Тоғ ҳавоси тез-тез ўзгариб туради. Унинг табиатини билиш жуда қийин, дам ўтмай ёмғир шоррос қуюб юбориши ҳам мумкин. Улар тоғдан пастга қараб тушишаётганда йўлда 12-13 ёшлардаги бола кўлидаги қалам билан қоғозга нималарнидир чизиб ўтирарди. Унинг

дўпписи остидан жингалак сочлари кўриниб турарди. Майор Сатторов билан сержант Собиров геологлар кийимида бўлишгани учун бола уларга эътибор ҳам қилмагандек ўз иши билан машғул эди. Сатторов «Бу бола тоғда бир ўзи нима қилиб юрибди? Балки рассомчилик тўғарагига қатнашармикин» деб ўйлади. Шу ондаёқ орқасига ўтирилиб болани излади. У алақачон жойида йўқ, чап томондаги сўқмоқдан кўлидаги халчаси билан шошилиб кетиб борарди. «Нега қишлоқдан бошқа томонга қараб юрди экан» деб кузатишни давом эттирди. Бола ҳам тез-тез орқасига қараганича кўздан ғойиб бўлди.

- Ўртоқ майор, нимага тикилиб қолдингиз - деди сержант Собиров орқасига ўтирилиб.

- Ўзим шундай, - деди йўлида давом этиб.

Эртаси кунни ҳовлидаги иккита ҳўккиз ва от кечаси ўғирлаб кетилгани ҳақида маълумот келди. Майор Сатторов зудлик билан йўлга чиқди. Кечқурун қўйилган постлардаги кузатувчилар билан учрашиб вазиятни аниқлади. Бу йигитлар маҳалла йиғини фаолларидан ташкил этилган эди. Уларга сержант Собиров бошчилик қиларди. Уларнинг айтишларича ҳеч ким кечаси бу йўлдан юрмаган. Ҳатто болани ҳам кўришмаган. Унда ўғирланган от ва ҳўккиз осмонга учиб кетдимикин, ёки тоққа чиқиб кетдими? Сержант Собировга икки йигит билан ён томондаги дарага боришни буюрди. Майорнинг ўзи эса посбон Тўхтасин билан чап томондаги чўққи томон борадиган бўлди. Ора-

орада рация билан алоқада боғланиб туришни тайинлади сержант Собировга.

- Хўп бўлади, ўртоқ майор. - деди сержант Собиров.

- Ҳар бир тош, ҳар бир қарич ерни синчиклаб кўринглар, - деди майор уларни кузатиб қўяр экан.

Ўзи Тўхтасин билан жуда яқин бўлиб кўри-наётган чўққи томон йўлга тушди. Эҳе, ҳали унга етгунча икки соатча вақт кетади. Майор Сатторов йўл бошлаб кетар экан, ҳар бир тош атрофини, тошлоқ ерларни синчиклаб текшириб кўрарди. Тобора улар юқорига чиқиб бо-ришарди. Тўхтасин Соҳибжондан анча ёш бў-лишига қарамасдан ҳансираб қолганини бил-дирмасликка, ўзини тетик кўрсатишга ҳаракат қиларди. Юрагининг уриши эса баралла эши-тилар, худди қулоғи остида гурс-гурс этаётган-дек туюларди. Сир бой бермасдан майор Сат-торовдан орқада қолмаслик учун жон-жаҳди билан олдинга интиларди. Буни сезгандек май-ор Сатторов унга қараб «хўв анави қоянинг остида бироз дам оламиз, чарчадингиз шекил-ли» деди ўтлоқ жойга ишора қилиб.

«Йўқ» деди посбон пешонасидаги реза-реза терини артиб. Ниҳоят, қоя остига келишганда тўхтаб нафас ростлашди. Уларнинг теппасида-ги катта тош ёнида бир туп арча кўм-кўк бўлиб яшнаб турарди. Ҳайрат билан ҳаяжонини бо-солмаган Соҳибжон: «Қаранг-га, у сувни қаер-дан олар экан» деб пурвиқор тоғларга маҳдиё бўлиб тикилди.

- Ўртоқ майор, анаву қаршимиздаги тоғдаги отнинг изини кўряпсизми? У қандай қилиб бу шаклга келганикин? Худди ҳайкалтарош томонидан ўйиб солингандек.

- Ҳа, - деди майор шошилмасдан. - Менинг ёшлик йилларим шу тоғларда ўсган. Ўртоқларим билан тез-тез келиб томоша қилиб турардик. Дастимиздан тоғ писталари ҳам қолмасди, уни териб эшакларга ортиб олиб кетардик. Сен айтган отнинг туёқ изи тушган жойга ҳам боргандик. Айтишларича, Ҳазрати Али (р.а.) душманлар билан бўлган қаттиқ жангда оғир ярадор бўлган эканлар. Ўшанда отлари у тоғдан бу тоғга сакраб дарё бўйига у зотни лат еган жойларини ювиш учун олиб келган экан. Иккинчи олдинги туёқ излари шундоқ дарё қирғоғида жойлашган. Гоҳида табиат мўъжизаси олдида лол қоласан киши. Анаву кўриниб турган отнинг туёқ излари тоғга ярим метрлар тошни ўйиб кирган. Бундан йигирма йиллар илгари ўша ерда ёввойи анорлар ғуж-ғуж бўлиб ўсарди. Ҳозир борми-йўқми билмайман, қандай қилиб анорни у ерга бориб қолганини тасаввур ҳам қилолмайман. Ўшанда айна куз ойлари эди. Анорлар тарс-тарс ёрилиб алвондек товланиб ётарди. Роса маза қилиб тўйиб еган эдик. У бир оз сувсизроқ, лекин шираси ўзимизнинг анордан қолишмасди. Бироқ анорзорда илонлар кўп экан. Унинг ичкарисига киришнинг иложи бўлмади. Улар жуда заҳарли, ёнига бормоқчи бўлсангиз вишиллаб сизни огоҳлантиради. Тоғда ҳар бир нарсани ўз эгаси бўлади, деб беъжиз айтишмас экан.

Улар яна йўлга тушишди. Энди тоғнинг ён томонига қараб юра бошлашди. Текширишни давом эттиришди. Айтарли жиддийроқ нарса кўзга ташланмади.

Улар баланд-баланд ўркакдек ястаниб ётган тошлар орасидаги торгина сўқмоқдан олдинга қараб юра бошлашди. Бироз юришгач катта тош йўлни тўсиб кўндаланг ҳолда ётарди. Ма йор Сатторов тошни айланиб ўтар экан, туф-лисига қандайдир ёпишқоқ нарса илашгандай бўлди. Синчиклаб қараса қон. Дарровда шеригини огоҳлантирди, аста-секин тошни паналаб олдинга интилишди. Олдинда эса атрофи тошлар билан ўралган кенгроқ жойда янги сўйилган молнинг қони сачраган катта харсанг тош ёр оғзини хиёл тўсиб турибди. Соҳибжон тўппончасини шайлаб ўша томонга мўралади. Шу пайт бошини қийиқча билан боғлаб олган, норғил одам шериги билан ниманидир мунозара қилиб келарди. Унинг ҳамроҳи кеча улар йўлда учратган расм чизиб ўтирган жингалак сочли бола эди.

- Сен чизган харита билан арши аълони ҳам топиб борса бўлади жиян, - деб боланинг елкасига уриб олдинма-кейин тош ёнидан ёрга кириб кетишди. Майор Сатторов шеригига «Сен бориб сержант Собировни топ. У марказдан қўшимча куч сўрасин. Тез етиб келишсин, уларни сен бошлаб келасан». Майор ўнг томондаги буталар орасидан секин ёр оғзидаги харсанг тош ёнига бориб, ёр ичини кузата бошлади. Ичкарида бир бош ҳўкиз кавш қайтариб ётарди. Нариди оппоқ от, оғзида ем халта.

Унинг ёнига иккита эшак ҳам боғлаб қўйилган. Форнинг ичи кенг, 10-15 бош мол бемалол қишласа бўлади. Фор ўртасидан қайнаб чиқаётган булоқ суви тошлар орасига сингиб кетаяпти. Ўртада ёнган катта машъала атрофни ёри-тиб турибди. Тўрда машъала ортида уч-тўрт кишининг қораси кўринарди. Майор Сатторов ҳаммасини тушунди: «Ўғрилар форни макон қилиб олишган. Улар чегарадан ҳеч нарса олиб ўтишмайди. Сўқмоқ йўллар орқали сўйилган молнинг гўштини эшакка юклаб олиб кетишади. «Шошма энди, сенларнинг кунинг битди» деб ўйлади майор. Шу пайт ичкаридан икки киши боғлаб қўйилган хўкиз ёнига келди. Биттасини қўлида катта пичоқ, иккинчиси хўккизни арқонига ечиш учун қўл узатди. Майор шошилишч фор ичига кирди.

- Ҳамманг қўлингни занжир қилиб бошинг орқасига ол, жойингдан қимирламанглар, хўккизни жойига боғла, - деди тўппончасини ўқталиб.

- Ўша заҳоти новча бўйли ўғри зарб билан машъалани тепиб юборди. Булоққа отилиб тушган ўт бир зумда ўчди. Форни қоронғу зулмат қоплади. Майор Сатторов бу вазиятни кутмаганди, бир зум ўзини йўқотиб қўйди. Орқасидан бошига урилган офир нарсадан ҳушидан кетди.

Ўғрилар шошилиб форни тарк этди. Бироқ улар узоққа қочиб кетиша олмади. Собиров бошлаб келган тезкор гуруҳ томонидан қўлга олинди. Майор Сатторов касалхонада бир ху-

шига келди-ю қайтиб ўнганмади. Майор жуда интизомли, дўстларга меҳрибон эди. Бевақт ҳаётдан кўз юмди. Бугун полковник Турсун Бобоев ана шундай мард инсоннинг исмини тилга олганди.

Машина олдинга интилар, унинг ёруғида қоп-қора асфальт ҳозиргина ёғиб ўтган ёмғир-дек ялт-ялт этиб товланарди.



Жарқўтан қишлоғи капитанга жуда таниш эди. Бундан икки йил аввал «Камаз» операци-яси худди шу қишлоқда содир этилган эди. Ўшанда у қидирув бўлимида ишларди. Ҳарбий қисмга қарашли «Камаз» машинаси юки билан йўқолгани ҳақида хабар келганди. «Камаз»да машина шиналари, акумулятор, янги мотор ва эҳтиёт қисмлари бўлиб, уларни топиш учун бир ҳафта давомида олиб борилган қидирув самара бермади. Машина Жарқўтон қишлоғи-га кирган, бироқ бу жойдан чиқиб кетмаганли-ги тўғрисида аниқ маълумот берилган. Ўшанда Неъмат Каримович бошлиқ қидирув бўлими-даги йигитлар деҳқонча кийинган ҳолда маши-на бортида туриб, қишлоқ хонадонларини ку-затган эди. Орадан бир ҳафта ўтди. Ички ишлар ходимлари томонидан қўшни туман бозорида машина балонини сотаётган икки йигит қўлга олинди. Улар Жарқўтон қишлоғидан эдилар.

- Тўғри, - деди Солижон исмли йигит. - Колхозимизда экспедитор бўлиб ишлайдиган

Тоживой аканинг уйида «Камаз»даги молларни туширганмиз. Уни айрим қисмларини колхоз омборига ташиганмиз. Қилган меҳнатимиз эвазига пуллари йўқ экан, балон беришган эди.

- Машинани топиб бўлмаяпти, қаерга яширилган бўлиши мумкин, - деди капитан.

- Тоживой аканинг уйдан ташқарига машина чиқмади. Акс ҳолда биз кўрардик, - деди иккинчи гувоҳ Арслон исмли йигит.

- Яхши, бу ҳақда бирор кишига оғиз очманглар. Бир-икки кун ёнимизда бўласиз. Йигитлар билан эртаси кун соат саккизда таъминотчининг уйига боришди. Хайрият, уй эгаси бор экан, унга текшириш учун берилган ҳужжатларни кўрсатишди.

- Мана, кўраверинглар, - деди дарвозани катга очиб Тоживой омборчи.

Капитан уйдаги ҳар бир нарсага эътиборини қаратди. Боққа ўтишдаги бостирма остида иккита ҳўкиз боғланган, ёнидаги хонада 10 та қўй боқилляпти, ёнида беда ғарами, бир томонда сомон босилган. Йўлкада эски «Камаз» чанг босиб ётарди. Унинг филдираклари ўрнига ғўлалар қўйилганди.

- Сизларга машина керакми, ана у, олиб кетинглар, сизларга бердим, - деди бошидаги кепкасини олиб бамайлихотир Тоживой. Шунда капитан қўйхона ёнига бориб синчиклаб ерга разм солди. Пичан ғарами атрофларидаги янги тупроқларга кўзи тушди. «Наҳот машинани ерга кўмишган бўлса» деган хаёлга борди. Фарамни айланиб кўрди-да, орқасига кескин бурилиб зобитга деди:

- Зобит Бозоров, зудлик билан ер қазийдиган трактор топиб келинг, - деди қатъийлик билан. Боқилаётган ҳўкиз ва қўйлар бир четга олинди. Қўйхонани тагини ковлаш бошланди. Иккинчи марта трактор ковушини ботирганда нимагадир тегиб жаранглаб кетди. Шунда боядан буён қўли белда турган Тоживой ўтириб қолди. «Камаз» тўла текис ковланиб олинди. Унинг кабинаси, мотори сомон ва пичанлар ичидан чиқди. Шунингдек, баъзи эҳтиёт қисмлар ҳам топилди. «Бузоқнинг югургани сомонхонага-ча» деб бежизга айтишмаган экан.

Ўғрилиқни Тоживой куёви Асад билан режалаштириб, амалга оширган экан. Ҳарбий ҳайдовчи, таъминотчи сержант билан ошхонага овқатлангани киришганида улар машинани олиб қочишади. Улар уч ойлар давомида машина қачон юкка боришини, қаерда қачон тўхтаб овқатланишигача кузатиб, пухта тайёргарлик кўришганди. Тоживой шерикликка бегонани эмас, ишончли деб куёвини танлайди. Чунки куёви бундай ишларни қойилмақом қилиб удалашини яхши биларди.

Ҳамон енгил машина Жарқўтон қишлоғи томон елиб борарди. Капитанга бу ерлар жуда таниш «Камаз» операцияси»да оёғи тегмаган жой қолмаган, ҳатто Шералининг қўрғонини ҳам яхши биларди. Шерали асли кўлоблик, бир пайтлар аскарликда Ўзбекистонда хизмат қилиб уйланади ва шу ерда қолиб кетади. Гиёҳванд модда билан шуғуллангани учун қамалиб ҳам чиқади. Бироқ ҳали ҳам ўша-ўша, товбасига таянмаган. Уйи чегарага яқин, у томондан

келган яширинча молларни олиб ўтишда ҳам-  
товоқларига кўмаклашиб туради.

Машинани қишлоққа етмасдан ҳайдовчига  
чўл томонга буриш ҳақида капитан буйруқ  
берди. Сўнгра шериги Абдуллога:

- Шерали билан сўзлашаётганда эҳтиёт бўл,  
иложи бўлса афғон лаҳжасида гапирасан, Ду-  
шанбедан келдим, Раҳмон машинага келсин  
илтимос, деб тайинла, - деди.

- Сен Ўткир машинани орқа ўриндиғида жим  
ўтириб тайёр турасан. У эшикни очиши билан  
машинани ичкарисига оласан ва қўлига кишан  
соламиз.

- Санжар, машинани ўчирмайсан. «Рома»  
машинага ўтириши билан марказга жўнаймиз.

Машина кўрғончага яқинлашиши билан ит-  
ларнинг аккиллаши кучайди. Манзилга 20 метр-  
лар чамаси қолганда тўхтади. Кимдир уйдан  
чиқиб машина томон кела бошлади.

Бу ўша Шерали эди. Абдулла чаққон машина-  
дан тушиб у томон юрди.

- Ассалому алайкум Шер ака. Сизмисиз?

- Ваалайкум ассалом, ҳа меҳмон хуш келиб-  
сиз, ярим тунда қайси шамоллар учирди.

- Нимасини айтасиз, дўстим Раҳмонни қиди-  
риб келдим. У томондан.

- Бай-бай роса чарчаган кўринасиз. Узоқ  
йўл, кириш, азиз меҳмонимиз бўлинг.

- Раҳмат Шер ака, илтимос, машинага келсин,  
дўстинг келибди денг сўнг, албатта, бирга кира-  
миз.

Шер шошилганича уйга кириб кетди. Энди

итларнинг аккиллаши тинган, фақат атрофдан чигирткаларнинг чириллаши эшитиларди. Чўл томондан отнинг кишнаши тинчликни бузарди. Шу пайт гандираклар новча бўйли одам машина томон кела бошлади. Бу ўша биз қидирган Рома эди. Машинанинг чироқлари ёруғида унинг оёғида тўқ сариқ тусли «Саламандра» туфли ялт этиб кўзга ташланди. Рома келиб эшикни очиши билан темирдек мустақкам қўллар уни ичкарига тортди. У ҳали ўзига келмасдан қўлига кишан солинди. Машина шитоб билан юриб кетди. У зўрға «кимсизлар ўзи» деди ғудурланиб.

- Нега Туробжонни ўлдирдинг, - деди капитан.

- Мен ўлдирмадим, ким айтди сизларга?

- Унда оёғингдаги туфли кимники?

- Эҳ, шуни олмай дедим, кўзимга чиройли кўринди, аттанг. Ахир, мен топшириқ бажардимку.

- Қолган гапларни ички ишлар бўлимида гаплашамиз, - деди капитан босиқлик билан.

Тонг ҳам ота бошлади. Енгил машина бир маромда манзилга интиларди.



Маратбек Хосиятни уйга олиб келди. Орадан ўн кунлар ўтмасдан уни ҳам кўзи ёриди, ўғил фарзандлик бўлди.

Савриниссо эса бахти қаролик келтирган боласига қайтиб назарини ҳам солмади. Бола

туфилгани билан на отаси, на онаси йўқдек ҳамон шифохонада ҳамшираларнинг қўлида катта бўлаётганди. Уни бахтига ўша кунлари Холиниссо ҳам тукқан эди. Илгарироқ кўзи ёриган оналарга болани тавсия этишганди. Бироқ бирортаси ҳам олишга ботинишмади. Гўдакни қўлига олган Холиниссо кўнглида унга нисбатан илиқлик пайдо бўлди. Айниқса, ёши улуғроқ ҳамширанинг сўзлари уни эзгуликка чорлади.

- Ота-онаси ким бўлишидан қатъий назар, бу норасида гўдакда не айб? Ёруғ дунёга келиб бу бечорани ҳеч кими бўлмаса. Бу қандай кўргулик, савоб учун шу болани эмиз, фарзанд қилиб ол. Балки бир кемтик жойингни тўлдирад, - деди иккиланиб турган Холниссонинг қўларидан тугиб.

- Майли, мен дадаси билан маслаҳатлашай.

- Турмуш ўртоғинг ёмон йигитга ўхшамайди, албатта, рози бўлади қизим, - деди ҳамшира.

Холиниссо кўргани келган Асроржон бу хабарни эшитиб бироз ўнғайсизланди. Сўнг ўйланиб.

- Майли онаси, инсонга савоб ҳам керак-ку, қийналмасанг бўлди, - деди меҳрибонлик билан.

- Мен ҳам қараб турмайман, қандай ёрдам керак бўлса ёнингдаман. Фақат битта шартим бор? Борди-ю ота-онаси қайтариб беринглар деса албатта берамиз.

- Майли, дадаси.

Бу сўзлар унга далда бўлди. Шу кундан бош-

лаб болани ўз фарзандидек маҳкам бағрига босди. Яхши ният билан унинг исмини Ҳасанбой, қизига эса Зухра деб исм қўйди. Ҳасанбойнинг онаси Савриниссо касалхонада оғир аҳволда ётганини Холиниссо биларди. Шунинг учун синглиси Марҳаматга бориб Савриниссо опани ҳолидан хабардор бўл, ўглини фарзанд қилиб олганимни, қачон хоҳласа қайтариб беришимни ҳам айт. Нима камчилиги бўлса ёрдам қилинлар, деб тайинлади.

Ҳақиқатдан ҳам Савриниссонинг аҳволи оғир эди. У кўп қон йўқотганлиги, устига-устак эрининг қилган ишларидан сўнг чап юзининг асаб томирлари тортишиб, кўзи хира тортиб қолди. Айтишларича, қон босими ҳам юқори экан. Холиниссо ва Асроржонларни ака-укалари ва сингиллари, қариндош-уруғлари, яқинлари хайрли ишдан четда туришмади. Савриниссодан ўз ёрдамларини аямадилар. Икки ой деганда у оёққа турди. Касалхонадан соғайиб чиқди. Холиниссо бунга эшитгач уйда ўтира олмади. Бориб Савриниссо опанинг аҳволидан хабар олиб кўнглига таскин бериш мақсадида турмуш ўртоғи Асроржон билан йўқлаб борди. Бироқ уларни Ёдгора хола совуққина кутиб олди. Ҳатто уйига таклиф ҳам этмади. Шундай бўлсада Холиниссо вазминлик билан:

- Опамни кўриш учун келгандим. Рухсат берсангиз. Ёнларида кўп қолмайман, - деди. Ноилож қолган хола рўпарадаги пастдаккина эски уйга бошлади.

Уй тўридаги тўшақда ранглари синиққан бемор ётарди. Аввалига Савриниссо танима-

ди, тикилиб қолди. Шу Савриниссо опаи? У ахир қандай чиройли қиз эди. Унда Холиниссо жуда ёш эди. Мактабда Савриниссо энг кўркем, энг аълочи қиз эди. Ҳаммалари унга ҳавас билан қарашарди, Савриниссо ҳам жуда ўзига қарайдиган, кийимлари ҳам ўзига ярашган эди. Наҳот, бугунга келиб шундай аҳволга тушиб қолса. Холиниссо ўзини тутиб олиб дарровда унинг ёнига борди. Шунда Савриниссо нимадир демоқчи бўлар, лекин унинг ғудурланишидан ҳеч нарсани тушуниб бўлмасди. Сўнг эса унинг кўзларида ёш пайдо бўлди.

- Опажон, ўғлингиз соғ-саломат. Сиз тузалиб қолсангиз, албатта, уни олиб келаман. Хоҳсангиз олиб қоласиз, ўзингиз катта қиласиз, - деди унинг кўз ёшларини артиб.

Савриниссо бирдек йиғлар, Холиниссонинг қўлини маҳкам ушлаб қўйиб юборгиси келмасди. Шўрлик аёл юрагидагини тилига чиқаролмас, нажоткорга ўз миннатдорчилигини кўз ёшлари билан изҳор этарди. Холиниссо зўра у билан хайрлашиб кўчага чиқди, уйга келгунча йиғидан ўзини тия олмади.



Орадан икки йил ўтди...

Ҳасан-Зухролар ҳам улғайиб қолишди. Шу вақт мобайнида Маратбек ўғли Ҳасанбойдан уч марта хабар олди. Унинг айтишича, маҳалла йиғини раиси «Болангни ҳолидан хабар олиб тур», - деган экан. Эр-хотин бор меҳрларини бериб Ҳасанбойни катта қилишди. Ҳатто у бу

уйда асранди фарзанд эканлигини ҳам билмасдан ўсди. Буни фақат шу оиланинг яқинлари билишарди холос, ҳатто қўни-қўшнилар ҳам уларни эгизак деб ҳисоблашарди.

Шундай бахтиёр кунларнинг бирида Ҳасанбойнинг отаси бир нотаниш аёл билан уйга кириб келди. Холиниссо уларни дастлаб ўғлини кўргани келган бўлса керак, деб ўйлаганди.

Бироз ўтгач Маратбек ёнидаги аёлни таништирди.

- Бу киши янгам бўладилар, исмлари Зеби-хон. Биз бир жойга бориб бир соатлар чамасида қайтиб келамиз. Унгача Ҳасанбойни кийинтириб туринг. Янгамизни фарзанди йўқ, энди у киши Ҳасанбойни ўғил қилиб оладилар, - деди фотиҳага қўл очиб.

Холиниссо ҳайратдан қотиб қолди. Унинг юрагидан нимадир узилгандек бўлди. Ахир, ўзингиз айтинг, Ҳасанбой оч-наҳор шифохонада ётганида бу янга қаерда эди? Отаси Маратбекчи? У хотини ва қайнонасидан қасд олиш учун бу болани дунёга келтирмаганмиди? Айтинг, айтинг яхшилар. Бугун энди бола кўзга кўринганда уларга керак бўлиб қолдими?

Холиниссо нима қилаётганини, нима бўлаётганини билмас, дам уйга, дам ҳовлига кириб чиқар, ич-ичидан келаётган хўрликнинг давосини топа олмасди. Уйнинг зинапоясига бориб бошини чангаллаганича ўтириб қолди. Қанча ўйламасин у чорасиз эди. Аллоҳнинг олдида савоб учун болани катта қиламан. Сўнгра онасига қайтараман, деб ваъда бермаганмиди?

Дарровда Ҳасанбойни ювинтириб янги кийимини кийдирди. Бола «онам билан қаергадир борарканман» деб суюниб нималарнидир тинмасдан жаврарди. Бироқ Холиниссони қулоғига уни бирорта гапи кирмасди. У ўзи билан ўзи курашар, бор иродасини ишга солишга ҳаракат қиларди. Айтганидек бир соатлар чамасида Маратбек янгаси билан уйга кириб келди. Холиниссо ўғлини кийимлари билан ўйинчоқларини икки тугун қилиб боғлаб қўйганди, уларни қўлига тутқазди. Ҳасанбой билан хайрлашди:

- Ўғлим, мендан рози бўл, берган оқ сутимга мингдан-минг розиман. Фақат илтимос, бизни ҳам унутма, - деди кўз ёшларини яшириб. Ўзини дадил тутди. Ҳасанбой ҳали ҳам ҳеч нарсани англамаганди. Уни отаси қўлидан тугиб эшикка етаклади. Шунда Ҳасанбой Холиниссога қараб «Ойижон юринг» - деди бийрон тиллари билан.

- Сен кутиб тур, ўғлим, мен ҳам орқангдан етиб бораман, - деди ҳеч нарса бўлмагандек.

Маратбекни чиқиб кетаётиб айтган бир оғиз сўзи Холиниссони бир умр юрагида қаттиқ оғриқ бўлиб қолди:

- Опа, рози бўлинг. Ҳасанбойни катта қилиб берганингизга битта боқаётган новвосим бор. Шуни сизга олиб келиб бераман, - деди оғзидаги тилла тишларини кўрсатиб.

- Маратбек, ўша ҳўкизинг ўзингга сийлов. Онанинг сути ҳеч қачон сотилган эмас. Мен ўша мақсадда Ҳасанбойни катта қилмагандим. Менга у қаерда бўлса ҳам соғ-саломат катта бўлса, мустақил юртимга хизмат қиладиган

инсон бўлиб етишса бўлди. Менга шунинг ўзи кифоя, - деди энди бўғзига нимадир тиқилиб. Улар чиқиб кетишлари билан дод солиб йиғлади. Сўнгра нима бўлганини билмади, ҳушидан кетиб йиқилди.

У кўзини очганда тепасида турган қайнона-сини, қўлида пиёлада сув тутаётган эри Асрор-жонни кўриб:

- Қани, менинг Ҳасанбойим, қани ўғлим деяпман, - деб ўрнидан туришга ҳаракат қилди. Шунда эри:

- Холиниссо, ўзингни бос, қачондир шундай бўлиши керак эди-ку. Ўзинг айтмаганмидинг савоб учун катта қиламан деб, - деди унинг қўлларидан тутиб. Келинини бу аҳволда кўриб қайнонаси ҳам энди ўзини тута олмади.

- Нималар деяпсан ўғлим. Ҳасанбойни, Ҳасанбой қилгунча шўрлик келиним не кўйларга тушганини наҳот билмасанг. Болани эгалик қилганлар бирор маротаба йўқлаб келишганмиди?... Ҳолинг не деб сўрашганмиди?...

Онанинг ҳам гапларида жон бор эди албатта. Ҳасанбойни ўғлим дейишга аслида Маратбекнинг маънавий ҳаққи бормиди?

Қийин-қийин яна Холиниссо бечорага қийин бўлди. Ўғлини ўйлаб куну-тун йиғлагани-йиғлаган эди. Оқибатда тоби қочиб қолди. Хайрият, унинг бахтига яқинлари бор экан. Холиниссо ни ёлғизлатиб қўйишмади. Бу орада қизи Зухра ҳам Ҳасанбойга ичикиб, касал бўлиб қолди. Холиниссо икки-уч бор ўғлини қидириб боришга чоғланди. Лекин қайнонаси билан унинг эри шаштидан қайтаришди. Уни юраги

куяр, бу ташналикни на сув, на бошқа нарса боса оларди. Кўнглидан фақат бир сўз отилиб чиқарди. «Ҳасанбойим, соғ-омонмисан?»

Холиниссо тўққиз кун чидади. Қайнонаси кетиши билан кечқурун Маратбекнинг уйига отланди. Негадир бугун унинг юраги безовта эди. Гўё Ҳасанбойга нимадир бўлгандек, тинмай йиғлаётгандек туюлаверди. Кўчага чиқиши билан ундан хабар олай деб келаётган опаси Ҳанифага дуч келди.

- Тинчликми Холиниссо, қаерга кетяпсан?

- Жон опа, - деди зорланиб - Ҳасанбойимга нимадир бўлгандек. Ҳеч бўлмаса ўғлимни узоқдан бир кўрайин, дийдорига тўйайин, майли, кейин ўлсам ҳам армоним йўқ.

Синглисининг дардини тушунган Ҳанифа опаси унга эргашди.

- Мен ҳам бораман.

Опа-сингил етиб келишганда Маратбек томининг тепасида қандайдир иш билан машғул эди. Уларни кўргач:

- Нима бўлди опа, тинчликми ишқилиб, - деди ҳаяжонланиб.

- Ҳа тинчлик. Мен Ҳасанбойни бир кўрмоқчи эдим, янгангизни уйлари қаерда.

- Мен сизни олиб борарди-му, олдин телевизорнинг антенасини ўрнатиб олай.

- Манзилини айтсангиз бўлди, - деди Холиниссо сабри чидамасдан.

- Пастки кўчада туришади. 17-уй, - деди Маратбек қўли билан ўша томонни кўрсатиб. Холиниссо қандай қилиб ўша кўчага етиб борганини билмади.

- Ҳой, тўхтасанг-чи, бирга борамиз, - деб опаси зўрға унга етиб олди нафаси тикилиб.

Шунда Холиниссонинг қулоғига қайсидир хонадондан ёш боланинг йиғиси эшитилди.

- Опа, - бу ўша, Ҳасанбойим, йиғляпти, - деб югуриб кетди.

Уни оналик сезгиси алдамаганди. Маратбекнинг янгаси Ҳасанбойни кўтариб олиб шунча овутгани билан у тинмай йиғларди.

Холиниссо ҳовлига отилиб кирди. Зебо янгани қўлидан болани юлиб олиб бағрига босди. Шунда Ҳасанбой ҳам йиғлашни тўхтатиб, Холиниссони маҳкам бўйнидан қучоқлаб, бирдек хўрсинар, дамма-дам ҳиққиллар, гўё онанинг бағрига тобора сингиб борарди.

Бу ҳолатни кўрган янга ҳам ҳангу-манг бўлиб, уларга тикилганича лол бўлиб турарди. Холиниссо қандай келган бўлса ўшандай болани қучоқлаганча кўчага отилди. Ҳатто опаси борлигини ҳам унутганди. Учраган йўловчи машинага қўл кўтарди, манзилени айтди.

Уйга келгач Ҳасанбойга қараса у озиб, тўзиб кетибди, бир оз иссиғи ҳам бор. Лекин у Зухрони кўргач сал чиройи очилди. Холиниссо зудлик билан «тез ёрдам»га қўнғироқ қилди. Ҳасанбойни синчиклаб текширган врач:

- Опа, ўглингизнинг аҳволи яхшимас, касалхонага ётқизиб даволамасак бўлмайди, - деди.

Зудлик билан уларни олиб кетишди. Холиниссо ўн беш кун деганда шифохонадан чиқди. Бир ҳафта ўтгандан сўнг Маратбек уларни кўргани келди.

- Опа, яхши ҳам олиб келибсиз. Бўлмаса Ҳасанбойнинг аҳволи не кечарди. Янгамга олиб бориб бердим, Ҳасанбойни йиғлаганини кўриб сизга қандай қилиб олиб келишни билмадим. Рости гап, юзимиз чидамади.

- Ҳасанбой ҳам, Худо хоҳласа, соғ-саломат катта бўлар, аммо эрта-индин мактабга борса унинг ҳужжати йўқ, буни ҳам ўйлаб кўрдингизми, - оҳиста деди Холиниссо.

- Мен ҳам сизга шуни айтмоқчи эдим опа. Сизга тилхат ёзиб бераман Ҳасанбойни ўз номларингга расмийлаштиринглар.

- Албатта оламиз. Ахир, у бизнинг фарзандимиз-ку, ҳали кўрасиз у азамат йигит бўлади. Менинг орзуйим уни ҳарбий қилиш.

- Ниятингизга етинг опа, айтганингиз келсин, - деди Маратбек.



Мана шу воқеага ҳам саккиз йилдан ошди. Бугун Ҳасанбой ва Зухра ўн ёшга тўлишди. Мактабда учинчи синфда ўқишмоқда.

Савриниссони улар тез-тез бориб кўриб келишади. У энди анча соғайиб қолган. Ҳозирча Ҳасанбойга унинг кимлигини билдиришганича йўқ. Буни ҳам мавриди бўлар. Бироқ Холиниссони бир зум ҳам хавотирлик асло тарк этгани йўқ. Эртага Ҳасанбойни тақдири нима бўларкин? Яна уни мендан тортиб олишмасмикин? Чунки Ҳасанбойни ўзини номига расмийлаштира олмади. Маратбек, ўша айтган тилхатни ёзиб бермади.

Холиниссо «Нима бўлганда ҳам майли, ўғлим кўз ўнгимда ўсиб улғайса, мустақил юртимга садоқат билан хизмат қилса, менга шуни ўзи катта бахт» деган эзгу ният билан яшамоқда.

*Тошкент-Чуст.  
2012 йил. Февраль.*

## УНДАН УМИДИМ КАТТА

Мен Мансурхонни 1993 йили Тошкентдан Наманганга кўчиб келганимдан кейин танидим. Бунга сабаб улкан шоиримиз, иймон-эътиқодди, покдомон, фозил инсон Чустий домланинг хотирасига бағишлаб 1994 йил чоп этилган «Ёд этингиз камтарин Чустийни ҳам» китоби бўлди. Муаллифни танимаган ҳолда хотираномадаги турли машҳур адиб, шоир ва домлани билган, унинг суҳбатида бўлган фозил кишилар ёзган хотираларни кўз ёш тўкиб ўқиб чиқар эканман, муаллифнинг меҳнатларини кўз олдимга келтирдим. Тошкент, Хўжанд, Косонсой, Тўрақўрғон, Наманган, Қўқон, Чуст шаҳарларида истиқомат қилаётган адиб, шоир, олимларни, домланинг дўстларини қидириб топиш, уларнинг хотираларини тўплаш осон иш эмас, албатта. Бу тўпلام Мансур Инъомнинг нафақат Чустийга бўлган, балки маданиятимиз ва бой адабиётимизга бўлган муҳаббатининг нишонаси сифатида юзага чиқди ва Чустий хотирасига қўйилган муҳим ёдгорлик, муаллиф сўзи билан айтганда, «Чустий домланинг халқ орасидаги ўрни, ғазалхонликлари, қалбда қолган эсдаликларига айланди».

Кейин Мансурхон билан қадрдон ака-ука бўлиб кетдик, тарихий ва адабий масалаларда суҳбатлашиб турдик. Ва ниҳоят, Чустга Бобораҳим Машраб асарларини чоп этиш учун борганимда босмаҳонанинг ишлаб-чиқариш устаси Баҳромжон: «Домла, сизни газетамиз муҳаррири Мансурхон ака кўрмоқчилар», деди. «Телефон қилинг, келсинлар», дедим. Мансурхон ушбу рисолани олиб келиб: «Домла, шуни бир кўриб, фикрин-

гизни айтсангиз» деди . «Мен тарихчи эмасман, Бобур ижоди билан бевосита шуғулланмаганман, майли қуввати ожизам имкони даражасида кўздан кечириб бераман», дедим.

Рисолани ўқиш давомида ўзим қизиқиб кетдим. Мансур Инъом уч қисмдан иборат асар ёзишга ишқибоз экан. Чустий хотирасига бағишланган китоб ҳам уч қисмдан иборат эди. Ушбу китоб ҳам уч ҳикоядан иборат. Ҳикоялар Бобур ҳақида чоп этилган китоблар, халқ орасида оғиздан-оғизга ўтиб юрган ривоятлар асосида бадий бўёқлар бериб қизиқарли қилиб ёзилган. Ундаги Бобур ҳаётига оид маълумотлар тўлатўкис тарихий ҳақиқат, унинг илмий асосланган асар эканига муаллиф ҳам, биз ўқувчилар ҳам кафолат беролмаймиз. Пиримқул Қодировнинг Бобур ҳақида ёзган романидаги воқеа-ривоятлар ҳам тўла-тўкис асосланган эмас. Бадий асарда тўқималар кўплаб учрайди. Лекин буюк давлат арбоби ва шоирнинг Наманган вилоят шаҳар ва туманларида бўлгани, унинг қадамжолари ҳақидаги ривоятларни тарихий ҳақиқат деб тушуниш ва шу нуқтаи назардан ушбу рисолани ўқиб, Бобур ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимизни бойитишимиз айна муддао бўлади. Мансур Инъом кўзлаган мақсад ҳам худди шунинг ўзи. Муаллиф Бобур Мирзо ҳақидаги изланишларини давом эттириб, буюк юртдошимиз ҳақида йирик асар яратади, деган умиддаман.

Исматуллоҳ АБДУЛЛОҲ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номли Давлат мукофоти совриндори, филология фанлари доктори.

## ҚЎШ ИСТЕЪДОД СОҲИБИ

Чустлик Мансур Инъом қўш иқтидор соҳибларидан бири. Бу дилкаш инсоннинг асли мутахассислиги география фани. У шу соҳа бўйича олий маълумотли мутахассис. Биз унинг иккинчи қобилияти, яъни аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак ёзувчилик фаолияти ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Мансурхон адабиёт майдонига қандай қилиб кириб келиб қолгани ҳақда шундай дейди:

- Мен мактабда ўқитувчилик қилиб юрган пайтларимда туманимизда чиқадиган «Чуст ҳақиқати» рўзномасида ишловчи Муҳсинхон Соҳибов ҳам шу мактабда тил ва адабиёт фанидан дарс берар эдилар. Бир куни ўқитувчилар хонасида у киши билан суҳбатлашиб қолдим.

У кишига анчадан буён машқ қилишимни, лекин ёзганларимни ботиниб ҳеч кимга кўрсатмаганимни айтдим ва эртаси куни ёзганларимни олиб келиб бердим. Орадан бир муддат ўтгач, «Бир офиз сўз» номли ҳикоям газетада чоп этилди. Шундан сўнг устознинг бу далдаси мени рағбатлантириб юборди.

Бирин кетин «Навбаҳор чироқлари», «Оқибат», «Тузоқ», «Учрашув» каби ҳикояларим газетада эълон қилинди. Шу-шу бўлди-ю ёзувчилик менинг иккинчи касбимга айланди қолди.

Мансур Инъомнинг «Сирларимни ёйма оламга» номли биринчи китоби чоп этилди. Бу китоб ҳақида таниқли журналист ва шоир Абдуғаффор Расулов шундай ёзган эди:

«Муаллифнинг биринчи китобини қўлга олар экансиз беихтиёр «қойил» деб қўясиз. Китоблари инсоний туйғулар, меҳр-оқибат муносабатлари улуғланади, аксарият ҳикояларида эса муҳаббат мавзуси ўзига хос услублар билан тараннум этилади. Муаллифнинг ҳикояларига хос фазилати шундаки, у аввало қизиқ бир воқеа асосига қурилган, тили равон, содда ва ўйноқидир..»

1993 йилда уни бир пайтлар ҳикояларини чоп этишларини сўраб борган «Чуст ҳақиқати» газетаси таҳририятига бош муҳаррир этиб тайинлашди. Бу Мансурхон учун қаламининг янада чархланишига қулай имконият яради, деган гап эди. Шугина эмас, энди у таҳририят хузурида ёш ижодкорлар тўгарагини очиб адабиёт ихлосмандларига сабоқ ҳам бера бошлади. Айни пайтда у очган тўгарақда адабиёт сирларини ўрганган бир қатор ёшлар республикада чиқадиган қатор газета ва журналларда муваффақиятли фаолият юритмоқдалар.

Тиниб-тинчимас ватанпарвар ижодкор Мансур Инъомнинг яна бир таҳсинга сазовор фазилати ҳам борки, у ҳақда тўхталмасак кўнглимиз тўлмайдди. У она шаҳри Чуста туғилиб адабиёт соҳасида ўчмас из қолдирган шоир Чустийнинг руҳи покини шод этиб, «Ёд этингиз камтарин Чустийни ҳам», «Соғинч» китобларини чоп эттирди. Муаллиф бу китобларида назалнавис шоир Чустийни таниган, у билан мулоқотда бўлган таниш-билишлари, дўстларининг хотираларига ҳам кенг ўрин беради. Шоирнинг ибратли ҳаёт йўли, иқтидор қирраларини очиб беришга маваффақ бўлган.

Қўлингиздаги «Қасд» қиссаси эса унинг ижодидаги яна бир янгилик. Бу асарда ҳам муаллиф гарчи ўз услубига хос йўналишда қалам тебратган, ифодада илгари ёзган асарларидаги каби чушликлар сўзлашув тилига таянган бўлса ҳам эришган ютуқларини такрорлабгина қолмай, уни янада мустаҳкамлашга муваффақ бўлган. Асар воқеаларга бой. Қизиқиш билан ўқилади. Воқеа воқеага, фикр фикрларга уланиб кетаверади.

Қиссага муаллиф бир фожиавий ҳодисани асос қилиб олиб қарийб бир асрлик воқеаларни худди ипга тизгандек қилиб бадиий тарзда териб чиқади. Асарни ўқиган киши кўз ўнгида ўша даврларга оид оғриқли ижтимоий муаммолар намоён бўлаверади. Табиийки, бундай пайтда киши ўтмиш билан ҳозирги кунни ҳаёлан бўлса-да таққослайди ва қалбида хоҳласа-хоҳламаса қора ўтмишга нисбатан нафрат, ҳозирги истиқлол кунларидаги ҳаётга нисбатан эса муҳаббат уйғонади. Бу асар ўқувчини ватанпарварлик, халқпарварлик руҳида тарбиялайди, бугунги истиқлолни қадрлашга, уни жонди билан мустаҳкамлашга даъват этади, деган гап. Асарнинг бошқа ютуқлари ҳақида ҳам анча гапириш мумкин. Бироқ аввал уни сиз муштарийлар ҳам ўқиб чиқинг. Шундан кейин бу китоб ҳақида мавриди билан бафуржа баҳс юритсак айни муддао бўлади.

Мурод КАЛОНХОН,  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган журналист,  
шоир ва ёзувчи.

## МУАЛЛИФДАН

Муроджон Ашуровнинг оталари Сайдулложон ака (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) билан қадрдон эдик. Тумандаги Пиллачилик бўлимига кўп йиллар раҳбарлик қилган. У киши пилла етиштиришда етук мутахассис, бағри кенг, самимий инсон эди. Сайдулло ака ўтирган даврадалар доимо файзли бўларди. Отни яхши кўрарди. Моҳир чавондоз эди. Сайдулло ака кўнгли очиқ, танти, кўпчиликка нафи теккан, саховатпеша инсон эди.

Муроджон билан иккимиз отаси боғлаб кетган дўстлик ришталарини узмасдан, мустақкамлаб кел-япмиз. Муроджоннинг касби савдогарлик. Шу касбини ардоқлаб халққа хизмат қилиб келяпти. У «Матлуботсавдо» акционерлик жамиятига кўп йиллардан буён раҳбарлик қилади. Элимизда шундай гап бор. «Камтарга камол, манманга завол». У камтар, одоб-ахлоқда тенгсиз йигит. Яна бир яхши фазилати Муроджон янгиликка интилиб яшайди. Маънавияти бой, китобга ўч. Кўплаб ижодкорларнинг китобига ҳомийлик ҳам қилиб келади.

Мен ҳам унинг шу саховатидан бебаҳра қолмаганман. Унинг холисона бундай ёрдамлари учун чексиз миннатдорчилигимни изҳор қиламан.



«Бобур изидан» халқаро илмий экспедиция аъзоси, филология фанлари доктори, Бобуршунос олим Неъматжон Отажонов Ҳиндистонга қилган сафарларининг бирида олиб келган «Афғон ривояти» матнини менга тақдим этган эди. У инглиз тилида эди. Матнни Чуст педагогика коллежининг олий тоифали ўқитувчиси Омонжон Рустамов ўзбек тилига ўгирди. Ушбу ривоят таржимаси илк бора шу китобда чоп этилмоқда.



«Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва ҳеч қачон бўлмагай», - деган эдилар Имом ал-Бухорий ҳазратлари.

Илм инсон қалбига нур, зиё олиб кириб уни ҳар қандай ғубордан тозалайди, поклайди. Шунинг учун ҳар бир одам илмга, янгиликка интилиб яшаши керак. Бунинг учун китоб мутолаа қилиши, газета ва журналларни ўқиб бориши лозим бўлади.

Фарғона вилоятининг Бувайда туманидаги «Мель Хом Ашё» хусусий корхонасининг раҳбари Алпонжон Толипов ана шундай фазилатларга эга бўлган раҳбарлардан биридир. Водийда унинг ягона бўлган ламинат ишлаб чиқариш корхонасида йигирма нафар ишчи меҳнат қилади. Жамоа аҳли 2013 - «Обод турмуш йили»да аҳолини қурилиш материалига бўлган эҳтиёжини қондириш йўлида меҳнат қилмоқда.

Алпонжон қишлоғида янги йўл қуриб, унга асфалт ётқизди, ободончиликка ўз ҳиссасини қўшиб савобли ишларни амалга оширмоқда.

Алпонжон қўли очиқ, саховатпеша, яхшиликка, эзгуликка интилиб яшайдиган инсон. У мустақил юртимизга сидқидилдан меҳнат қилиб «Элим деб, юртим деб, ёниб яшаётган» ёшларимиздан.

Қўлингиздаги «Нажот чорбоғи» китобига ҳомийлик қилаётган Ҳомиджон ҳожи ўғиллари Алпонжон укамга кўрсатаётган ҳимматлари учун ўзининг ташаккуримни изҳор этаман. Келажақдаги ишларида каттадан-катта муваффақиятлар тилаб қоламан.



Ушбу китоб устида ишлашда «Бобурнома», С. Жалиловнинг «Бобур ва Андижон», Й. Қосимовнинг «Қадимги Фарғона сирлари», «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журнали, Абдулла Жабборнинг «Наманган вилояти» китобларидан фойдаланилди.

## МУНДАРИЖА

Муқаддима.....	4
Карнон чорбоғи.....	5
Нажот чорбоғи.....	17
Кўхна кўрғоннинг сири.....	32
Афсонада бордир ҳақиқат .....	43
Афғон ривояти .....	52
Қасд .....	61
Ундан умидим катта.....	121
Кўш истеъдод соҳиби.....	123
Муаллифдан.....	126

---

*Адабий-бадиий нашр*

Мансур ИНЪОМ

### НАЖОТ ЧОРБОҒИ

(Қиссалар)

*Муҳаррир:* Ҳусниддин ИНОМОВ.  
*Тех. муҳаррир:* Нўъмонхон ТОШХОЖАЕВ.  
*Ком. оператори:* Исмоилхон ТОШХОЖАЕВ.  
*Мусаҳҳиҳ:* Камолхон БОБОХОНОВ.

Теришга 20.04.2013 й. берилди. Босишга 20.05.2013 й.  
рухсат этилди. Шрифт гарнитураси Vobo Peterburg UZ.

Газета қоғозига офсет усулида босилди.  
Бичими 60x84. 1/16. Шартли босма табағи 8.0.  
Нашриёт ҳисоб табағи 8.25. Адади 500 нусха.  
Бююртма № 229 Баҳоси келишилган нарҳда.

«Наманган» нашриёти. Наманган шаҳри,  
Навобий кўчаси, 36. Матбуот уйи. 3-қават.

Нашриёт лицензия рақами АН-156

2009 йил 14 августда берилган

«Чуст босмаҳонаси» МЧЖ,  
Чуст шаҳри, Сўфизода кўчаси, 8-уй.